

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Низомий номидаги  
Тошкент Давлат Педагогика Университети

**АДАБИЙ АСАР ТАҲЛИЛИ**

(ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2007 й.

Мазкур ўқув қўлланма 5A141102 – ўзбек адабиёти мутахассислиги бўйича магистратурада таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган бўлиб, уларни таълимнинг турли босқичларида бадиий асарни тушуниш ҳамда таҳлил қилишнинг илмий-методик асослари ва самарали усуслари билан танишитиради. Ўқув қўлланма «Бадиий асар таҳлили» фанидан тайёрланган намунавий ва ишчи ўқув дастурлари асосида яратилган.

Муаллиф: М.Мирқосимова, педагогика фанлари  
доктори

Тақризчилар: Қ.Йўлдошев, ЎзМУ «Хозирги ўзбек адабиёти» кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори

С.Матчонов, Низомий номидаги  
ТДПУ «Ҳозирги ўзбек адабиёти»  
кафедраси профессори, педагогика  
фанлари доктори.

Ўқув қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган.

2007 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сонли мажлис баёни.

## КИРИШ

Адабий асарларни ўрганиш орқали ўқувчига нафосат тарбияси сингдирилади. Бадий тарбия адабиёт фанини ўқитиш орқали фанга оид муайян билим, кўникма ва малакаларни ўқувчиларда шакллантиришни кўзда тутади. Айни чоғда ўқувчининг олам ранглари, хаётнинг моҳияти, гўзаллик тушунчаларини англаб етишига қўмаклашади. Адабий таълим жараёнида ўқувчи ҳиссиёти тарбияланади. Унинг гўзаллик ҳақидаги тушунча ва тасаввурлари такомиллаштирилади. Бу борада бадий асар таҳлилига таяниб иш олиб борилади. Бадий асарлар таҳлили орқали ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳияти ўсади, оғзаки ва ёзма нутқи такомиллашади, ўқувчида ўз фикрларини илмий-амалий жаҳатдан асослаш малакалари шакллантирилади. Ҳаммани бир қолипда фикрлашдан озод қилиб, маълум мавзу юзасидан ранг-баранг фикр мулоҳазалар юзага келишида энг самарали ҳисобланган таҳлил усулларига таяниб иш юритилса, адабий таълим ўзининг бош мақсад муддаосига эришади. Шу боис мазкур ўкув қўлланмада адабий асарларни таҳлил қилишнинг замонавий усуллари ва уларни кўллаш бўйича илмий назарий ва амалий тавсиялар берилган. Таълимнинг турли босқичларидан ўрганилиши кўзда тутилган бадий асарларни таҳлил қилишнинг илғор усуллари ёритилган.

Бадий асар таҳлили адабиёт ўқитиш методикаси фанининг алоҳида ва муҳим бўлими ҳисобланади. Адабий таълимнинг сифати, самараси ва замон талабаларига жавоб бера олиш даражаси кўп жиҳатдан адабий асарларни ўрганиш қандай ташкил этилганлиги билан белгиланади. Адабий таълимни илмий методик йўналишда олиб бориш, адабий асарларни умумтаълим тизимида эстетик тамойилларга таяниб таҳлил қилишни ташкил этиш, самарали таълим методларини ишлаб чиқиш, ноанъанавий усул ва воситаларни яратиш адабий асар таҳлили методикасининг умумназарий масалаларини ташкил этади.

Адабий асар таҳлили методикаси «Адабиёт тарихи», «Адабиётшунослик», «Адабиёт назарияси» фанлари билан чамбарчас алоқада иш олиб боради. Бу боғлиқлик соҳанинг мақсади, тадқиқот объекти, таркибининг мазмунидаги кўзга ташланади.

Адабиётшунослик соҳасида эришилган ютуқларга, илғор Ғояларга, фан асосларига таяниб, адабиёт ўқитиш методикасида таълим услубиёти тадқиқ этилади, адабиётшуносликнинг таҳлил усулларидан адабий асар таҳлилида фойдаланилади.

Адабиёт назариясининг назарий тамойилларига адабиёт ўқитиш методикасининг барча соҳаларида, хусусан, адабий асар таҳлилида ҳам қатъий амал қилинади: адабий турлар ва жанрлар, тасвирий воситалар, шеърий санъат турларига адабий асар таҳлилида бевосита мурожаат қилинади, назарий билимларга таяниб таҳлил юритилади.

Адабиёт ўқитиш методикаси адабиёт тарихини ўрганишни илмий методик асосда ташкил этиш масалаларини ечишда адабиёт тарихига дахлдор ютуқлардан, илмий тадқиқотлардан фойдаланади, адабий меросни ўрганиш жараёнида тарихийлик, халқчиллик тамойилларига амал қиласди. Шу боис адабиётимиз тарихини даврлаштириш принципларига риоя қилиб, адабий асарларни таҳлил қилишда, адабиёт ўқитувчиси маънавий адабий меросга миллий истиқлол Ғояси руҳи ва талаблари асосида ёндошишни тақазо этади.

Адабий асар таҳлили методикаси адабий асар тилини ўрганиш жараёнида тилшунослик фанига мурожаат қиласди, ўзбек адабий тилининг эстетик хусусиятларини таҳлил орқали ёритишни назарда тутади; руҳшунослик фани билан боғланиб, адабий асар таҳлилида қўлланган усул ва воситалар ўқувчи талабалар ёшига, билим савиасига, онгига, дунёқарашига нечоғлик мос келишини эътиборга олади.

Педагогика ва дидактика билан чамбарчас боғлиқликда адабий асар таҳлили методикаси охир-оқибат ёш авлоднинг баркамол, оқил инсонлар сифатида шаклланишга таъсир кўрсатади, эзгуликни, гўзалликни ҳис

қилувчи, қадрловчи, маънавияти баркамол шахсларни вояга етказишга хизмат қилади.

Адабий асар таҳлили методикаси олий мактаблар магистратура йўналиши бўйича таълим олаётган ва келажақда умумтаълим тизими, академик лицейлар, касб-хунар коллежларида ишлаб, ўқувчиларда адабий асарларни ўрганиш, эстетик таҳлил қилиш малакасини таркиб топтириш ва такомиллаштиришларида ёрдам беради; адабий асарларни таҳлил қилиш воситасида ўқувчи ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг эстетик дидларини, нутқини, фикрлаш салоҳиятини ўстиришни кўзда тутади.

Адабий асар таҳлили методикасининг таркибини адабиётшунослик ва адабиёт назариясидан ўзлаштирилган билимлар, адабиёт тарихи, педагогика, эстетика, психологиядан таянч билимлар, амалий малакалар ташкил этади; яхлит ҳолда унинг марказида таълим жараёни туради, шу жараёнда иштирок этадиган талабалар ва уларга эстетик таҳлил усуллари, тамойиллари, адабий асарларни ўрганиш босқичларини илмий-методик жиҳатдан ёритиш; бўлғувси адабиёт ўқитувчиси – магистрларни адабий асар таҳлили методикасига оид билим ва малакалар билан қуроллантириш мазкур курснинг асосий мақсадини ташкил этади. Унинг вазифаларини ана шу жараённи мукаммаллаштириш, илғор усуллар ва воситаларга таяниб, адабий асарларни эстетик таҳлил қилишга талабани ўргатиш, унда адабий таҳлил малакасини таркиб топтириш ва такомиллаштиришга эришишдан иборат.

## МАТНДАГИ АСОСИЙ ФИКРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Адабий асар таҳлили методикасига оид қарашларни Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону Луғотит турк», Аҳмад Юнгакийнинг «Ҳибатул ҳақойик», Юсуф Хос ҳожибнинг «Қутадғу билиг» каби асарларида ҳам учратамиз.

XX аср аввалида ҳамза, Фитрат, Чўлпон, Беҳбудий, Абдулла Авлонийнинг педагогик қарашлари, адабий асарлари, маънавий тарбияга оид

қарашлари, ахлоқий-дидактик ва маърифатпарварлик Ғояларини тарғиб этувчи асарлари, мақола ва рисолалари, дарсликлари XX асрнинг 20-30-йиллари ўзбек методикасининг шаклланиши ва ривожига катта таъсир кўрсатганлигини яхши биламиз. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» номли мақоласини бадиий асарни ўрганиш ва таҳлил қилиш соҳасидаги энг муҳим методологик асослардан бири дейиш мумкин. Аллома адаб ва олим Абдурауф Фитрат «Шеър ва шоирлик» (1919 йил) мақоласида «Шеър надур?» деган саволга қуйидагича жавоб қайтарган: «...шеърда кишиларнинг қонини қайнатғувчи, сингирларини ўйнатғувчи, миясини титратғувчи, сезгусини қўзғатғувчи бир қуч, маънавий бир қуч бор. Шундай бир кучи бўлмаган сўз «вазн» ва «қофия»си бўлсун, шеър бўла олмайдур... чин шеър юрак сезгуларини кўрсатмақдир. Вазн ва қофия эса сўзнинг безагидир»<sup>1</sup>.

Ижод эркинлигини бўғувчи ҳужжатларининг қабул килиниши (1932, 1936 йиллардаги давлат резолюциялари) натижасида бадиий адабиётни социалистик реализм методига бўйсундирилиши адабий асар таҳлили методикасига ҳам жиддий салбий таъсирини ўтказди. Бу ҳолат XX асрнинг 90-йилларига қадар давом этди.

Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлолни қўлга киритиши натижасида бадиий ижод эркинлиги таъминланди. Бугунги кунда бадиий асарлар партиявийлик ёки соҳта ижтимоийлик талаблари билан эмас, эстетик тамойилларга таяниб ўрганилаётганлиги адабий таълим соҳасида ҳам жиддий ўсиш-ўзгаришларга туртки берди. Адабий асарларни ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги, бадиийлиги ва таъсирчанлигига кўра таҳлил қилиш бош мезонга айланди. Истиқлол давридаги бадиий асар таҳлили методикасига оид тадқиқотларда ҳам ана шу масала диққат марказида турмоқда.

Умумтаълим мактаблари учун янги дарсликлар, дастурлар, методик кўлланмалар яратилди; янгилangan педагогик тафаккур тамойиллари ишлаб чиқилди, адабий таълимни илғор методлар ва самарали усусларга таяниб

<sup>1</sup> УзАС. 1995й. 16 июнь.

ривожлантириш истиқболларини ёритувчи илмий-тадқиқотлар яратилди. Методист олимларнинг янги авлоди шаклланди: С.Матчоновнинг «Узлуксиз таълим тизимида синфдан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш» усулларига оид докторлик диссертацияси ва методик қўлланмалари, М.Мирқосимованинг «Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари»га оид докторлик диссертацияси ва рисолалари, К.Йўлдошевнинг «Янгиланган педагогик тафаккур ва адабий таълимнинг назарий-методик асослари» мавзусидаги тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим. Қ.Хусанбоеванинг «Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш», Т.Бобоевнинг «Шеър илми сабоқлари» каби монографиялари ҳам адабий асар таҳлили методикаси соҳасининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Хўш, бадиий матндаги асосий фикр қандай аниқланади? Шеърият қандай олам? Унинг хусусиятларини аниқлашда қандай усулларга таянилади?

Айрим шоирлар шеър - юракни ларзага соглан ҳислардан дунёга келади, деб ҳисобласалар, баъзи ижодкорлар шеър - қалб изтироблари-ю дардларини, армону қувончларини бадиий бўёкларда тасвирлаш, деб таъриф берадилар. Шеърият инсоннинг фикр-ўйларини, ҳис-туйғулари, олам гўзалликларига муносабатини бадиий тарзда яратади, кўз ўнгимизда бадиий сўз орқали жонлантиради.

Дикқат қилинг:

Тонг елининг ипак қўллари  
Сирень тегиб ўтгач гулингга,  
Нечун майин, нозик тебраниб  
Қараб қолдинг унинг йўлига?  
Сен тебрандинг — очди лабини  
Кўксингдаги нафис Ғунчалар.  
Айт- чи, сенга деди неларни  
Яшнаб кетди, гўзал шунчалар?  
(«Сирень» шеъридан)

Ёки:

Тоғ ортидан кўтарилди ой;  
Сўлим қирғоқ нур- ла ўпишди.  
Кўзгу бўлди жимжит оққан сой,  
Ойнинг акси сувларни қучди..  
(«Сой кечаси» шеъридан)

Шоира Зулфиянинг бу каби шеърларини ўқир эканмиз, хилма-хил кечинмаларни қалдан хис этамиз, чунки бу шеърларда фикр ва туйғу ҳаракати жўшқин, хис-ҳаяжон салмоғи юксак. Шу сабабли майин мусиқийликка уйғун руҳият манзараларини қалб кўзимиз орқали кўргандай бўламиз. Нафис бўёкларда берилган табиат чизгиларида оқ, ним пушти ранглар етакчилик қиласи. Табиат тасвирига уйғун инсоний кечинмаларни кечираётган лирик қаҳрамон кўз ўнгимизда жонланади, унинг қалби илиқлика тўла, гўзалликка ташна эканини хис қиласи. Шоиранинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишлаб ёзган шеърлари айниқса ҳаяжонли, дардчан. Табиат тасвирига сингдирилган майин оҳанглар оқ бўёкларда тасвирланади; инсоний дардга йўғилган фарёд нолалари, дарду алам, армону изтироб туйғулари аста-секин сарғиш ранглар ёки тўқ рангларга кўчади. Лирик қаҳрамон қўлидаги даста гул, ёруғликни тўсиб келган қора булут, аёл изтиробларига чидомасдан дув ёш тўккан осмон, оқ булутлар – бари рамзий маъноларни ташийди.

«Биз йиғладик тепангда шу кун  
Келдингми деб кўтартмадинг бош.»

мисралари лирик кечинма якунини ташкил этади. Демак, Зулфия шеърларида хаётнинг мураккаб синовларидан ўтиб бораётган инсон қиёфаси, унинг ўй-кечинмалари, хис-туйғулари, дарду изтироблари тасвирланади ва китобхонни аёл, она, ёр қалбининг муштарак туйғулари замиридаги

маъноларни англашга ундаиди. Ўқитувчи дарсликдаги Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларнинг маълум қисмини ўқиб бериши, шоирага замондош ижодкорлардан Миртемир, Абдулла Қаҳхорнинг фикрларини эслатиши, дарсда баён этилган фикрларга таяниб ижодкор қиёфасини ўқувчилар кўз ўнгига тўла жонлантиришга эришиши мумкин. Шоиранинг ёзув тахтасига илинган портретига қараб унга хос сифатларни пайқаш мумкинми? Шоира нигоҳига чўмган ҳорғинлик қандай маъноларни ифода этади? Ўқувчиларнинг саволларга берган жавоблари тинглангач, «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърини ўқиб ўрганиш мумкин. Шеър таҳлили давомида эса муаммоли саволлар ечилади. Шеърнинг биринчи бандидаги баҳор тасвири оламнинг гўзалликка бурканганидан дарак беради. Кўз ўнгимизда баҳмал водийлар, қирларнинг баҳорий қиёфаси жонланади. Аммо баҳор шайдоси, шоиранинг севимли ёри қани? Уни майин шабада ҳам тинмай изламокда, тополмагач, бошини тоғларга уриб, сойларга қулатди тошларни.

Эътибор беринг: шаббода рангго-ранг жилоларга йўғрилган ҳолда хонага кирди, аммо яногидаги ҳижрон дардидан тўкилган ёшлар ва заъфарон ёноқ рангларига сингишиб, сарғимтири тусга кирди, бу кўз ёшлари оддий эмас, балки аёл қалбининг изтиробларини англатувчи, аччиқ қисмат нолаларига айланган, куйдиргувчи кўз ёшларидир.

Гуё шамолнинг этагидан тутиб, елдай учиб, ёрининг қабри томон кетаётган шоира унинг ҳаётдан кўз юмганига ишонгиси келмайди.

Қабр тошига боқиб, аччиқ ҳақиқат олдида бош эгган шоира ҳолати шаббоданинг афтода кезишига, бекарор елишига қиёсланади. Лирик қаҳрамон кўз ёшлари билан вужудини чок -чок этиб йиғлаган бўлса, шаббода хар тарафга бош уриб, «гуллар Ғунчасини этди чок-чок». Натижада шоира ҳолати, унинг изтироблари баҳор ҳолатига кўчади, гўё осмон ҳам, дарахтлар, гуллар, сайроқи қушлар ҳам лирик қаҳрамон ҳолатига мутаносиб Гамнок, дардchan ҳолатни ифодаловчи тўқ рангларга бурканади, ёш тўқади...

Ўқитувчи шеър мисраларида қўлланган ўхшатишлар, мурожаат усули,

жонлантириш («Қишининг ёқасидан тутиб сўради сени..»), ўзига хос бадий бўёқларда берилган тасвиirlарни ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилиш ёрдамида дарсликдаги савол ва топшириқлар устидаги амалий ишни якунлайди. Уйга вазифа сифатида «Тун манзараси» мавзусида тасвирий иншо ёзишни топшириш мумкин.

Демак, адабий таълимда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш дарс сифатини оширишга, ўқувчиларни эса мустакил амалий ишларга йўллашга ёрдам беради, адабий таҳлил малакаларини шакллантиришга қулай шароит яратади.

Бошланғич синф ўқувчилари аста-секин кичик ҳажмли эртақ, ҳикоя, болалар учун ёзилган шеърларни ўқиш жараёнида уларнинг мазмунини ўзлаштириб, оғзаки нутқда қайта баён қилишга, одоб ва ахлоқ масалаларига муносабат билдиришга ўрганадилар. Ўқувчилар образларнинг ҳатти-харакатларини кузатиб, уларга тавсиф бериш малакасини ҳосил қиласидилар.

Айни шу қўникмаларга таяниб, таълимнинг кейинги босқичларида ўқувчиларда адабий таҳлил малакаси шакллантирила бошланади. Табиийки, 5-7-синфлар ўқувчилари олдига қўйиладиган ўқув мақсадлари ва вазифалари аста - секин мураккаблаша боради.

Ўқитувчи-ўқувчи муносабатларида ўқувчининг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади; хилма-хил жанрдаги асарларни ўқиб ўрганиш жараёнида зарур назарий билимларни ўзлаштириб боришлари; бадий асарнинг шакл ва мазмун жиҳатдан яхлитлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишлари; ўқиб ўрганилган асарларни ўқитувчи ёрдамида таҳлил қилишга киришишлари кўзда тутилган.

Шу сабабли, 5-7-синфлардаги адабий таҳлил хусусиятларини қўйидагича белгилаш мумкин:

- бадий асар жанрига оид назарий тушунчаларни сюжет, композиция, образ, бадий конфликтга бοғлаб ўрганиш;- дарсда ўрганилган асарларнинг бадий хусусиятларига ўқувчилар диққатини қаратиш; хилма-хил жанрдаги асарларни жанр талаблари асосида ўзаро фарқлаш

малакасига эга бўлиш;

- дарслиқдаги савол ва топшириқлар, ўқитувчининг ўқувчиларни мустақил ижодий ишга ҳамда таҳлилга йўлловчи топшириқлари асосида таҳлил малакасини шакллантириб бориш;
- ўқувчиларни адабий асар матнига таяниб таҳлил қилишга йўналтирувчи усуллардан фойдаланиш.

Бинобарин, ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш дидактик, психологик ва методик тамойилларга таянишни тақозо этади. Чунки, ўқувчининг бадииятни ҳис қилиш ҳолати унинг руҳияти билан боғланса, бадиий асарни ўқиб ўрганиш жараёнида ундан ҳаётий хulosалар чиқариш, маънавий сабоқ олишга, онг ва ҳиссиётининг таълим мақсадига кўра ривожланиши дидактика билан боғланади; ўқувчининг адабий таҳлил талабларини ўрганиши, адабий асарнинг қурилиши ва жанрига оид билимларни ўзлаштириб, бадиий ижод қонуниятлари талабларига мос тарзда бу билимларга таяниб амалий иш юритиши, ижодий фикрлаши – методика билан боғланади. Мактаб адабий таълимига эстетик таҳлилни олиб кириш масаласи ҳануз долзарблигини сақлаб турибди. Хўш, адабий таҳлил нима? Умумтаълим мактаблари адабий таълимига эстетик таҳлилни олиб кириш йўллари қандай? ўқувчиларда адабий таҳлил малакаси таълимнинг қайси босқичида шакллантирилади? Адабий таҳлил - бадиий асарни ўқиб, мазмунини ўзлаштиришдангина иборат эмас, ҳолбуки, қўплаб адабиёт ўқитувчилари адабий таҳлилни ана шундай юзаки тарзда тушунадилар.

Адабий таҳлил шеър ёки насрый асарни ифодали ўқишдан бошланади; ўқиши давомида ижодкор яратган тафаккур тарзи англашади, ўзлаштирилади, муҳокама қилинади, китобхон кўз ўнгида яратилган поэтик манзара ёки ҳолат ҳам ташқи, ҳам ички ҳаракатлар, туйғулар орқали идрок этилади, ҳис қилинади. ўша таъсирчан манзарани яратишда шоир ё ёзувчи қўллаган тасвирий воситаларга сиртдан аҳамият берилмайди, асосий эътибор ўқиш жараёнида мазмунга, образнинг ички маъноларига жалб этилади. Аммо, таҳлил жараёнида ана шу маъноларни ифода этишга сафарбар қилинган

барча воситалар ўрганилади. Хилма-хил даврда яшаб ижод этган ижодкорлар яратган асарларни бадийлик, ҳаётийлик ва таъсирчанлик мезонлари асосида ўрганиш мактаб адабий таълимнинг бош вазифасини белгилайди.

Адабий асарлардан эстетик таҳлилга таяниб маънавий сабоқ бериш, ёшларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, ҳам жисман, ҳам руҳан тетик, бақувват, комил шахсларни шакллантириш адабий таълимнинг етакчи вазифаларидан биридир. Ўқувчиларда таҳлил малакаси 5-7-синфларда шакллантирилиши, юқори синфларда эса бу малакани такокиллаштиришга эътибор қаратиш лозимлиги методик адабиётларда тилга олинган. Аммо, мазкур малакани шакллантириш учун бошланғич синфларда ўқувчилар маълум адабий тайёргарлик босқичидан ўтишлари зарур. Тўғри, илк босқичда бу ҳолат ўқувчининг ҳис этиш қобилияти орқали кўп даражада воқе бўлади. Ўқувчи завқланиш, таъсирланиш орқали мазмунни англаш сари боради. Таълимнинг кейинги босқичларида шу хусусиятга таяниб, ўқувчини фикрлашга ўргатилади, муҳокама - мулоҳазалари тингланади, зарур ўринлар ўқитувчи томонидан тўлдирилади, энди асар курилиши, жанр хусусиятлари ҳақидаги бошланғич билимлар берилади.

Гап 5-6-синф ўқувчиларида шакллантирилиши зарур бўлган амалий кўнишка ва таҳлил малакасига келиб тақалганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълимнинг бу босқичида ўқувчилар китобхон-лигига эришиш жиддий муаммо ҳисобланади. Китоб ўқимайдиган ёки бунга ҳаваси бўлмаган ўқувчидан дидли китобхонни «яратиш» ўқитувчининг ижодкорлигига, изланувчанлигига кўп даражада боғлиқ. Китоб ўқишини маънавий эҳтиёжга айлантира олган ўқувчигини эстетик таҳлил малакасини тўла эгаллаши мумкин. Китобхонлик даражаси юқори бўлган ўқувчилар юқори синфларда адабий жараённинг муҳим қонуниятларини, бадиий ижоддаги анъанавийлик ва бадиий маҳорат, услубий ўзига хослик каби тушунчаларни ўзлаштира оладилар.

Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришда ўкув дастури ва дарсликларнинг ҳам аҳамияти бекиёс. Педагогика фанлари доктори,

профессор Қ.Йўлдошев, филология фанлари доктори, профессорлар У.Норматов, Б.Тўхлиев томонидан яратилган «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуалари бу соҳадаги ютуқлардан эканини таъкидлаш ўринли бўлади.

Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасининг шаклланиши адабиёт ўқитувчиларининг билимига, дарс жараёнида самарали метод ва усулларни кўллаш даражаларига ҳам боғлиқ, албатта. Шу билан бирга дарсларнинг илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши ҳам таълим сифатини таъминловчи омилдир. 5-синфда А.Қодирийнинг «Жинлар базми» ҳикоясини ўрганиш бўйича дарс режасини эътиборингизга ҳавола этмоқчимиз: ўқув дастурида ҳикояни ўрганиш учун З соат белгиланган. Ажратилган вақтнинг биринчи соатида ҳикояни тўла ҳолда ўқиб, мазмунини ўзлаштиришга, ёзувчи ҳақида ўқувчиларга маълумот беришга эришишни режалаштириш мумкин.

Кейинги соатда эса ҳикоя ҳақида назарий билим бериш, А.Қодирийнинг «Жинлар базми» ҳикоясида ёзувчи воқеани тасвирлашнинг ўзига хос йўлини кўллаб, бир ҳодисани ҳам бола, ҳам ота тилидан баён этиш орқали асарнинг таъсирчанлигига, марказий муаммонинг – илмсизлик оқибатида инсон кулгили ҳолатга тушиб қолиши мумкинлигини жонли ва ҳаётй тарзда тасвирлашга эришгани баён қилинади. Дарҳақиқат, А.Қодирий Чўлпон, Фитрат, Бехбудий сингари жадидчилик ҳаракатининг иштирокчиси сифатида кўплаб асарларида маърифатпарварлик Ғояларини илгари сурган, илмсизлик жаҳолатни келтириб чиқаришини рўйи-рост тасвирлашга эришган, «Жинлар базми» ҳам бош қаҳрамоннинг ваҳм ичидан бошидан кечирган ҳолатини ёритади, айни пайтда, содладил, оддий, илмсиз кишининг бошидан кечирган ҳодисалари орқали жамиятдаги иллатни фош этишга хизмат қиласди.

Охирги соатда ўқувчилар эътиборини ҳикоянинг бадиий тил хусусиятларига қаратиш мумкин: ниҳоятда лўнда, содда, тушунарли тилда воқеа баён этилади. Нима учун ота ўз ҳикоясини бошлаганда ўғил кўрпага янада бурканиб олди? Нега отаси унга мийиғида бир кулиб қўйиб, ўз ҳикоясини бошлади? Ҳикоя сўнгидаги ўзига хос хотима қандай маънони ифода қиласди? Ҳикояда қаҳрамон нутқидан ташқари муаллиф нутқи ҳам

иштирок этганми? Сиз бош қаҳрамон ҳолатини, «Жинлар базми»ни тасаввур эта олдингизми? ўзингиз шундай ҳолатга тушганмисиз? Бу каби саволлар орқали ҳикояни тўла таҳлил қилиш мумкин.

Демак, ўқувчиларда таҳлил малакасини таркиб топтириш ҳам назарий, ҳам амалий билимлар ва малакаларни бирлаштирувчи таълим жараёнини ўз ичига олади. Янгиланган таълим технологияси талабига кўра ўқувчини оддий тингловчи даражасидан фаол изланувчи, фикрловчи, ижодкор ўқувчи даражасига етказиш мақсади ана шундай амалий жараёнларда юзага чиқади.

Демак:

А) эпик асар образлари, сюжети ва композицияси, эпизодлари устида иш олиб бориш орқали асар Фоясини, қаҳрамоннинг руҳиятини ёритишга ва адабий тимсол қиёфасини гавдалантиришга хизмат қилувчи тасвирларни танлаш, ифодали ўқиши, шарҳлашга интилиш муҳим аҳамиятга эга;

Б) асар матни устида ишлаш жараёнида бадиий тил хусусиятини ўрганишга ўқувчиларни йўллаш;

В) ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга эришиш воситасида ўқувчиларни санъат асарларини бадиийлик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида баҳолашга ўргатиш нихоятда муҳим аҳамиятга эга экан.

## **Эпизодлар устида ишлаш**

Эпик асардаги эпизодлар устида ишлаш орқали китобхон қаҳрамонлар харакат қиласидиган маконга, воқеа – ҳодисаларга яқинлашади, бу ҳодисаларнинг жонли гувоҳига айланади.

Эпизод – асарга қамраб олинган ҳодисалар тасвирини узвий боғловчи бўғин ҳисобланади. Шу боис, алоҳида эпизодни асар воқеаларидан узилган ҳолда ўрганиш ва таҳлил қилиш мумкин эмас. Барча эпизодлар қаҳрамонларнинг асар воқеалари ичидаги яхлит характери, қиёфаси ва рухиятини ёритишга, ҳодисалар оқимини табиий ҳаракатланишига таъсир кўрсатади. Яхлит сюжет ва композицияга эга бўлган бадиий асардан айнан ана шундай муҳим бадиий вазифани ижро этувчи бўғин – эпизод танланиб, уни бошқа эпизодлар билан боғлаб таҳлил қилиш орқали ҳодисаларга, қаҳрамонларга, асарнинг бош муаммосига нисбатан ёзувчи нуқтаи назарини, муносабатини ўрганиш мумкин.

Эпизодлар матндан танлаб олинади, шу боис қаҳрамон қиёфасини баҳоловчи далил, ҳодисалар моҳиятини очувчи асос бўлиб хизмат қиласи.

Бадиий асар қурилмасини ташкил этган эпизодлардан аниқ мақсадни ёритишида фойдаланилади.

1. Агар ўқитувчи асар қаҳрамонларининг ўзига хос характер хусусиятларига эга эканликларини ёритиш мақсадида эпизодлар танланса, танланган эпизодлар шу мақсадни ёритишга ва асослашга мос тушиши лозим.

2. Танланган эпизодни асар воқеалари билан боғлаб ёритишга эришиш лозим, шу йўл билан ўқувчиларнинг бадиий асарга доир яхлит тасаввурлари шакллантирилади.

3. Ўқитувчи эпизоднинг турли жиҳатларидан турли мақсадда фойдаланиши мумкин. Айнан бир эпизод қаҳрамонларнинг турли ҳолатларини, ўй – кечинмалари ёки рухиятдаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи восита сифатида ўрганилиши мумкин. Ўша эпизоддан воқеаларга муаллиф муносабатини аниқлашда ёки зиддиятлар моҳиятини ёритишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Масалан: «Диёнат» романидаги тоға ва жиян муносабатлари мазмунини ёритишда Гулсара ая билан Отакўзининг сұхбати тасвиrlанган марзаралар мұхим аҳамиятта эга. Жигаргўшасининг изтироблари Гулсара аяни нечоғлик қийнаганини Отакўзи эшикни «қарс» этиб ёпиб чиққандаги икки букилиб «қулаши» орқали ёзувчи Ғоят таъсирили тасвиrlаган. Санъаткор адид А. Қаҳхор ҳикояларида ҳам эпизодлар сюжетни ҳаракатта келтирүвчи «куч», айни пайтда, ҳар бир қаҳрамон рухиятини ичдан ёритиш воситасига айланғанligининг гувоҳи бўламиз.

Ўқитувчи «Диёнат» романидаги етакчи қаҳрамоннинг мураккаб тимсолини ёритишга ҳизмат қилувчи лавҳалар, тасвиrlар, воқеалардан мисоллар топишни ўқувчиларга топшириб, жавобларни умумлаштиришга, тўлдиришга киришади. Навбатдаги топшириқни ҳавола этади: мана бу эпизод асосида Отакўзига хос қандай сифатларни билиш мумкин:

«Нега энди мен ... қариган чоғимда ... сенинг ўғлингни деб, ўз виждоним, диёнатимга қарши иш тутар эканман?

Отакўзи қўлларини столга тираб, бутун гавдаси билан олдинга энгашди:

- Сиз... нима деяпсиз ўзи? Сизнинг виждонингиз қийналадиган нима иш қилди менинг ўғлим? Ё одамхўрликни тарғиб қилаяптими ўз диссертациясида?»

Ўқувчилар бундай эпизодлар тасвирини шарҳлаб, қаҳрамон қиёфасини ўз мулоҳазалари асосида ёритишлиари лозим. Улар Отакўзи ва Номурод тоғанинг кўнглидан кечган мулоҳазаларини ўzlари ифодалашга уриниб кўрадилар. Ўз тажрибамида ўқувчиларга айнан шундай ижодий иш тоширдак. Улар мураккаб вазиятлардаги қаҳрамон дунёсини барча зиддиятлари билан хис этиб, мулоҳаза ва тасавурларини ёзма баён этишди. Мана шулардан бир мисол: «Отакўзининг ички кечинмаларини мен шундай тасаввур этдим: «У ўзини қўйгани жой топа олмай асабий ҳолатда хонанинг у бурчагидан бу бурчагига юрди. Вужудида титроққа ўхшаш туйғуни сезди. Бояга шаҳди бир оз пасайгандай, бўшашиб ўтирди. Кўнглида милт этган

учқунни ҳис этди. Бу - илинж туйғуси эди. Тоғаси уни кечиармикин? Энди бу ёғи нима бўлади? ... Боши қаттиқ оғриб, кўз ўнги қорангулашди. Виждони тўлғаниб йўл қўйган ҳатоларини эсга солар, ўйлари чувалашиб, ўзи билан ўзи олишарди», - деб ёзган ўқувчи Баҳодир Нишонов.

«Асар воқеалари ечимини Сиз қандай ҳал этган бўлардингиз?» - деган ўқитувчи саволига ўқувчилар яна ўз мулоҳазаларини билдирилар:

Ҳаётнинг тазиёки остида Откўзи диёнат ва вижденига қарши борган киши фожеага йўлиқишини англаш етди. Чинакам инсонийликни оёқ ости қилган шахс оқибатда ҳаётнинг шафқатсиз зарбасига учраши мумкинлигига амин бўлди. Отакўзи ўз ҳатоларини тушуниб етишига ишонса бўлади. Асарнинг хотимасини ана шундай тасаввур этиш мумкин», - деди ўқувчи Матлуба Обидова.

Дарҳақиқат, романнинг «Диёнат» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Агар инсон одамийликни, диёнатини унутиб яшаса, даҳшатли фожеага дучор бўлади; ҳалоллик ва диёнатни ҳаётнинг бош мезонига айлантирган инсонлар эса барчанинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўладилар. Ўқувчиларни адабий таҳлилга йўллаш ва ижодий ишларга жалб қилиш воситасида инсон шахси билан ҳаётнинг хилма-хил қирраларига улар эътиборини қаратиб ҳаётий хулосалар чиқаришга ўргатиш мумкин.

Демак, эпизолар устида олиб бориладиган амалий иш қуидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Танланган эпизод ўқувчига қандай таъсир қўрсатганини аниқлаш: Ушбу эпизод ўқувчи – китобхонни асар воқеалари, қаҳрамонлари оламига яқинлаштиришга хизмат қилдими? Эпизод тасвири қандай кечинма ё фикрларни уйғотди?

2. Асарнинг сюжети ва композициясида танланган эпизод қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш, бу эпизод қаҳрамон характерини ёритишига хизмат қиладими? Асар воқеалари ривожига танланган эпизоднинг таъсирини ўқувчилар сеза олдиларми? - каби саволлар ечимини топиш.

3. Эпизодларни ўқувчиларга ифодали ўқитиш ва асар матнига бөлгаб таҳлилга йўллаш.
4. Эпизодлар устида ишлаш босқичлари ўқувчиларнинг ёши, адабий тайёргарлик даражаси, китобхонлик савиясига мослаб ташкил этилишини ўқитувчи ёдда сақлаши лозим.

## **БАДИЙ АСАР ҚАХРАМОНИ ҲАЁТИДАГИ ҲОДИСАЛАРНИ АСАР СЮЖЕТИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИГА БОЛЛАБ ЎРГАНИШ**

Умумтаълим тизимида ўқувчилар эпик асарларнинг сюжети ва композицияси ҳақидаги бошланғич назарий билимларни ўзлаштириб, бадиий асарнинг барча унсурлари узвий бирликда асарга қамраб олинган ҳаётий образлар, қаҳрамонлар, ижтимоий-маънавий муаммоларни бошқа жанрдаги асарларга қараганда кўламлироқ тасвирлаш орқали салмоқли бадиий

умумлашмалар яратищдай вазифани бажаришга ижодкор томонидан йўналтирилишини тушуниб оладилар. Хилма-хил асарларни ўрганиш давомида кўпинча воқеаларни ташки жиҳатдан сюжет йўналишига кўра кузатиб, режа тузишни, ушбу режа асосида ҳодисаларни баён қилишга (5-6–синфларда); асар қаҳрамонларига хос сифатларни тасвирлашга (7-8–синфда); бадий конфликтига, сюжет ва композиция воситаларига эътиборни қаратиб, улар оркали ёзувчи илгари сурган бадий Ғоя моҳиятини ёритишга муваффақ бўлганлар (8-9–синфларда). Узлуксиз таълим тизимининг кейинги босқичларида эса ҳикоя, қисса, роман сингари эпик адабий тур жанрларининг фарқли, ўзига хос жиҳатлари билан талаб ва имкониятлар доираси мавжуд эканини ўқувчи янада чуқурроқ тушуниб олиши зарур. Хусусан эпик жанрдаги асарлар сюжет ва композицияси яхлит бутунликни ҳосил қилиб, катта миқёсли, салмоқдор Ғояни – эпик тафаккур тарзини ёзувчилар танлаган ҳаётий материал асосида, уни санъаткорона қайта идрок этиб, яхлит бадий асар тарзида яратиши учун имкон бериши; сюжет унсурлари; воқеага кириш, тугун, воқеа ривожи, унинг авж нуқтаси, ечим, хотима; композиция воситалари: асар сарлавҳаси, эпилог, жой тасвири, воқеалар содир бўладиган макон, пейзаж, портрет, бадий деталлар, асар қисмлари (боблар, бўлимлар ва ҳ.к.) эпизодлар, ҳолатлар тасвири ва бошқалар ҳаётнинг барча драматизми ҳамда чигалликларини ўзига, ўз қалбига сингдирган инсонни, бир қанча инсоний тақдирларини сюжетли-композицион тизим асосида замон ва макондаги ҳаракатини тасвирлашга хизмат қиласи. ўқувчилар катта миқёсли эпик асар – романга хос жанр хусусиятларини роман – эпопеядан фарқлай олишлари, тарихий романни замонавий романдан фарқловчи жанр сифатларини, сюжет – композиция унсурларини бадий вазифаси нимадан иборат эканини адабий таълимнинг кейинги босқичларида чуқур тушуниб олишлари талаб қилинади. Вальтер Скоттнинг жаҳон адабиёти тарақиётида муайян даврни ташкил этган тарихий романларига баҳо берар экан, Бальзак шундай ёзган эди: «Вальтер Скотт романни тарих фалсафаси даражасига кўтарди, у романга ўтмиш руҳини олиб кирди, романда драмма, диалоглар,

портрет, пейзаж, тасвирини бирлаштириди, унга эпоснинг элементлари бўлган хақиқий нарсаларни киритди, ҳамда поэзияни энг оддий сўзларга хос бўлган самимият билан мустаҳкамлади».<sup>1</sup>

Ўзбек адабиётининг Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор сингари сўз санъаткорлари ижодига назар ташласак, улардан ҳар бири ўз асарининг жанр имкониятларидан фойдаланиб яхлит ва уюшган сюжет ва композиция усулдаридан салмоқли ва кенг миқиёсли эпик тафаккур тарзини яратишида ва уни ҳаётий ҳодисалар билан бетакрор бадиий образлар тимсолида тасвирлашга эришганликларининг гувоҳи бўламиз. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб ўзбек адабиётида эпик жанрларнинг мураккаблашиш ҳолати юз берди. Ҳикоя, қисса, роман жанрларида яратилган асарларининг сюжет ва композициясидан мифлар, афсона ҳамда ривоятларга хос кичик сюжет қатламлари ҳам ўрин олади. Бундай асарларга хос бўлган мураккаб образли композициянинг тузилишидаги серқатламлик эпик тафаккурнинг кўламдор, сермаъно, оҳанг касб этишига сабаб бўлган. Хусусан, О.Ёқубовнинг «Кўхна дунё» романини ўрганиш жараёнида ана шундай жиҳатларга ўқувчилар эътиборини қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади<sup>2</sup>.

Агар асар воқеалари ривожига эътибор берилса, сюжет «ўқи» ҳам, конфликт ҳам мустабид султон Махмуд ғазнавий билан икки улуғ алломага, соҳта «Ҳакими даврон» Ибн Шаҳвонийга бориб тақалганлигининг гувоҳи бўламиз. Асрнинг Гоявий мазмуни серқатламлиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир қатлам мураккаб сюжет тармоқларининг бири билан боғланниб, муҳим маънони қамраб олган. Роман воқеаларининг бир учи жаҳолат гирдобидаги ғазнавийлар ҳаётига бориб тақалса, иккинчи учи юз бераётган адолатсизликлар моҳиятини англашга, сабабларини идрок этишга интилган улуғ алломаларга уланади, бошқа бир учи эса зулм ва истибодод исканжасидаги ҳаётда инсоний қадр-қиммати топталган инсонлар тақдирига, инсоний фожеаларга боғланади. Мифологик қатлам эса қаламга олинган

<sup>1</sup> Бальзак Оноре. Асарлар. 1-том. М., 1960, 34-бет.

ҳаётий ҳодисалар замиридаги фалсафани бўрттиришга, асарнинг фалсафий руҳини таъминлашга хизмат қилган.

Роман сюжетининг энг катта тармоғини икки улуғ алломанинг ҳаёти, кечинмалари, ўй-ҳаёллари ташкил этади, бир қанча сюжет линияларига бўлиниб кетади (Беруний ва Ибн Синонинг ёшлиқ чоғлари, интим ҳаёти, айрим асарларининг ёзилиш тарихига оид воқеалар ва бошқалар). Бироқ, буларнинг барчаси ягона Ғояни ёритишга йўналтирилганлиги туфайли яхлит эпик тафаккурни вужудга келтирган.

Яна шуниси муҳимки, Одил Ёкубов диққат марказига кўпроқ Маҳмуд ғазнавий ва соҳта Ибн Синони чиқариб, уларнинг кирдикорлари, кабиҳликларини очишга қаратилган воқеаларни ёритади. Бу воқеалар аввало подшолар, уламоларни фош этишга қаратилган, пировард натижада ҳар иккала салбий тип Ибн Сино, Беруний сингари улуғ даҳоларнинг матонатини, адолат ва ҳақиқат учун курашини кўрсатишга сафарбар этилган.

Роман воқеалари Маликул-шароб майхонасига кириб келган улуғ ҳаким Ибн Синонинг сирли ташрифи билан бошланади. Иккинчи бобда султон Маҳмуд ғазнавийнинг бедаво дард азобидаги ҳолати, воҳимали хаёллар гирдобидаги руҳияти ёрқин акс эттирилган. У саройга барча алломаларни тўплаб дардига шифо бўлгувчи «неъмати илоҳий»ни топиб беришни талаб этади. Беруний шоир Унсурий каби оддий чўпчакни ҳақиқат деб эълон қилишдан бош тортади. Ўз подишосига яхшилик қилиш ниятида унга мўъжиза нихол инъом этиб, бошидан жудо бўлган тўти ҳақидаги ривоят ибратли чўпчак эканини рўй-рост айтади. Дарғазаб бўлган султон барча алломаларни саройдан ҳайдайди, икки вазирга ё «неъмати илоҳий»ни, ёки ҳаким Ибн Синони топиб саройга келтиришни буюради. Акс ҳолда ҳар иккисининг боши олинишини таъкидлайди. ҳақ сўзни сўзлаган Беруний зиндонбанд этилади. Ёзувчи ривоятда қўлланган детални асар воқеалари ичига моҳирлик билан олиб ўтади. «Неъмати илоҳий»га муносабат орқали асардаги персонажларнинг инсоний қиёфалари очиб берилган. «Неъмати илоҳий» рамзий ифода тарзида ҳақиқат ва адолатга бўлган муносабатни

ёрқин акс эттириб, асар Ғоясига ёндош ҳолда ҳаракат қиласи. Ўзича воқеалар ривожидаги иккинчи «тугун»ни ҳосил қиласи. Воқеаларнинг асосий «тугун»и сирли ҳакими давроннинг пайдо бўлиши билан юзага келади. ҳаёти хавф остида қолган икки вазир Ибн Синони излаш ва топиш режаларини тузадилар. Маликул-шароб майхонасида пайдо бўлгаи Ибн Сино ўғирланади.

Улуғ Ҳакимга жуда ўхшаб кетадиган Абу Шилқим ибн Шахвоний ўзини Ибн Сино деб авомни тунаб юриб, бехисоб бойлик орттирган, эндиликда Маҳмуд ғазнавийнинг қўл остида суюкли хотини ва қизи қолиб кетган Амир Алитетин саройида хизмат қиласи. Султон ғазнавийнинг Ибн Синони излаётганлигини эшлитиб, эски одати хуруж қилиб, Ибн Шахвоний Газнага отланади. Бир чеккаси, омади келиб султоннинг ишончини қозонишни, шунда амир Алитетиннинг хотини ва қизини қутқазиб, биргаликда қочишни мақсад қилиб қўяди. Мақсади амалга ошса, амирдан энг юксак марҳаматлар тилашни дилига тугади. Аммо, қутилмагандан номаълум кимсалар уни ҳибсга олишди.

Қоронғу ертўлада шуларни хаёлдан кечирган Абу Шилқимнинг ҳолати қуидагича тасвиранади: «Хўп, у ёғи-ку, шундай бўлди, энди бу ёғи не бўлади? Тақдири не кечади? О қариб қуолмаган нодон! Бир оёғинг гўрда турганида ҳазрат Ибн Сино бўлишни орзу қилган миясиз эшак!»

Сиртдан қараганда, Абу Шилқим тавбасига таянган кимсага ухшаб афсус чекади, аммо икки вазирнинг муддаоларини билгач, яна алдамчилик йўлига юради. Сохта Ибн Сино катта иззат-икром билан саройга келтирилади. Аммо саройда ҳақиқий Ибн Синони кўрган, билган одамлар бор. Султоннинг синглиси Хатлибегим икки вазирнинг тадбирларидан хабар топгач, Берунийдан ҳақиқий, Ибн Синони саройга чақиришни сўрайди. Воқеалар шиддат билан ривожлана бошлайди. Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, асар воқеаларининг шиддати ошган сайин асар қаҳрамонларидан ҳар бирининг инсоний қиёфаси ва маслаги моҳияти ҳам шунчалик ёрқин намоён бўла бошлайди. Роман воқеаларининг ритмик зарби ҳам кучаяди,

таъсири ҳам ошади. Сокин оҳанглар билан мунгли, фарёдли туйғулар йўғилган оҳанглар алмашиниб боради, вужудимиз инсоний дардга тўлиб-тошган мусиқа таъсирида гоҳи қалқиса, гоҳида жунбушга қолади, гоҳо бу туйғулар оқимини англаш, ҳис этиш қийинлашади. Шундай вазиятларга авторнинг содда, равон нутқи воситасида аниқлик, ёрқинлик киритилади, тасвир конкретлаштирилади. Шу тариқа мураккаб ҳолатлар ва манзараларнинг бадиий тасвири билан талқин, талқин билан тадқиқу таҳлил уйғунлашиб боради.

Романда икки буюк алломанинг ўй-ҳаёллари, кечинмаларининг нозик, таъсирчан, айни пайтда, чуқур мазмунни ифодалашга қаратилган бадиий тасвири етакчи ўринни эгаллайди.

Романдаги Садафбиби, Сабҳу, Бобо Хурмо каби персонажлар эсаadolatsizlikning, zolimlikning қурбони бўладилар. Абу Фариб билан Абул Ҳасанак эса сарой аъёнлари ва подшо билан ҳамфир бўлиб яшаганликлари, ўз манфаатлари йўлида тубанликдан, алдамчиликдан тоймаганликлари туфайли чексиз иззат-икромга сазовор бўладилар.

«Ҳакими даврон» Ибн Шаҳвоний-чи? қандай қилиб у енгилмас кучга айланди?

Ибн Шаҳвоний уни ўраб турган муҳит ва одамлар билан ҳаммаслак бўлиб иш юритгани учун енгилмас кучга айланди, илму идрок соҳиблари устидан Ғалаба қозонди. Аммо, унинг Ғалабаси мұқаррар ва мустаҳкам Ғалаба эмаслигини сезиб турамиз. Ибн Шаҳвоний султон Ғазнавий ишончини қозонишга муваффақ бўлган бўлса-да, ҳамиша фош бўлишидан кўркиб кун кўради, кўнглининг аллақаерида адолат ва ҳақиқат қарор топиши мумкинлигини ҳис этиб турди, таҳлика ичиди яшайди. Шундай бўлса-да, сабаби бедаво дард ва ўлим шарпасидан ҳадик, телбанамо султонни йўлдан оздириш мумкинлигига ишонади. Шундай мудҳиш ишни амалга оширади. Инсоний бурч юзасидан саройга келган Ибн Сино ҳазратлари сохта ҳаким деб топилиб, қувғин этилади, Ибн Шаҳвоний эса чин ҳакими даврон сифатида тан олинади. Юз берган ҳодисадан қаттиқ изтироб чеккан Беруний

қаҳр ва Ғазабдан тўлғониб фарёд қиласди: «Ё тавба! Бу гўзал олам, бу мусаффо осмон, бу ёруғ юлдузлар, қўйингки, бу мукаммал оламни бунёд этган худованди карим нечун ўз бандасини бундайин номукаммал қилиб яратди? Агар бу фоний дунё, Абу Али, сен айтгандай буюк зарурат ва етук ақл-идрок асосига қурилган бўлса, нечун бу улуғ қонуният бани башар ҳаётига келганда ўз кучини йўқотди?.. Нечун унга бошқа ҳеч бир тирик зотга ато қилмаган ўткир тафаккур ва етук ақл-заковат инъом этиб, бу ақл-заковатни тубанлик, разолат ва қабоҳат йўлида ишлатмоқни раво қўради».

Берунийнинг андуҳли сўзларига жавобан Ибн Сино кўҳна бир ривоятни сўзлаб, комил-ишонч билан шундай дейди: «...тубан эҳтирослар қанчалик зўр бўлмасин, бани одам, яъники, ақл-идрок барибир енгусидир!» Устоз Ибн Синонинг бу сўзлари асарнинг фалсафий руҳини гўёки умумлаштирган ҳолда уни пафос даражасига кўтаришга хизмат қилган. Икки улуғ алломанинг видолашув онлари тасвири эса романнинг барча қатламларини бир тўпламга келтириб, яхлит ва салмоқдор умумлашмани юзага чиқарган: «Беруний биринчи бўлиб Абу Алини қучиб бағрига босди.

- Алвидо, азизим. Дийдор кўришмоқ насиб этмаса рози бўл, жигарим!  
Кимки сени хор қилган бўлса, ўзи хор бўлсин!»

Дарҳақиқат, ҳаётини, имкониятларини илму идрок равнақига бағишилаган буюк алломаларни қадрсизлантириб, хор этган кимсаларнинг ўзлари хор бўлишларини дил-дилимиздан истаймиз, шундай бўлишига ишонамиз. Абу Убайд ал-Жузжоний хотиралари ҳам буни тўла тасдиқлаб туриби. Демак, ҳақиқат, адолатнинг қарор топиши муқаррар. ҳақиқат ва адолат эса илму идрокда. Шу боис, илму идрок тантанаси ҳам муқаррар! «Кўҳна дунё» романини ўрганиш давомида ўқувчилар ана шу ҳақиқат мазмунини англаб етадилар.

Маълумки, умумтаълим мактабларининг 8-9-синфларида асар мазмунини ўқиб ўрганиш ва қаҳрамонлар тимсолини тавсифлашга алоҳида эътибор қаратилади. Академик лицей талабаларига эса эстетик таҳлил тамойилларини ўргатиш адабий таҳлил дарсларини ташкил этиш орқали

омалга оширилади. Бу борада адабиёт ўқитувчилари қуидаги методик талаблар ва тавсияларга амал қилишлари лозим:

1. Бадиий асарни ифодали, ижодий ёки шархлаб ўқиш усулларидан фойдаланиб, ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ўз таассуротларига таяниб таҳлил қилишга йўллаш мумкин.
2. Ўқувчини бадиий асарларни адабий-танқидий нуқтаи назардан баҳолашга ўргатишда қамровли таҳлил, қиёсий таҳлил, муаммоли таҳлил каби усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофик.
3. Тадқиқот усулларига таяниб адабий асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали ўқувчилар эстетик таҳлил тамойилларини ўзлаштиришга еришадилар, уларда адабиётшуносга хос малака куртаклари шаклланади.
4. Матн асосидаги таҳлил воситасида эса ўқувчилар ижодкор услугбининг ўзига хос қирраларини аниқлашга, бадиий асар тилини ўрганиш асносида ёзувчи маҳоратига эстетик баҳо бериш имкониятига эга бўладилар. Натижада, уларда хилма-хил асарларни мустақил ўқиб ўрганиш ва бадиият талаблари асосида баҳолаш малакаси таркиб топади.

Ўқувчиларни қамровли таҳлилга йўллашнинг педагогик – методик талаблари қуидагилардан иборат:

- узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида адабий турлар ва жанрлар; услуг ва маҳорат, бадиий асар тили, эсетик таҳлил тамойиллари, бадиий ижодда анъана ва новаторлик каби масалаларга оид назарий билимларни ўқувчиларнинг ёшига, билим даражасига, эстетик диди ва дунёқарашига мос ҳолда муентазам сингдирилиб боришга эришиш;

- қамровли таҳлил усулидан муайян бадиий асарни чуқур ва кенг миқёсли ўрганишда фойдаланиш мумкин. Айни пайтда, ижоди ўрганилаётган сўз устасининг ижодий лабораториясига ўқувчиларни «олиб кириб» услуби ва маҳорати ҳақида мукаммал хulosса чиқариш мақсадида кенг қамровли таҳлил усулидан фойдаланиш кўзланган натижага олиб келади. Ўқитувчи ҳар бир дарс соатининг ички қурилишини пухта ўйлаб ташкил этиши айни чоғда, аввалги дарс билан кейинги соатларни яхлит муаммо теварагига

мазмун ва мақсадига кўра узвий боғлай олиши зарур. Агар Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодини ўрганишга б соат белгиланган бўлса, ҳар бир соатнинг режасини кейингисига ҳар жиҳатдан занжир ҳалқалари каби боғлаб, ижодкор қиёфасини белгиловчи хусусиятларни дарсдан дарсга қадар тизимли ҳолда очиб беришга ҳизмат қилувчи усувлардан фойдаланиш керак. Қамровли таҳлил усули бу борада самарали натижаларга имкон яратади.

Қиёсий таҳлил усулидан ҳам ўқитувчи унумли фойдаланиши мумкин. Бу усулдан санъаткор яратган хилма-хил асарларни ўзаро қиёслаб ўрганиб, ижодининг ўсиш-ўзгариш босқичларини белгилашда, алоҳида асарларига қиёсий жиҳатдан баҳо беришда, ёзувчи ёки шоирлар услубларини ўзаро қиёслаб ўрганишда мақбул усул ҳисобланади. Бу усульнинг талаблари куйидагича:

1. Қиёслаб ўрганиш мўлжалланган асарларни ўқувчилар мукаммал ўқиб чиққан бўлишлари шарт. ўқувчиларнинг китобхонлик даражалари ҳар қандай таҳлил дарсининг самарасини белгиловчи бош омил ҳисобланади.
2. Қиёслаб ўрганиш кўзда тутилган асарлар ҳақидаги ҳар бир ўқувчининг мустақил фикрини ҳилма ҳил ижодий ишлар ташкил этиш орқали текшириб кўриш, сўнгра қиёсий таҳлил соатларини ташкил этишга эътибор бериш лозим.
3. Ўқувчининг қиёслаб таҳлил этишга мўлжалланган асарлар-дан муҳим ва мақбул эпизодларни, диалоглар, тасвирларни аниқ мақсад асосида тўғри ҳамда ўринли танлай олиши ниҳоятда муҳим.
4. Қиёслаб таҳлил қилишга танланган асар мавзуси, муаммо-лари, қаҳрамонлари, жанр имкониятлари жиҳатидан муайян ўхшашлик аломатларига эга бўлиши кераклиги ўқитувчининг диққат марказида туриши керак. Шундагина у тарихий мавзуда, роман жанри имкониятлари асосида яратилган тарихий шахслар: Улуғбек ва Бобур тимсолида О.Ёқубов билан П.Қодиров қандай эпик тафаккур тарзини бадиий акс эттирганликларини ўқувчиларга тушинтира олади. Натижада улар «Улуғбек хазинаси» романи

билимларни (адабий тур ва жанрлар, услуг ва маҳорат, бадиий таҳлил томойиллари ҳақидаги) чуқурлашувига эришадилар. Бадиий тўқима образлар билан аниқ тарихий шахслар тимсолини яратишда ҳар бир ижодкор ўзига хос услуги ва маҳоратини намоён қилғанлигига амин бўладилар.

Адабий таҳлил дарсларини ўқувчиларнинг маъruzалари, реферат ишлари, адабий тақризлари асосида ташкил этиши ҳам қизиқарли, ҳам мароқли кечади, чунки ўқувчилар ўқитувчи тавсия этган мавзу доирасида мустақил ижодий иш олиб борадилар. ўқувчиларнинг изланишларини эса ўқитувчи ташкил этади ва бошқаради.

Адабий таҳлил дарсларида тадқиқот методидан фойдаланишининг муайян талаблари мавжуд:

1. Ўқувчига мустақил ўрганиш кўзда тутилган мавзу, мавзуга оид илмий, адабий – танқидий мақолалар, адабиётлар аниқ тавсия этилиши лозим.

2. Ўқувчининг мустақил изланишларини режалаштиришда ўқитувчи бевосита ёрдам бериши керак.

3. Ижодкор фаолиятини ўрганишдаги муҳим нуқталарни ўқувчи тўғри белгилаб олганлигини ўқитувчи назорат қилиши зарур.

4. Тадқиқоти давомида ўқувчи ижодкор яратган асарнинг мавзусига, жанрига, унда ёритилган ижтимоий-маънавий муаммоларнинг салмоғи ва аҳамиятига муаллиф нуқтаи назарига алоҳида эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланиши шарт.

5. Ёзувчи маҳоратига бадиийлик, ҳаққонийлик талаблари асосида баҳо бериш – эстетик таҳлилнинг етакчи томойиллари эканлигини уқдириш.

6. Ўқувчи адабий асарларни мустақил ўрганиш орқали ҳар бир муаллифнинг миллий адабиёт равнақига қўшган ҳиссасини тасаввур эта олишига, адабий маҳсулотнинг эстетик қимматини ёрита олишига эришиш.

Адабий матнга таяниб таҳлил дарсини ташкил этишдан кўзланадиган мақсад ўқувчини амалий фаолиятга йўллаш; хилма-хил жанрдаги асарлар

матнiga таяниб, бадиий хусусиятларини ўрганиш; бадиий асарнинг барча қисмлари билан сюжет – композиция унсурларини алоҳида ҳамда узвийлиқда муайян бадиий вазифани бажаришини ўқувчига чуқур тушунтириш; адабий асар тили сўз санъаткорига хос бадиий маҳорат кўзгуси эканлигини асослашдан иборат. Хусусан, шеър тузилиши, вазни, қофия тарзи, оҳангги, тасвирий воситалар, қаҳрамон қиёфаси, кечинма ё ҳолат замиридаги мъянолар табиат тасвирига жо этилган кечинмалар мазмун моҳияти адабий матн асосида таҳлил қилинади.

Адабий матнга таяниб таҳлил юритишда қуйидаги тавсияларга амал қилиш фойдали:

1. Бадиий нутқнинг сочма, тизма кўринишда бўлиши, уларнинг фарқлари; шеърий нутқнинг оҳангли, вазни ва бандли нутқ эканлигини ўқувчиларга тушунтириб бериш. Насрий ёки драмматик асарлар ҳам ўзига хос нутқ қурилишига эга эканлигини бадиий тил хусусиятларининг таҳлили орқали ёритишга эришиш.

2. Таҳлил давомида ёзувчи услуби ва маҳоратини намоён этувчи тасвирий манзаралар, руҳий ҳолатлар, диалоглар ёки эпизодлардан, буюмлар тасвирига хос ёрқин мисоллардан ўринли фойдаланиш. Адабий асар матн тўлалигича муайян ижодкор кашф этган Фоявий – бадиий концепцияни ёритишга хизмат қилишини асослаш.

3. Адабий матн китобхонга санъаткорнинг ижодий тафаккур тарзи, дунёқараши, шахсий сифатларига оид муайян хулосалар чиқариш имконини беришини далиллар орқали ёритишга эришиш.

Демак, адабий таҳлил дарсларини ташкил этишда хилма-хил метод ва усуллардан фойдаланиш мумкин. Дарснинг самарадорлик даражасини эса ўқитувчининг билими, ижодкорлик қабилияти, дарсни илмий – методик жиҳатдан тўғри ташкил этишдаги маҳорати белгилайди. Адабий таҳлил воситасида ўқувчининг бадиият оламига меҳрини, бадиий ижод намуналаридан ҳайратланиш ҳиссини уйғота олган ўқитувчи фаолияти самарали якунланади.

## ҚАҲРАМОНГА ТАВСИФ БЕРИШ ЙЎЛЛАРИ

Ҳар қандай адабий асар таҳлили ундаги қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш орқали амалга оширилади. Эпик адабий турга мансуб ҳикоя, қисса, роман, эпопея сингари жанрларда яратилган асрларнинг сюжет, композиция унсурлари марказий қаҳрамонлар образини ёритишга йўналтирилган ҳолда шаклан яхлит ва узвий бирликни ташкил этган бўлади. Бош қаҳрамонлар тимсоллари орқали китобхон ёзувчининг ҳаётий муаммоларга, инсон шахсига, зиддиятли ҳодисаларга муносабатини англаб боради. Асарнинг барча шаклий унсурлари билан унинг мазмунини ёритишга хизмат қилувчи воситалар эпик тафаккур миқиёсини юзага келтиради. Воқеадан воқеага қадар хилма хил инсоний кечинмалар, руҳий ҳолатлар, характерлар кўз

ўнгимизда ўз нүктаи назарини, имон – эътиқоди ва маслагини намоён этади. Улардан ҳар бири ўзига хос қиёфаси, ҳис – туйГулари, фикрлари, ўй-ҳаёллари билан фарқ қиласи. Бири иккинчисига ўхшамайдиган мураккаб инсон оламининг ҳали англашмаган жиҳатларига диққатимизни тортади. Адабий таълим жараёнида, хусусан, эпик асрларни ўрганишда ҳам ўқувчи эътибори яна инсон муаммосига қаратилади. Инсон ва уни қуршаб турган оламдаги чигал муносабатлар, ҳаётин зиддиятларни ўқувчи кузатиб, бу ҳодисаларнинг жонли гувоҳига айланади, ҳар бир масалага ўз муносабатини билдириш имконига эга бўлади. Бошқа адабий тур ва жанрларда яратилган асарлардан фарқли эпик адабий тур жанрларида яратилган асарлар қаҳрамон образи устида амалий иш олиб бориш учун ўқувчига катта имконият беради. Айниқса, катта миқиёсдаги эпик асарларини таҳлил қилиш, ундаги қаҳрамонлар тимсолини ўрганиш масаласини оз фурсатда ҳал этиб бўлмайди.

Эпик асардаги қаҳрамон образи устида иш олиб борилганда ўқитувчи икки муҳим жиҳатга эътибор бериши зарур:

1. Асардаги қаҳрамонлар образи инсон тимсолини намоён этади.
2. Асар қаҳрамони ёзувчининг ижодий фантазияси, санъаткорлиги натижасида яратилган бадиий образdir.

Демак, ўқувчи онгода ана шу икки тасаввур ва тушунчани образлар таҳлили давомида уйГунлаштиришга эришиш лозим. Шундагина ўқувчи бадиий асарларни ўқиб ўрганиш маънавий эҳтиёжга айланиши кераклигини англаш етади. Бадиий умумлашмалар, асадан олган таассуротлари, ҳукм – хулосаси қандай ҳаётин асосга эга эканлигини уни ҳаяжонга соглан асарлар марказидаги ҳаётин қаҳрамонлар мисолида тушуниб олади. Нима учун эзгулик билан ёвузлик, яхшилик билан ёмонлик ўртасада ҳамиша кураш кечади? Нима учун Инсон муаммоси ҳамиша адабиёт ва санъатнинг бош масаласи бўлиб келган? «Адабиёт инсоншуносликдир», - дейилишининг бойиси нимада? - каби саволларга ўқувчилар улар марказидаги образларни ўрганиш орқали жавоб қайтаришлари мумкин. Айни пайтда, образлар устида амалий иш олиб бориш давомида ўқувчининг ҳар бир образга нисбатан

муносабати, унинг хатти - ҳаракатини баҳоловчи маънавий меъёрлари, шахсий хукм – хуносаси юзага келади. У ўзининг мустақил қарашларини далиллар асосида баён этишга ўрганади. Мураккаб ҳаётий зиддиятларни енгиш, муаммоларни ҳал этиш малакасини ҳам эгаллаб боради... Образлар устида олиб бориладиган амалий иш ўқувчининг ҳодисаларни диққат билан кузатиши, таҳлил этиши, ўз баҳосини бера олиши, холис муносабатининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бадиий асарларни ҳаққонийлик, ҳаётийлик ва бадиийлик талаблари асосида мустақил баҳолай оладиган ўқувчида зарур ҳаётий ва амалий кўникма ва малакалар ҳам шаклланган бўлади.

Бадиий асар устида ишлаш бир қанча ўзаро боғланган, айни пайтда мустақил босқичларни ўз ичига олади.

Булар:

1. Кириш машғулоти.
2. Асарни ўқиб ўрганиш.
3. Ўқитувчининг кириш сўзи.
4. Тарихий даврга шарҳ бериш.
5. Тушунилиши қийин сўзларни изоҳлаш.
6. Якунловчи машғулот.

Кириш машғулоти, асарни ўқиб ўрганишни ташкил этади. Олдин, ўқитувчи ундан ёзувчи қиёфасини ўқувчилар кўз ўнгida яққол гавдалантиришда, ҳаёти ва ижодининг муҳим томонлари, услубининг ўзига хос қирралари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишда фойдаланади.

Кириш машғулоти ёзувчилар (шоир) ижодини ўрганишга қаратилган дарслар учун замин ҳозирлайди. Ўқувчини ўрганиш кўзда тутилган асарни бадиий идрок этишга тайёрлайди, ижодкор фаолиятига ва асарларни ўрганишга қизиқиш уйғотади.

Кириш машғулотига ажратиладиган вақт синфлар ва ўқувчи-ларнинг ёш хусусиятлари, малакалари, мавзунинг мақсад вазифалари кўламига кўра

V-VII синфларда 5-15 минут; VIII-IX синфларда 15-30 минут; узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида 45 минут бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан кириш машғулотлари қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Асарнинг яратилиши ёки унда акс этган тарихий даврни тушунишга ёрдам берадиган кириш машғулотлари.
2. Адабий асар ёки унинг мавзуи ҳақида ўқувчиларда таассурот ҳосил қилишга мўлжалланган кириш машғулоти.
3. Ўқувчиларнинг шаҳсий таассуротлари ёки амалий кузатишлари асосида ўтказиладиган кириш машғулотлари.
4. Таржимаи ҳолга доир кириш машғулотлари.

Кириш машғулотининг қисмлари қўйидагилардан иборат:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи.
2. Ўқувчиларни сухбатга тайёрлаш.
3. Асарни бадиий идрок этишга бағишиланган кириш машғулоти.
4. Тарихий шароит ҳақида маълумот бериш.
5. Асарни юзага келиши ҳақида маълумот бериш.
6. Ёзувчи таржимаий ҳоли ҳақида маълумот бериш.
7. Тушунилиши қийин сўз ва ибораларни изоҳлаш.
8. Расмлардан, адабий албомлар, ҳужжатли ёки видео фильмлардан фойдаланиш.
9. Тарихий-адабий музейларга бориши, ёзувчининг ижодий лабораториясиага саёҳат уюштириш.

Ўтилган мавзуни эслатиш – бадиий асар устида ишлашдаги муҳим омил ҳисобланади. Ўқитувчи ўтилган мавзунинг муҳим қирраларини ўқувчига эслатиши натижасида асарни ўрганишдан олдин маълум тайёргарлик қўникмаси ҳосил қиласди. Ижодкор услубининг етакчи хусусиятлари, у яратган образлар тўғрисида, қаламга олган масалалар ва уларга муносабатини эслатиб, сўнгра янги асарни ўрганишга киришилса,

ўқувчи кейинги жараёнда аввалги билим ва малакаларга таяниб иш олиб боради.

Масалан, умумтаълим мактабларининг 9-синфида Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асари, Паҳлавон Маҳмуд, Сайфи Сарой ижоди ўрганилган. «Суҳайл ва Гулдурсун» достонидаги ҳаёт ҳақиқатининг афсонавий тасвири, севги ва садоқатнинг, мардликнинг улуғланиши, қирғин келтирувчи урушларнинг қораланиши, «Муҳаббатнома»да ҳам ана шундай эзгу тушунчалар бадиий талқин этилганлиги эслатилса, ўқувчи тасаввури кенгаяди. Шундан сўнг академик лицейларнинг биринчи босқичида ўрганиш режалаштирилган, ижодига хос хусусиятлари ёритилса, ўқувчи ўзбек адабиётидаги анъана ва новаторлик тушунчаларини ҳам англаб олади.

Асарни ўқиш – уни ўрганишдаги асосий босқич ҳисобланади. Асарни қисмларга бўлиб ўқиш, парча ё боблар асосида режа тузиб, ўқиб ўрганиш умумтаълим мактабларининг 5-7-синфларида қўлланилган усуздир.

Асарни у хоҳ лирик, хоҳ насрый ё драматик бўлсин, ифодали ўқишига ўргатиш 8-9-синфлар адабий таълим мининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ифодали ўқиши вазн, жанр, шакл, мазмун билан, ижодкор қўллаган тасвирий воситалар, урғу, оҳанг, асарнинг ички мусиқийлиги, лирик ё эпик тафаккур тарзи билан боғланади. Бундай назарий тушунчалар ўқувчига академик лицейлар таълимида берилади.

Ижодий ўқиш маълум қаҳрамонга хос нутқнинг мазмунини ўқувчи ўз нутқида жонли ҳамда таъсирчан сўзлаб беришидир.

Адабий асарни шарҳли ўқиш – унинг мазмунини ўқувчиларга тушунтириш, изоҳлаш ва талқин этишдан иборат. Асар таҳлилига киришишдан олдин унинг яратилган даври, адабий жараёнда тутган ўрни ҳақида ўқитувчи шарҳ беради. Айрим мисра, ибора, байтлардаги сўзларга, асар қаҳрамонлари, воқеалар ривожига эса таҳлилда шарҳ берилади.

Драматик асарлар таҳлилида ўқитувчи шахсларнинг ҳаракати, ҳолати, шароитга шарҳ бериб тушунтиради.

Аруз вазнидаги Ғазалларни ифодали ўқишига ўргатишда хор бўлиб ўқишидан ҳам фойдаланилади. Бу усул ўқувчининг рукнлар миқдорини, оҳангни англаб олишига ёрдам беради.

Хилъатин то айламиш жонон,  
кизил, соруғ, ёшил,  
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён,  
кизил, соруғ, ёшил,

Шархи: қизил, сарик, яшил ранглар уйғунлашган тўнли инсонга назарим тушгач, оҳим шуълалари ҳам шу рангларга бўялди, яъни олам ранг баранглик касб этди. Шоир лирик қаҳрамон либосида ҳақиқат манзараларини кўргандай ҳайратга тушмоқда (хор бўлиб ўқитилиб, мазмуни тўла шарҳланади).

### **Матн устида иш олиб бориш**

Асарни ўқиб, мазмуни ўзлаштирилгач, матн таҳлилига ўтилади. ҳар бир сўз ўқувчига тушунарли бўлиши керак.

Юқоридаги Ғазал матни устида ишлаш соатида матндан тушунилиши қийин сўз ва ибораларга изоҳ берилади, луғат устида иш олиб борилади. Бадиий тил ва бадиий тасвир воситаларига ўқувчи диққати қаратилади:

Самуми оҳдин, ишқ сахросин,  
Эсад ул даий аро ҳар ён қизил, соруғ, ёшил:

Ишқ сахросини оҳим шамоллари (ўхшатиш, жонлантириш, муболаға) билан ранг баранг гулшанг айлантиридим. Энди бу даштда ҳам қизил, сарик, яшил шамоллар эсиши аниқ.

Яъни, муболағали чизилган манзара шоирнинг ҳақиқатга интилиш ҳолатини, ҳақни излаш йўлида чеккан заҳматларини ишқ сахросида саргардон кезган шамолларга, истироб қуюнларига айланган самум (гармсел)га қиёслаб тасвирлайди. ғазал матnidаги тобдан – бадиий детал

вазифасини ўтаб, шиша, ойна деган маънони билдиради. Тобдан – иссиқ ўлкаларда эшик теппасидаги туйнукка қўйилган рангли ойна бўлиб, у иссиқни тўсишга (қайтаришга) хизмат қилган. Деталлардан Навоий олам рангларини қалбга туйиб, вужудидан уйГун нур таратаётган комил инсон тимсолини жонлантиришда фойдаланган. «Олтин жом», «лаългун май» каби рамзлар, «сабза» сўзнинг маъноси ҳам шарҳлаб тушунтирилиши керак.

Май – ошиқ камолат босқичини забт этгунга қадар кечирган синовлар тимсоли. Олтин жом – синовлар даражаси, улканлик тимсоли. «Сабза» - ҳар бир инсон умрининг навқиронлик палласи, ёшлиқ даврига қиёс. Инсон ёшлиқ чоғида комиллик сифатларини эгаллаб, ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини сипқормоғи лозим, зеро қизил, сарик, яшил ранглар бирикувига бундан яхши имкон йўқдур.

Шу тариқа лирик қаҳрамон тимсоли, Ғазал бадиияти ўрганилади. Насрий асарларда муаллиф нутқи билан қаҳрамонлар нутқи, диалоглар, пейзаж, жой тасвири, портрет тасвири, зиддиятлар тасвирига ўқувчи эътибори қаратилади.

А.Қаҳҳорнинг «Бемор», «Даҳшат» каби ҳикояларидан манзара тасвири, рухият тасвири; «Юлдузли тунлар»дан пейзаж, диалогларга мисоллар келтириш;

«Ўтган қунлар» дан портрет тасвири ўқиб берилиши мумкин.

Адабиёт дарсларида маълум тарихий даврга шарҳ берилади, сўнгра шу давр адабиёти, ижодкорлари ўрганилади.

Масалан, 60 – йиллар ўзбек адабиёти ҳақида шарҳ (обзор) мавзуси ўрганилганда, шу даврнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаёти ҳақида ўқувчига тушунча берилади. Сўнгра, 60-йиллардаги ижтимоий – адабий муҳит, унинг ижодкорларга таъсири, шоирларнинг ижтимоий ҳаётни поэтик талқин этиш тамойиллари, янгиликлари ёритилади. Шайҳзода, Миртемир, А.Мухтор, Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов каби шоирлар ижодида илгариги 10 йилликлар ўзбек шеъриятига хос декларативликка қарши пайдо бўлган майин лиризм, ҳаётбахш романтизм, ҳаётийлик мисоллар билан

ёритилади. «Тарсаки» (Миртемир), «У.Юсупов вафотига» (Шайхзода), «Баъзан» (С.Зуннунова), «Ойдин кеча» (Э.Воҳидов), «Куз» (А.Орипов) сингари шеърларга хос самимият, гуманистик лиризм, ҳаётга жиддий муносабат, танқидий қараш – янги, замонавий шеъриятнинг шаклланиши учун асос бўлганлиги ёритилади. Шундан кейин шу давр ҳосиласи бўлган ижодкорлар ва улар яратган асарлар ўрганилади.

Агар «XV аср биринчи ярми ўзбек адабиётига обзор» мавзуси белгиланган бўлса, ўқитувчи бу давр адабиёти тарихий шароит, адабий муҳит билан боғлиқ тарзда ривожлангани, адабиёт тарақиётига ўзбек халқ оғзаки ижоди таъсирининг сезиларли бўлгани ҳақида сўз юритилади. Атойи, Гадойи, Дурбек, Лутфий, Саккокий, Хофиз Хоразмий, Амирий, Яқиний каби шоирлар оғзаки адабиёт таъсирида ижод қилганлар. Мунозара жанри кенг ёйилган, халқ оғзаки ижодига хос сюжетлардан фойдаланиш, бадиий тасвир воситаларида, лирикада халқ мақолларидан фойдаланиш ҳолати ҳақида гапирилади. «Девону луғати турк»да 20 дан ортиқ бахсни ифодаловчи тўртлик мавжуд; «Қутадғу билиг»да савол-жавоб шаклидаги фикрлар мавжуд. Яқинийнинг «Ўқ ва ёй», Юсуф Амирийнинг «Чоғир ва банг» ва бошқаларда ҳаётдаги, инсон характеридаги яхши-ёмон жиҳатлар мажозий тарзда ёритилган.

XV аср биринчи ярмида туюқ жанри ривожланганлиги афсонавий мифологик образлар (пари, дев, Хизр каби) кенг тарқалганлиги таъкидланади. Юсуф, ой, қуёш, олов сингари анъанавий тимсоллар қўплаб учраши айтилади, мисоллар келтирилади. Бу кейинги соатларда ижоди ўрганиладиган шоирлар яратган асарларни чукур англаб, таҳлил юритишда хизмат қиласи.

Яқунловчи машғулотлар – маълум ижодкор ҳаёти ва ижодини тўла ўрганиб бўлингач ёки айрим йирик асарларни бир неча соатлар давомида ўрганиб бўлингандан сўнг ўтказилади. Бундай машғулот:

1. Ижодкор шахси, услуби, ижодий фаолияти ҳақида якуний мулоҳаза, хуносалар чиқариш мақсадида;

2. Ижодкорнинг ўз даври адабиёти равнақига қўшган ҳиссасини белгилаш, адабий жараён хусусиятларини тушуниб боришга;

3. Йирик шеърий, насрый ё драматик асарни ўрганиб, таҳлил қилиб, зарур илмий, адабий ва тарбиявий хуносаларга келиш мақсадида ташкил этилиб, ўрганилган мавзу марказидаги масалалар ечимиға хулоса ясашга хизмат қиласди;

Масалан, академик лицейларнинг иккинчи босқичида Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди, «Кеча ва кундуз» романи ўрганилгач, якуний машғулотни конференция дарс шаклида ташкил этиш мумкин. Якунловчи машғулотлар чорақ, ярим йил ва ўқув йили яқунида ҳам ўтказилади.

Адабий асар таҳлили методикаси адабиёт ўқитиши методикаси фанининг алоҳида ва муҳим бўлими ҳисобланади. Адабий таълимнинг сифати, самараси ва замон талабларига жавоб бера олиш даражаси кўп жиҳатдан адабий асарларни ўрганиш қандай ташкил этилганлиги билан белгиланади. Адабий таълимни илмий методик йўналишда олиб бориш, адабий асарларни умумтаълим тизимида эстетик тамойилларга таяниб ўрганишни ташкил этиш, самарали таълим методларини ишлаб чиқиши, ноанъянавий усул ва воситаларни яратиш адабий асар таҳлили методикасининг умумий назарий масалаларини ташкил этади.

### **Ўқувчилар билан бадиий асарни таҳлил қилиш йўллари**

Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришнинг асосида бадиий асарни ўрганиш ётади. Адабий таҳлил асарнинг эстетик хусусиятларини ўрганишdir. Таҳлил давомида ўқитувчи асарнинг бадииятига ўқувчи диққатини жалб этишини қўзда тутади.

Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантиришда ўқитувчининг адабиётшуносликка, адабиёт тарихи ва назариясига оид янги билимларни мунтазам ўзлаштириб бориши, яхлит ҳолдаги адабий-назарий билимлари даражаси ижодкорлик иқтидори муҳим аҳамиятга эга.

Дарс жараёнида асар таҳлилини тўғри ташкил этиш, аниқ мақсадли усулларни танлай олиш, дарсни илмий – методик асосда ташкил этиш, ўқувчиларни таҳлилга йўллаш, намунавий таҳлил дарсини ўтказиш, ўқувчиларни энг кўп даражада мустақил фикрлашга ундаш – адабий таҳлилдан кўзланадиган таълимий мақсадлар ҳисобланади. Адабий таҳлил орқали ўқувчиларнинг эстетик дидларини ўстириш; ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантиришга эришиш ва маънавий сифатларни камол топдириш эса бош муддаодир.

Адабий таҳлил ўқув ва филологик таҳлил турларига бўлинади.

Ўқув таҳлили ўқувчиларнинг ёши, психологик ҳолати, савияси, дунёқараши, билим даражасига боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Ўқув таҳлили мактаб адабий таълимининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда филологик таҳлил усулларига таянилади, аммо академик лицей ёки касб – хунар коллежлари адабий таълимида мавзуларни илмий йўсинда асослаш маълум меъёри сақлаган ҳолда амалга оширилади.

Ўқув таҳлилининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўқув дастурида белгиланган адабий асарлар матнининг ўқувчилар томонидан тўла ўқиб ўрганиш ва ўзлаштиришларига эришиш.
2. Асарнинг жанр талаблари ва услуб хусусиятларига оид муайян назарий билимларни ўқувчилар ўзлаштиришларига эришиш. Амалда бу билимларга таяниб адабий асарни мустақил ўқиб ўрганиш ва таҳлил қилишда қўллаш малакасини таркиб топтириш.
3. Бадиий асарни ҳар қандай ўқувчининг мустақил таҳлил қила олиши учун жарур амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш.
4. Асар бадииятини ўрганиш воситасида ўқувчиларнинг эстетик дидларини ўстириш, мустақил фикрлаш салоҳиятларини такомиллаштириш, оғзаки ва ёзма нутқини ривожлантиришга энг кўп даражада имкон берувчи самарали усуллардан фойдаланиш.
5. Асарга хос бадиий тафаккур тарзини ундаги қаҳрамонларга боғлаб ўрганиш орқали ўқувчилар маънавиятини тарбиялашга, комил инсонга хос

сифатларни камол топтиришга, ижодкорлик сифатларини юксалтиришга эришиш.

Демак, адабий таҳлил жараёнида нафақат адабий асарнинг бадиј ўзига хослик хусусиятлари ўрганилади, балки хилма - хил услугуб эгаларининг ўзига хос услуги, маҳоратини мустақил ўрганиш ва эстетик тамойилларга таяниб баҳолаш малакаси хосил қилинади, назарий билимлар ва амалий малакалар шакллантирилади, маънавият тарбияси амалга оширилади.

## **ВОҚЕАЛАР РИВОЖИДА САБАБ, ОҚИБАТ АЛОҚАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

Илмий методик адабиётларда «мустақил фикрлаш инсон олдида турган муаммони, мақсад ва вазифаларни белгиланган ҳолда ўз билими ва ҳаётий

тажрибаларига таяниб турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустакил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятидир», - деб таърифлаган<sup>1</sup>. Китоб устида ишлаш жараёнида ўқувчида айни шу хусусиятлар таркиб топтирилади. Китоб устидаги фаолият ўқувчининг мустакил фикр юритишидан ўқув топшириқларининг мантиқий ечимини топишига, асардаги сабаб-оқибатларини аниқлашга йўллайди. Психология (руҳшунослик) фанида белгиланишича у қуидаги босқичлардан ташкил топади:

- 1) ўқувчи олдига аниқ қўйилган ўқув мақсадини қўйиш;
- 2) ўқувчининг бу мақсад моҳиятини англаш;
- 3) мақсад ва топшириқни ҳал қилиш йўлларини ўқувчининг тасаввур этиши ва ўз тахминлари фарзандларини яратиб, уларнинг тўғрилигини аниқлашга киришиши;
- 4) қўйилган масала ечимини топиш ва асар воқеалари ривожини кузатиб, сабаб, ўрганиб оқибат алоқаларини ўз мантиқли, асосли хulosаларини юзага келтириши.

Ўқувчилар ўз тараққиётининг турли босқичларида турлича фикрлайдилар, турли нарсаларга қизиқадилар ва ўқув топшириқларини, адабий асарларни турлича ҳис қиласадилар. Шундан келиб чиқсан ҳолда улар билан китоб устида иш олиб бориш жараёнини ҳам турлича ташкил этилиш керак.

Ўқувчилар жисмоний ва руҳий тараққиётининг ўсмирилик даврида, яъни 7-8-синфлар ўқувчиларида назарий фикрлар анча ривожланган бўлади. Улар китоб устида ишлаш жараёнида кўпроқ мустакил фикр билдиришга, матн таҳлилига йўлловчи савол-топшириқларни мустакил бажаришга интиладилар. Ўзаро тортишувлар, мунозаралар, ҳар хил мухокамалар бу ёшдаги боланинг ички эҳтиёжидир. Синфлар юқорилаб борган сари ўқувчилар кўпроқ танқидий мулоҳаза юрита бошлайдилар; китоб устида ишлаш жараёнида асарлар мазмуни юзасидан кўпроқ саволлар беради.

---

<sup>1</sup> К. Қусанбоева

бошлайдилар. Ўқувчилар шу ёшга етгунларича таълимнинг олдинги босқичларида уларни бунга тайёрлаш, ҳар бир босқичнинг ўзига хос вазифаларини аниқ белгилаб олиш ва уларни бажаришга қатъий риоя қилиш керак бўлади. Токи бирон босқичда боланинг руҳий ва жисмоний имконияти бекорга кетмасин, иштиёки сўниб қолмасин. Албатта бу борада ўқитувчининг ўқув материалини қандай тақдим этиш ва берилган топшириқларни ўқувчи китоб устида ишлаш орқали қандай хал қилғанлигини аниқлаши, сўраши жуда катта аҳамиятга эга.

7-синф «Адабиёт» дарслигига киритилган Шукур Холмирзаевнинг «Ўзбеклар» ҳикоясини ўқиб ўрганиш, китоб устида ишлаш, яъни ҳикоя матни устида ишлашда аввало асарнинг мазмун моҳиятини ўқувчилар чуқур тушуниб олишларига эришиши муҳим аҳамиятга эга. Матн устида ишлаш жараёнида ўқувчиларга қуидагича муаммоли саволлар тарқатилади:

1. Асар қаҳрамонларидан қай бирини чинакам ўзбек дейиш мумкин?
2. Ҳикоянинг қайси қаҳрамони қайси хусусиятларига кўра сизга маъқул?
3. Сиз чинакам ўзбеклик ҳақида қандай фикр билдира оласиз? Чин одамлик ҳақида-чи?

Шундан сўнг асар образлари, конфликти, бадиий тилини ўрганишни ташкил этиш мумкин.

Бугунги таълим зиммасида бола шахсини бош қадриятга айлантириш, маънавиятни шакллантиришни таъминлаш; ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш; билим бери шва тарбиялаш учун унинг ўзини ҳаракатга ундаш, ўзига кашф этиш лаззатини туйдириш таълим жараёнида педагогик ҳамкорлик ҳукмронлик қилишига эришиш, асарлар қаҳрамонларига Ғоянинг ифодачиси, ижобий ёки салбий образ деб эмас, жонли инсон деб қарашга эришиш, адибларнинг асарларида уларнинг шахси у ёки бу даражада акс этганлигини ўқувчига англашиб, асарлар қаҳрамонлари кечинмалари ва ҳатти-ҳаракатлари орқали уларнинг шахсини баҳолашга ўқувчини ўргатиш сингари салмоқли вазифалар бугунги адабий таълимда китоб устида ишлаш

орқали бажарилиши кўзда тутилади. Бу вазифаларни бажаришда миллий тарбияшунослигимизга кириб келган «янги педагогик технология» номи билан таълимда қўлланилаётган ва ўз самарасини берадиган методлардан ҳам фойдаланиш мумкин. «бхбх», «Ақлий ҳужум», «Қароролар шажараси» сингари методлардан ҳам китоб устида ишлаш ва бадиий асарларни таҳлил қилишда фойдаланиш самара беради.

Демак, 5-7-синфларда китоб устида ишлашда кўпроқ ўқитувчининг раҳбарлигига таяниб, асарни ифодали ўқиш; матн устида ишлаш; образларни ўрганиш ва асар Гояси, бадиий тили, асарнинг сюжет ҳамда композицияси ҳақидаги билимларни мустаҳкамлашга эришилса, юқори синфларда ўқувчини мустақил фаолиятига шароит яратишга кўпроқ эътибор қаратилиши керак. Ўқувчи китоб билан кўпроқ мустақил ишлашга ўргатилса, шубҳасиз, унинг амалий малакалари шаклланади ва такомиллашади. Бунда хилма-хил жадвалларни тўлдиришни уй вазифаси сифатида топшириш ҳам яхши натижа беради. Масалан: катта миқёсли эпик асарлардан маълум парчаларни синфда ўқиб ўрганиш, асарни тўла ҳолда ўқиб чиқишни ўқувчига тавсия қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўқувчи китобхонлигини ташкил этиш учун асардан жой тасвири, деталлар тасвири, руҳият тасвири, портрет, пейзаж тасвирлари берилган ўринлардан мисолларни жадвал асосида ёзиб келишни топшириш ҳам ўқувчини бадиий асар билан ишлашга ўргатади.

## **БАДИЙ АСАРДА МУАЛЛИФ НУҚТАИ НАЗАРИНИ АНИҚЛАШ**

Инсон маънавиятининг соғломлашуви унинг фикрлари ва хатти-харакатларида акс этади. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари адабий таълимида ҳам ўқувчининг табиатан мавжуд бўлган сифатларини уйғотиш ва уларнинг ривожланишига маълум мақсад асосида кўмаклашиш билан тарбия бериш кўзда тутилади. Тарбия бадиийлик, ҳиссиёт ва самимийлик билан уйғунликка кечади. Бадиий тарбия

билим, кўникма билан бирга ҳаётнинг ранги, оҳанги, моҳиятини очиб беради. Тарбия жараёнидаги ҳиссиёт ва самимият унинг таъсирчанлиги ҳамда табиийлигини таъминлайди.

Талабаларга қатъий ишонч билан бериладиган билимлар ҳиссиёт билан суғорилгандагина уларнинг руҳиятига киради, чукур ўрнашади. Бу йўлда таълимдаги анъанавий ва ноанъанавий таълим методларидан фойдаланилади.

Анъанавий таълим методларидан сұхбат методидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг фикр мустақиллигини таъминлаш тезлаштирилади. Бадиий асар юзасидан эркин сұхбатлар, савол-жавоблар воситасида ўқувчиларга берилган эркинлик туфайли мустақил тафаккурларнинг шаклланишида бу метод катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот методидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда далиллар тўплаш, уларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, тизим солиш ва умумлаштириш кўникма ва малакалари такомиллаштирилади. Бу методдан фойдаланилганда ўқувчилар ўз фикрларини илмий-амалий асослашни ўрганадилар.

Касб-хунар коллажлари адабий таълими жараёнида таққослаш методидан фойдаланиш воситасида ўқувчиларга ўз фикрини қатъий асослашга қарашларини эса далиллашга имкон берилади.

Таълимда индукция методини қўллаш воситасида хусусий жиҳатлардан умуний ҳолатларга ўтувчи хулосаларга олиб келувчи муаммоли масалаларни қўйиши ва ўқувчиларнинг мустақил мулоҳаза юритиб хулосаларни чиқариб, умумлашмалар қилишига кўмаклашилади. Бу метод ўқувчиларнинг тафаккур мустақиллигини таъминлашда салмоқли самара беради.

Коллежлар адабий таълимида дедуктив методни қўллагандан, яъни умуний ҳолатлардан хусусий жиҳатларга ўтиш жараёнида ҳам ўқувчиларни мустақил фикрлаш салоҳиятини такомиллаштиришга эришиш мумкин. Ўқувчиларнинг умунийдан хусусий жиҳатларни ажратиши, ўз фикрларини асослаши ва хулосалар чиқариши бу метод ёрдамида амалга ошади. Адабий

таълим жараёнида бу методларни биргаликда қўллаш ҳам яхши самара беради.

Бугунги миллий тарбияшуносликка «Янги педагогик технология» ёки «Интерфаол методлар» номи билан кириб келаётган методлар ҳам ўқувчилардан ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини кўзда тутади. «Ақлий хужум» методи ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш, уларни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммани бир қолипда фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндашувини таъминлайди. Биз қуйида касб-хунар коллежлари ўқув дастурида белгиланган П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романини анъанавий методлардан фойдаланиб адабий талқин ва таҳлил усулларига таяниб муаллиф нуқтаи назарини ўрганиш асосидаги дарс намунасини ҳавола киласиз.

Маълумки, тарихий мавзудаги асарларни ўрганишнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари мавжуд. Тарихий роман ёки драма марказида тарихий шахслар образи харакат қиласи. Асар сюжети анна шундай шахслар биографиясига асосланади. Бу ўринда ўқувчиларга роман сингари катта эпик асарларнинг жанр хусусиятлари ҳақидаги назарий билимлар билан бирга тарихий асарларга хос тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима тўғрисида назарий тушунча бериш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

«Юлдузли тунлар» романи марказида ҳам реал тарихий шахс – саркарда, шоҳ ва шоир Бобур образи туради.

Шундай саволнинг кўндаланг бўлиши табиий: тарихий романнинг ўзига хослиги нималардан иборат? Тарихий мавзуга мурожаат этишнинг қандай мураккаб томонлари мавжуд?

Буюк танқидчи В.Г.Белинский тарихий мавзуга қўл урушнинг кўпгина мураккаб жиҳатларини ёритиб, жумладан қуйидагиларни баён этган эди: «Тарих бизга бўлиб ўтган воқеаларни авра томонидан, саҳнавий томонидан кўрсатади, ичкарида бўлаётган ҳодисалар устидаги пардани кўтариб

ташламайди, бу воқеалар замирида рўй берадиган ҳодисалар ҳам, уларнинг кундалик, оддий ҳаётдаги инъикоси ҳам бекилиб қолади. Роман тарихий воқеаларнинг ички томонини, уларнинг авра-астарини ростакамига очиб беради. Тарихий романнинг ўзига хослиги шундаки, у қайси бир мамлакат ва ёки қайси бир ҳалқ ҳаётига мурожаат қилмасин, барибир, унинг асосида ҳаққонийлик тушунчаси ётади. Тарих фани билан санъатнинг кўшилиш нуктасида тарихий роман туғилади. Шунинг учун ҳам тарихий роман тарихни Яна ҳам тўлдиради, яна ҳам бойитади, бинобарин, у – тарихнинг ажралмас бир қисми ҳамдир»<sup>1</sup>.

Демак, тарихий роман асосида ҳаққонийлик ва замонавийлик тушунчаси ётади. Бошқача қилиб айтганда, тарих ва замонанинг умуминсоний ва умумбашарий муаммолари ҳар қандай тарихий асар мазмунининг асосини ташкил этади. Тарихий роман шу икки омилнинг бадиий синтезидан ташкил топади. Тарихий мавзудаги асарларни ўрганишдан олдин ўқувчиларга ана шу мазмундаги назарий тушунчалар ёритилиши лозим.

Замонавий мавзуда ижод этган адаб, бугунги кун кишиларини ўйлатган ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни замондошимиз характерини яратиш орқали тадқиқ этиб, замондошимиз интилишлари, курашлари тимсолида таҳлил этади. Фаровон турмушимизнинг янада равнақ топишига тўсқинлик қилаётган иллатларни, айрим сабабларни ҳаққоний ёритиш орқали ижтимоий-маънавий тараққиётга ҳисса қўшади. Тарихий мавзуда қалам тебратган адаб ҳам ўтмиш ҳаётига объектив муносабатда бўлиб тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш жараёнида реализм методининг ижодий принципларига таянган ҳолда иш кўриб, ҳаққоний бадиий образлар яратишга бор имкониятларини сафарбар этади.

Англашиляптики, замонавий ёки тарихий мавзуда қалам тебратадиган адиларимизни умумий ва ягона мақсад бирлаштириб турибди: ҳаётий ҳодисалар ичига чуқур қилиб бориш орқали инсон шахсининг янги

<sup>1</sup> В.Г.Белинский. Собр.соч. в трех томах, Т2 ГИХЛ, -М.: 1984г. стр. 40

қирраларини бадий кашф этиш, инсон характерининг, руҳий оламининг тақрорланмас бадий тасвирини яратиш орқали китобхонга эстетик завқ бағишилаш, тарих сабоқларини замонага хизмат қилдириш ёки бугунги куннинг истиқболи учун курашга чорлаш. Санъаткор адабнинг бористеъдоди тарихий ҳақиқатлардан бадий ҳақиқат яратиш жараёнида намоён бўлиб, ҳақиқатларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини бадий сўз ёрдамида тасвирилаш, ҳақиқатларнинг асл мағзини очиш орқали бадий таъсир кўрсатиш чоғида юзага чиқади. Етук адаблар томонидан яратилган романлардаги тарихий воқеалар ҳам ана шундай таъсир кучини ҳосил этишга хизмат қиласди.

Таниқли адаб Пиримқул қодиров ҳам ана шундай самарали йўлдан бориб, ҳаётий материалдан ва фактлардан таъсирчан бадий образлар яратишида фойдаланган. Моварауннар ва Хуросонда XV аср охири ва XVI аср бошларида содир бўлган бир қатор тарихий воқеалардан муаллиф ягона ва яхлит бадий концепция яратишида фойдаланган. Табиийки, у бир қатор тарихий манбаларга, ҳужжатлар ва бадий асарларга ижодий муносабатда бўлган. қаламга олинган тарихий ҳодисалар яхлит ва серқирра, мураккаб ва зиддиятли инсон характерини яратишга йўналтирилган. Бу – Бобур Мирзодир.

Маълумки, Бобур Самарқандни эгаллаб, марказлашган кучли давлат барпо қилишни орзу қилган. Лекин Шайбонийхон қўшинидан енгилиб, ўз юртидан узоқларга кетишига мажбур бўлган. ҳаётининг сўнгги йилларида у ҳиндистонга юриш қилиб, бобурийлар давлатига асос солди. Бу ўлкани забт этиб, фақат бойлик орттиришни кўзлаган фотиҳлардан (масалан, Маҳмуд ғазнавий, Чингизхон) фарқли ўлароқ, Бобур умрининг сўнгигига қадар шу ўлкада яшади, мамлакатдаги феодал тарқоқликка чек қўйишига ҳаракат қилди, диний масҳаблар ўртасидаги низоларни бартараф этишига интилди, илм-фан ва маданиятни равнак топтиришига ҳисса қўшди, қатор асарларини яратди.

Ёзувчи П.Қодиров Бобур ҳаётининг энг драматик палладарини қаламга олиб, тасвир марказига унинг инсоний дунёсини, кечинмалари, нозик

туйғулари, дил изтироблари, уй-хаёллари, мақсад ва интилишларини бадий акс эттирган. Қаҳрамоннинг мақсад ва интилишлари йўлидаги шиддатли кураши эса асардаги Ғоявий-бадиий концепцияни ҳаракатга келтирувчи кучга айланган. Табиийки, буларга осонлик билан эришилмаган. Тарихий ходисалар ва тарихий шахслар ҳаётини тасвирлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари, талаблари бор. Ижодкор тарихий фактлар замирига яширган фалсафани бадиий таҳлил этиш, тарихий шахслар қиёфасини ҳаққоний тасвирлаш, тарихий муҳитни бадиий гавдалантириш чоғида тасвир ва тадқиқ обьектига нисбатан ўз муносабатидан келиб чиқиб иш кўради. Бундай муносабат эса асардаги муаллиф нутқида реаллашади.

Ўқитувчи адабий талқин усулидан фойдаланиб ўқувчиларни асар мазмунини тўла ва чуқур тушунишлари учун йўналиш бериши мақсадга мувофиқ. Шундан кейингина ўқувчилар диққати ёзувчи услубининг аниқ ифодаси – асар бадиий тилига қаратилади.

Тасвир обьектига нисбатан муаллиф муносабатининг ноаниқлиги натижасида баъзи асарлар қандайдир мавҳумлик тумани ичидаги қолади, муаллифнинг эстетик концепцияси ҳам шу туман ичидаги кўринмай кетади. Бундай асарлардаги муаллиф нутқи шакл жиҳатидангина мавжуд бўлиб, воқеаларнинг бирини иккинчисига боғловчи восита сифатида иштирок этади, холос. ҳаётий ходисалар замирига яширган ижтимоий, маънавий муаммоларга эътиборимизни қаратиб, уларнинг моҳиятини очишга хизмат қилмайди.

Чинакам реалист адаб ҳаётий ходисаларни, тарихий шахслар образини шунчаки тасвирлаш йўлидан бормайди, балки шахснинг мураккаб инсоний қиёфасини яратиш орқали шахс характерининг зиддиятли жиҳатларини бадиий тадқиқ этади. Шу зиддиятлар асосини, моҳиятини очиб беради. Шахснинг ўз эътиқоди учун, мақсади учун олиб борган кураши тимсолида у яшаган давр зиддиятларини, даврнинг ижтимоий-синфий қарама-қаршиликларини, шарт-шароитларини кўради ва уларни инсон тақдири мисолида ҳаққоний ва таъсирчан тасвирлашга интилади. Тасвир обьектига

нисбатан, аниқ, конкрет ва тўғри муносабатда туриб ижод этган адаб асарининг Гоявий салмоғи ҳам, бадиий тасвирчанлиги ҳам ёрқин кўзга ташланади, аниқ ҳис этилади.

«Юлдузли тунлар» романи орқали ёзувчининг тарихий ҳодисаларга нисбатан ана шундай муносабатда бўлганлиги ёрқин кўзга ташланади. Асарнинг биринчи қисмидаги воқеалар Бобурнинг Мовароуннахрда марказлашган феодал давлатини ташкил этиш йўлидаги интилишларини, курашларини ўз ичига олади. Шиддатли жанглар тасвири орқали кўз ўнгимизда саркарда Бобур образи гавдаланади. ҳарбий кенгашлар, юришлар чоғида унинг жанговор қобилияти, ўткир зеҳни, мардлиги намоён бўлади. Онаси қутлуғ Нигорхоним, опаси Хонзода бегим билан учрашув ва сухбат чоғида эса қалбидаги илиқ туйғулари, кўнглидаги эзгу тилаклари юзага чиқади. Жангу жадалларда Ғалаба қозонган кезлари Бобур йирик ва кучли давлат арбоби сифатида иш юритади, маданият ҳомийси бўлиб хурматқозонади. Мағлубиятга учраган кезлари эса унинг қалбини ягона бир куч – шеърият тутиб туради. Шундай дақиқаларда ҳаёт ҳақида, ўз интилишлари ва мағлубиятининг сабаблари тўғрисида ўйлайди, хатти-ҳаракатларини тафтиш этиб, зарур хulosалар чиқаради. Бундай фикрлар оқими эса асар эпик тафаккурини юзага келтириш учун замин бўлиб хизмат қилади. Мана бир мисол: «Уни яра оғриғидан ҳам ортиқ қийнайдиган дард – Аҳмад Танбалга берган қиличининг айланиб келиб ўз бошига тушгани эди. қотилга килич берса, бу қилич охир келиб ўз эгасини чопар эканми?»<sup>1</sup>.

Бундай манзаралар қаҳрамон билан уни қуршаб турган мұхит, шартшароит орасидаги зиддиятни кўрсатишга хизмат қилган. Ишонган беклари унга хиёнат қилган чоғларида Бобур ўзини хўрланган ҳис этади. Жаҳолат ва шавқатсизликлар ичида яшаётганлигини дил-дилидан ҳис этади. қосимбекка кўнглидаги изтиробларини қуидагича баён қилади: «Мен ўзим ҳам шохлик занжиридан бутунлай озод бўлишга интилмоқдамен, жаноби қосимбек. Бу занжирнинг бир учи тобе одамларга боғланган бўлса, унинг иккинчи учи

<sup>1</sup> П.Қодиров. Юлдузли тунлар. □.□ уломтномидаги адаби□ ва санъат нашри□ ти1981 й.

шохнинг ўзига боғланур экан! Шу сабаб, тобеларни занжирдан бўшатмагунча подшохнинг ўзи ҳам занжирбанд бўлур экан. Мен энди мана шу табиат бағрида занжирсиз яшашга қасд қилдим. Шунинг учун сизга жавоб!»

Мана шундай мураккаб кечинмалар гирдобида қолган кезлари Бобурнинг инсоний қиёфаси ёрқин намоён бўлади. Ойиша бегим билан ажралиши, Хонзода бегимнинг Шайбонийхон талабини қабул этиши, жангларнинг муваффақиятсизлик билан якунланиши... буларнинг барчаси Бобур учун кучли руҳий зарба эди. Ўз ҳаётини кўчки остида қолган булоқقا ўхшатган Бобур кечинмалари романда ниҳоятда таъсирча ифода этилган. Тасвир эса аниқ ва конкретлигидан ташқари образлилиги билан китобхонга таъсир кўрсатади. Улуғвор чўкки, унинг остидаги жарликлар ва ўша чўққидан тушиб келаётган булоқ суви – буларнинг барчаси образли бадиий ифодалар ва рамзий образлар сифатида Бобурнинг мураккаб ҳаёт йўлини ёрқин гавдалантиришга хизмат қиласи. Айни пайтда, бу ифодалар муаллиф нутқи воситасида баён этилади, қаҳрамоннинг ҳолатига муаллифнинг қандайдир ҳамдардлик туйғусини англатади, китобхонда ҳам шундай кечинмаларни ҳосил этади.

«Юлдузли тунлар» романидаги тасвирнинг ўзига хослигини шундан иборатки, ёзувчи қаҳрамоннинг ҳатти-ҳаракатларини, интилиш ва курашларини биринчи пландаги тасвир сифатида акс эттиради. Қаҳрамон кечинмалари, ўй-ҳаёллари, мулоҳазалари тасвирини эса иккинчи планга кўяди. Аммо кўп ҳолларда ҳар икки тасвирнинг ўзаро бирлигини, уйғунлиги ва яхлитлигини юзага келтиришга нимадир монелик қилганлиги сезилиб қолади. Яхлит тасвирий бирлик баъзи ўринларда қучсиз ташкил этилганлиги кўзга ташланади. Бунинг сабабларидан бири асаддаги муаллиф нутқига асосий вазифанинг «юқлатилганлиги»да кўринади. Воқеа-ходисалар тавсифи билан қаҳрамон кечинмалари, ўй-ҳаёлларини баёни ёндош келган ҳолларда романга хос яхлит тасвирий бирликка дарс кетган, тасвир ўрнини умумий йўсиндаги баён эгаллаган.

Тўғри, ёзувчи ҳодисаларнинг ўрни билан баён қилиши, ёки тавсифлаши мумкин. Аммо гап том маънодаги реалистик роман талабига жавоб берувчи ҳаққоний ва таъсирчан тасвир ҳақида кетаётирик, бундай тасвирни тавсиф ёки баён воситасида юзага келтириб бўлмаслигини «Юлдузли тунлар» ҳам кўрсатиб турибди.

Шуниси эътиборни жалб этадики, ёзувчи П.Қодиров тарихий воқеалардан салмоқдор бадиий умумлашмалар яратишда фойдаланган. Бобурнинг Ҳиндистонда марказлашган ягона давлат тузиш учун олиб борган курашлари тасвирий муҳим маънони очишга йўналтирилган. қудратли давлат тузиш режалари амалга ошган сайин, Бобур дунёсидаги изтироблар кўланкаси бир қадар йўқолгандай туюлади. Интилишларидағи ёрқин бир нуқта, орзуларидағи эзгу нур ҳам равшанлашади. Шу нур унинг мақсадларини ёритиб, эзгуликнинг Ғалабасини таъминлайди.

Ҳа, ёзувчи Бобурнинг хиндистон юришидаги Ғалабасини моҳияти ва Ғалабанинг ҳаётий заминини чуқур таҳлил этиш орқали тарихий ҳақиқатдан бадиий ҳақиқатни юзага келтирган: фақат эзгу тилакларгина буюк қудратга эга, фақат эзгу мақсадгина инсон интилишларини кўзланган маррага етказа олади, фақат эзгу истак йўлидаги курашгина Ғалаба келтиради!

Ёзувчи Одил Ёқубов Улуғбек фожиасининг сабабларидан бири сифатида ота ва ўғил муносабатидаги Ғазаб ва нафрат туйғулари моҳиятини очиб берган бўлса, Пиримқул Қодиров Бобурнинг қўлга киритган Ғалабаси моҳиятини унинг оила аъзолари ўртасидаги, айниқса, фарзандлари билан бўлган меҳр-муҳаббатга, садоқатга асосланган муносабат орқали ёритишга эришган.

Ёзувчи Бобурнинг шоир, шоҳ ва оддий инсон сифатидаги ҳам кучли, ҳам ожиз томонларини ҳаёти ва шахсиятидаги барча фазилату қусурларни бор бўйича кўрсатади. «Юлдузли тунлар»да тарихий романнинг барча хилига хос хусусиятлар қандайдир даражада мавжуд; гўё Унда барча турга хос

хусусиятлар синтезлашгандай»<sup>1</sup>, - деб ёзган эди таниқли танқидчи У.Норматов.

Ана шундай маълумотлардан сўнг асарнинг бош қаҳрамони ва бошқа персонажларни таҳлил қилишга ўтиш мумкин. қуидаги йўналтирувчи саволлар тарқатилади:

1. Тарихий тараққиётда халқ оммасининг кучига, меҳнат аҳлининг ролига алоҳида эътибор берилиши «Юлдузли тунлар» романининг яна бир ўзига хос жиҳатини ташкил этади. Талантли санъаткорлар, маданият арбоблари образларини яратиш борасида ҳам ёзувчи ўз маҳоратини намойиш қилган. Асарда Бобур образини ёритишга хизмат қилувчи Яна қандай образларни учратдингиз?

2. Ёзувчи асарнинг илк саҳифаларидан бошлабоқ Бобурнинг санъат ва адабиётга, илм-фанга бўлган интилишларини, ташналигини таъкидлаб беради. Асарнинг иккинчи қисмида эса Бобур ҳиротга сафар қилиб, у ерда даврининг етук ижодкорлари, ҳаттоту тарихчилари билан учрашади, Беҳзод ва Хондамир билан сухбатлашади. Ёзувчи бундай манзаралар тасвирига қандай маънони сингдирган деб ўйлайсиз? Бобур вужудининг энг тиник маскану илму ижод бўлган, у ҳамиша илму ижод билан бир тан, бир вужуд бўлишга интилиб яшаган. Хўш, Бобур образи орқали сиз қандай бадиий умумлашмани идрок этдингиз?

3. Асадаги аёллар образларини таҳлил қилинг. Хонзода бегим танлаган йўл тўғрими? Оила аъзолари ўртасидаги фидойилик деганда сиз нималарни тушунасиз?

Асар таҳлилини ана шу саволлар теварагидаги баҳс-мунозара билан якунлаш мумкин.

Демак, касб-ҳунар коллежлари адабий таълими мазмунини такомиллаштиришда адабий талқин ва таҳлил усусларидан фойдаланиш кўзланган мақсадга олиб боради.

---

<sup>1</sup> У.Норматов. Тарихнинг теран таҳлили. Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1981 йил, 4 парель.

## **БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИДА ЁЗУВЧИ УСЛУБИ ВА МАҲОРАТИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

Умумтаълим мактабларида адиб услуби ва маҳоратини ўрганиш адабиёт ўқитишининг етакчи масалаларидан биридир. Юқори синфларда бадий асарлар таҳлили воситасида ёзувчи маҳоратини ўрганишга эътибор қаратилади. Ўқитувчи адиб ижодининг ўсиш - ўзгариш поҒоналарини тасаввур этишлари мақсадида ижодининг илк даврларида яратилган асарларидан мисоллар келтириб, маҳорати янада тиниқлашган, юксалган йилларда дунёга келган асарлари таҳлилига ўтса бўлади.

Хусусан, А. Қаххор ижодининг йигарманчи йиллардан ўттизинчи йилларнинг ўрталарига қадар бўлган даври маҳоратининг ана шундай улҒайиш пиллапояларини намоён этади. «Анор», «Бемор» ва «ЎҒри» ҳикоялари адиб маҳорати изланишлар жараёнида, машаққатли ижодий меҳнат туфайли тиниқлик касб этганидан далолат беради.

А. Қаххорнинг етук асарлари катта истеъододларга хос бир хусусиятни намоён этади: ниҳоятда содда ифодалар воситасида ўта аниқ ва таъсирчан тасвир яратиш маҳорати. Биз бу сифатни А. Қодирий асарлари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин. Юз берган мудҳиш ҳодисаларни ойдинлаштирувчи хатни ўқиган чоғдаги қутидор, Офтобойим ва Кумуш ҳолатлари тасвири китобхон қўз ўнгида қандай жонли ҳам ҳаяжонли тарзда гавдаланса, «ЎҒри»даги Қобил бобо қиёфаси айнан шундай - ўта жонли ва таъсирчан тарзда кўриниш беради: «Қобил бобо яланг бош, яланг оёқ, яктакчан, оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади, қўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳеч кимни қўрмайди». Ёки: «Қобил бобо рўпара бўлганда Амин оғзини очмасдан қаттиқ кекирди, кейин бақбақасини осилтириб кулди.

-Ха, сигир йўқолдими?»

Мазкур икки жумла воситасида ёзувчи Амин қиёфасини гўё ичдан

ёритади, уни таърифлашга хожат қолмайди. Аниқроғи, ёзувчи ўз қаҳрамонлари киёфасинигина чизиб беришга интилганлиги, шу киёфаларнинг ўзи ёзувчи айтмоқчи бўлган Ғоявий мақсадни қаҳрамон хатти-харакатлари, сўзлари орқали аён этганлигини англаб оламиз.

«Йўқолмасдан илгари бормиди» жумласи Қобил бобо яшайдиган мухитни тасвирлашга хизмат қилса, қаҳрамон хатти-харакатлари исмига монанд мўмин-қобил бўлгани учун фожиага юз тутган, амалдорлар томонидан шафқатсиз эзилган инсон фожиаси сабабларини очиб беради: инсон халоллиги, меҳнаткашлиги туфайли ардоқланса, мўмин-қобиллиги, бош эгувчанлиги билан ўз қадр-қимматини ерга уради, таҳқирланади.

Шу жиҳати билан «ўГри» маълум маънода ҳозирги замонга ҳамоҳанг. Бош эгувчанлик, тобелик, мўмин-қобиллик иллатлари ижтимоий-маънавий тараққиёт қаршисидаги касаллик, ўзига хос «Ғов» эканлигини санъаткор адаб фош этган. «ўГри» ҳикояси мисолида ёзувчи ўзлигини англаб етмаган, ўз қадр-қимматини ерга урувчи «мўмин- қобиллик», «бош эгувчанлик» иллатини қоралайди, унинг ижтимоий-маънавий тараққиётга қўп даражада зарар етказиши мумкинлигини англатади. Нихоятда содда тасвир, содда ифодалар воситасида ана шу бадиий салмоқдор фикрни - Ғояни китобхонга чуқур англатади. Бу соддаликни жўнлик эмас, балки санъаткорона соддалик деса бўлади.

«Бемор» ҳикоясининг эпиграфига эътибор беринг: «Осмон йироқ, ер қаттиқ», «ўГри»да: «Отнинг ўлими итнинг байрами»; «Анор» даги эпиграф ҳам маълум бадиий вазифани бажаради, бевосита ҳикоянинг Ғоявий мазмунини ихчам тарзда ифодалайди. Ёзувчи А.Қаҳҳор ижодига хос бу хусусиятлар ҳам адаб маҳоратини намоён этади. ҳақиқий, жонли ҳамда таъсирчан тасвир яратиш маҳорати бадиий сўз устаси Қаҳҳор услубининг яна бир сифати эканлигига ўқувчилар дикқатини тортиш мақсадида ўқитувчи «Бемор» ва «Анор» ҳикоялари таҳлилига қуидагича ёндашиши мумкин:

Қаҳҳор ҳикояларида ҳалқ ҳаёти ва тақдирининг маълум даврлари қаламга олинган. Аммо, ёзувчи ҳеч қачон тарихни ёки тарихий воқеаларни

қаламга олишни асосий мақсад қилиб белгиламаган. Балки, ўтмиш воқеалари тасвири орқали инсон тақдирига алоқадор, замонавий қимматга эга масалаларни ёритишга интилган. Шу маънода, ёзувчи ҳамиша «инсоншунос» сифатида иш кўрган, халқимиз тарихи ҳамда тақдирининг фожиавий нуқталарига эътиборни тортган, инсоннинг тарихан зиддиятли ҳаётини тасвирлаган. Шу боис, «Бемор», «Анор», «ЎФри», «Даҳшат» каби асарларидаги тарихий ҳодисалар тасвири хилма-хил инсонлар тақдирига боғланади, маълум даврга хос тарихий ҳодисалар силсиласи халқимиз турмушининг зиддиятли лавҳаларини жонлантиради. Бу хусусият А.Қаҳҳор ижодининг чуқур замонавийлигидан далолат беради.

Демак, юқори синфларда ўқувчиларни аниқ топшириқлар асосида таҳлилга йўллаш самарали натижа беради. Хусусан, хилма-хил жадваллардан фойдаланиб, насрий асарлар қаҳрамонлари нутқини ўрганиш, асарнинг бадиий тил хусусиятларини белгилаш, портрет тасвирларини адабиёт дафтарларига кўчириб, ёзувчининг маҳоратига баҳо бериш, қаҳрамон суратига мос сийрати тасвирини яратишни ўқувчиларга топшириш, бадиий рангларда гавдалантирилган тасвирларни ўз тасавурларига таяниб чизиш, Ғазаллар матнига таяниб, уларни шархлаш, ўз кечинмаларини ижодий иш тарзида ёзма ифодалаш – бу борадаги амалий мустақил ишлар хисобланади.

Ойбекнинг "Навоий" романини ўрганиш жараёнида ўқитувчи мажмууда берилган парчалардан ташқари XV аср ҳаёти, урф-одатлари, миллий турмуш тарзи ва характерларининг ўзига хос хусусиятларини очишда ёзувчи маҳоратини кўрсатувчи мисоллар асосида ўқувчини таҳлилга йўлловчи топшириқлар тайёрлаши мумкин. Демак, таянч синфлардан бошлаб ўқувчилар ўзбек адабиёти тарихи, назарияси ва XX аср ўзбек адабиётига оид намуналарни ўрганиш, қатор назарий билимларни ўзлаштириб борадилар, айни пайтда, уларда зарур амалий кўникма ҳамда малакалар шакллантирилади. Дастур талабига кўра 9-синф ўқувчилари бадиий асар тилига хос хусусиятларни мустақил аниқлаш малакасига эга бўлишлари

керак. Адабиётимиз тарихи ҳақида, ҳар бир даврнинг хусусиятлари, етакчи ижодкорлари, уларнинг етук асарлари тўғрисида мулоҳазага, зарур тушунчаларга эга бўлиб турли жанрдаги, лирик шеърларнинг бадиийлигини ёритиб бера олишлари лозим. Классик шеърий жанрлар, уларнинг тузилиши, таркиби, тасвирий воситалари, шеърий санъатлар, анъанавий образлар, ўзига хос услублар, асарлардан англашиладиган бадиий умумлашмалар нималардан иборат эканини ўқувчи алоҳида рубоий, Ғазал ёки туюқ мисолида ёритиб бера олиши учун таҳлил малакасига эга бўлмоғи зарур. Бунинг учун матнни ифодали ўқиш, ўқиш жараёнида эса бармоқ ёки аruz вазнида ёзилган шеърнинг жанр талабларини эътиборга ола билиши, ўзлаштирган назарий билимларига таяниб фикрлай олиши керак.

9-10-синфларда бу малакани янада ўстиришга эътибор қаратилади. Ўқувчилар адабиёт тарихи даврлари тўғрисида аниқ тушунчаларга эга бўладилар. 9-10-синфларда ўзбек мумтоз адабиёти намояндлари ижодини ўрганиб, шоирлар яратган образларни таҳлил қилиб, муайян хулосаларга келадилар; турли жанрдаги асарларнинг бадиий хусусиятларини мустақил аниклаб, ижодкор маҳоратига баҳо беришга ўрганадилар. 9- синфда эса XX асар ўзбек адабиёти намуналарини ўрганиб, изланиш, тадқиқот усуллари асосида маърузалар, реферат ишлари тайёрлашлари, ижодий иншолар ёзиб, мавзуга оид билим ва малакаларини эркин тарзда, ижодий кўринишда баён қилишлари кўзда тутилади. Бу боскичда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари, ижодий иш олиб бориш қобилиятлари, нутқ малакаларини ўстиришга, эстетик дидларини юксалтиришга жиддий эътибор берилади. Мазкур талабларни назарда тутган ҳолда ўқувчиларнинг ижодкорлигини ўстиришда, мустақил фикрлаш салоҳиятларини ривожлантиришда илғор таълим усулларига таяниб иш олиб борилади. Бундай усуллар куйидагилардан иборат:

1. Бадиий асарларни ифодали, ижодий ёки шарҳли ўқиш усулларига таяниб таҳлил қилиш. Бу усул ўқувчининг бадиий идрокини ривожлантиришга хизмат қиласи.

2. Адабиётшуносликда мавжуд усулларни қўллаш ёрдамида таҳлил қилиш. қамровли таҳлил, қиёсий таҳлил, муаммоли таҳлил усулларидан ўқувчини аналитик мушоҳадага йўллашда, дунёқарашини кенгайтиришда фойдаланилади. Айни пайтда, хилма-хил услубдаги ижодкорларнинг ўхшаш мавзудаги ёки тарихий реал шахслар образларини яратишдаги маҳоратини қиёслаб ўрганиш ёрдамида ўқувчиларнинг услублар ранг-барамглиги, бадиий ижоддаги анъана ва маҳорат масалаларига оид билимлари чуқурлаштирилади.

**Муаммоли таҳлил усули** ёрдамида ўқувчиларда баҳс маданияти шакллантирилади, улар ўзлари баён этган фикрларни асослашга ва далиллашга ўрганадилар, мустақил мулоҳазалари асосида хulosалар чиқарадилар.

**Қамровли таҳлил усули** ёзувчи ёки шоир ижодини яхлит ҳолда ўрганиш имконини беради. Ўқувчилар алоҳида ижодкорларнинг ўзига хос бадиий олам яратиш йўлидаги изланишларини тўла ҳолда тасаввур этадилар.

3. Тадқиқот усулига таяниб таҳлил этиш. Бу усулдан фойдаланиб, ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятини ўстиришга эришилади. Ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, 9-синфда Хоразмий ижодини ўрганишга оид машғулотни қуидагича ташкил этиш мумкин: Хоразмий ижодини ўқув дастурида белгиланган талаблар асосида ўрганиш учун ўқувчиларга унинг таржимаи ҳоли, фаолиятининг асосий йўналишлари, «Муҳаббатнома» асарининг яратилиши билан боғлиқ сабаблар ҳақида маълумот бериш ўринли бўлади. Асар сарлавҳасига изоҳ, шоир услубининг ўзига хос кирралари ҳақидаги мулоҳазалар бевосита асардан берилган қисмларни ўқиб ўрганиш давомида баён этилгани маъқул. Дарснинг жиҳозини «Муҳаббатнома» асари, унинг айрим ўринларига ишланган расмлар ташкил этиши мумкин. Адабиётшуносларнинг асар ҳақидаги фикрларидан айрим кўчирмаларни ўрни билан ўқувчилар эътиборига ҳавола этишда «Ўзбек адабиёти тарихи» (беш томликдан) фойдаланиш мумкин.

Машғулотни олиб боришда сұхбат усули қулай ўрни билан ўқитувчи шоир ҳаётига оид маълумотларни ўзи баён қилиб, айрим ўринларда ўқувчиларни мавзуга жалб қилиш мақсадида саволлар орқали фикрлашга ундан боргани яхши. Чунки, матнни ўқиши жараёнида тушунилиши қийин сўзлар маъноси изоҳланади, сўнгра матн мазмуни ўзлаштирилади. Асарни ўқиётган ўқувчи ўз тушунчаларига таяниб мустақил фикрини билдирса, ўқитувчи унинг фикрларини тўлдириб боради.

9-синфда адабий оқимлар, ўзбек романлари мисолида миллийлик ва умуминсонийлик тамойили, адабий услуб, бадиий ижодда анъана ва маҳорат сингари йирик масалалар талқин қилинса, умумтаълим мактаблари адабий таълимининг якуний босқичи талабларига мос тушар эди. Зотан, ўқув дастурида шу синфи битиравчиларнинг билими, кўникма ҳамда малакасига нисбатан қўйидаги талаблар қўйилган:

- ўрганилган ҳар қандай асарлар матнини ифодали ўқиши, уларнинг жанрий ва бадиий хусусиятларини, шеърий санъатлар билан қофия, вазн, радиф сингари шакл хусусиятларини аниқлай билишлари; матнларни луғатли ё луғатсиз шарҳлай олишлари; мумтоз адабиёт тимсолларининг фалсафий, диний, тасаввуфий асосларини аниқлашни; асотир, афсона, қисса, ҳусну таълим, таносуб, тажнисли ва тажниссиз туюқ, ташхис, достон, табиат лирикаси, роман, ижтимоий ва интим лирика, бадиий адабиётда руҳий таҳлил, лирик қаҳрамон, перипетия каби назарий тушунчаларнинг ўзига хос томонларини изоҳлаш;

- бадиий асар сюжети ва бадиий қурилмаси ҳақидаги назарий маълумотларни амалий машғулотлар мобайнидаги таҳлилга татбиқ эта олишни; ўрганилган бадиий асарлар таркибини таҳлил қилиб иншолар, тақризлар ёза билиши.

Демак, ўқувчининг ўқув дастурида белгиланган соатлар давомида дарсликдаги ўқув материалларини ўрганиб, таҳлил малакасини шакллантириши ҳамда такомиллаштириб боришга эришмоғи кўзда тутилган. Ушбу талаб адабиёт ўқитувчилари олдига яна бир мухим муаммони

кўндаланг қўяди:

1. Ўқувчида адабий таҳлил тушунчасини шакллантириш.
2. Ўқувчиларнинг таҳлил турлари ва усуллари ҳақида ҳам муайян назарий тушунчаларни ўзлаштиришларига эришиш.

Хўш, адабий таҳлил нима? Ҳар қандай адабий асарни ўрганиш унинг мазмунини англашдан бошланади. Адабий таҳлилда айнан ўқувчиларнинг ана шу хиссий англаш ва идрок этиш қобилиятларига таянилади. Адабий таҳлил - асарнинг эстетик хусусиятларини ўқувчи кўз ўнгидаги "ярқ" этиб очиб бериш усули. Бу усулдан адабий асарларни ўрганишда фойдаланилади. Бадиий ижод намуналарни ўқиб ўрганиб боришлари давомида ўқувчиларда таҳлил малакаси ҳам шаклланиб боради.

Адабий таҳлил ёрдамида қуидаги масалалар ёритилиши кўзда тутилади:

1. Асар жанри белгиланиб, жанр талабларига таяниб таҳлил қилинади.
2. Асарнинг қурилиш (сюжет ва композицияси) хусусиятлари ўрганилади.
3. Ёзувчининг тасвирлаш услуби таҳлил воситасида аниқланади ва (ижодкор яратган бадиий образлар, асар Ғоясининг бадиий талқини, бош муаммо, ижодкор тафаккур тарзи, асар конфликти ва унинг ечими) ўрганилади.
4. Бадиий асар тилининг ўзига хос хусусиятлари адабий таҳлилга таяниб ўрганилади.
5. Ижодкор бадиий маҳоратига таҳлил давомида баҳо берилади.

Бунда қандай эстетик талабларга таяниб иш кўрилади?

Бадиийлик, ҳаётийлик, ҳаққонийлик тамойилларига таянилиб ҳар қандай санъат асарини, у қайси жанрда бўлишидан қатъи назар, идрок этиш, тушуниш ва ўқиши мустақил тафаккур орқали амалга ошади. Асарни тушуниши учун ўқувчи уни яратиш жараённада ёзувчи туйган ҳисларни ўз кўнглидан ўтказиши, тасаввурида жонлантириши керак. Буюк сўз усталари яратган гўзаллик оламига ҳар ким ўзича, ўз дунёси билан кира олади. Агар

санъаткор қарашлари, дарду кечинмалари, ҳис-туйғулари китобхон дунёсида ҳамоҳанглик ҳосил қилса, санъаткор билан оддий инсон ҳамдарду ҳамфирға айланадилар. Ана шу ҳолат бадиий ижоднинг ҳаққонийлик ва таъсирчанлик хусусиятини англатади. Шуниси ҳам борки, ҳар бир китобхон ўз интеллектуал - ҳиссий идрокига таяниб асарларни англайди, ундан таъсирланади, ўзи учун ниманидир кашф этади. Мактаб адабий таълими жараённида сўз санъати намуналарини англашдаги ўқувчининг ана шундай индивидуал ўзигагина хос хусусиятларини ривожлантириш кўзда тутилади. Шу мақсадда, қатор назарий тушунчалар ўргатиб борилади, қайсики ўқувчининг маълум билим ва муайян малакасига, ўзининг шахсий идрокига таяниб ҳаёт билан инсон шахсини билиш борасидаги тажрибаси доимий ҳамда узлуксиз ривожланиб борсин, бадиий диди юксалиб, санъат асарини баҳолаш малакаси такомиллашсин. Бу ҳақда олима Қ. Ҳусанбоева қуидаги фикрларни асосли тарзда таъкидлаб ўтган: «9-синф ўқувчиларини кичик ўсмир билан таққослаб, уларда назарий фикрлар ривожланганлигини пайқаш қийин эмас. Бу ёшдаги ўқувчиларда ҳар хил муаммоларни ўзларича мустақил ҳал қилишга бўлган эҳтиёж янада кучаяди. Ўзаро тортишувлар, мунозаралар, ҳар хил муҳокамаларда қатнашишлар бу ёшдаги боланинг табиий ички эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласи. Синфлар юқорилаб борган сари болалар танқидий мулоҳаза юрита бошлайдилар, муаммо мазмуни юзасидан салмоқли саволлар бера бошлайдилар. Бу борада ўқитувчининг дарс жараёнини қандай ташкил қилиши, ўқув материалини қай йўсинда тақдим этиши алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг мустақил ижодий ишларини ташкил этиш воситасида уларнинг билимларни мустақил эгаллаш, ўз дунёқарашини кенгайтириш, ижодий фаоллигани ошириш масаласи ҳам туради. Ўқув материалини таҳлил қилишга йўллаш, қатор манбаларни мустақил ўрганиш учун тавсия қилиш, мустақил изланиш учун имкон яратиш воситасида бу масалани ҳал қилиш мумкин.

Биламизки, лирик адабий турга мансуб асарларни ўрганишда

ўқитувчилар қатор назарий тушунчаларга таяниб иш юритишилариға түғри келади. Шоир жонсиз табиатта гүё тил ва дил бағишлайды, инсонга хос хусусиятларни нарсаларга құчиради, натижада таъсирчан-ликка эришади. Бундай таъсирчан тасвир ё образ ташхис санъати орқали яратилади.

Масалан, сувлар йиғлаган каби («Хазон» Җүлпон), «Күк билан сўзлашар кўчалар» (И. Отамуродов), «Кўзимга йиқилди қоп-қора булут» (У. Азимов), «Ой секин орқадан юрар изма-из» (Ойбек).

Шоир гоҳо тарвирда таъсирчанликни янада ошириш учун кучайтириб ёки камайтириб кўрсатиш усулини қўллади. Бунга муболаға дейилади. Булутнинг кўзга йиқилмоғи, булбулнинг йиғлаши, гулнинг уялиб япроқлар остига беркиниши, ойнинг секин юриши - муболағали тасвирга мисол бўлади.

Демак, шеърий асарлар бошқа жанрдаги асарлардан қатор жанрий хусусиятларига кўра ҳамда муайян ички оҳангга эга эканлиги билан ҳам ажralиб туради. Шеърий нутқ оддий нутқдан оҳангдорлиги, қатъий шаклга солинганлиги билан фарқ қиласи. Айни пайтда, ҳар қандай шеър марказида лирик қаҳрамон тимсоли ва унинг ҳис - туйғулари, ҳаяжону изтироблари тасвири туради. Шеърий нутқ асарга сингдирилган поэтик тафаккур тарзини инсоний кечинмалар ва туйғулар оқимиға мослаб, оҳанг жиҳатдан маълум бир тартибга солишига хизмат қиласи. Шунинг учун инсоний ҳис-кечинмалар ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқ шеърий нутқ дейилади. Шоирлар ритм-зарб ва ифодалиликнинг турли усулларидан кенг фойдаланадилар. Булардан асосийлари зарб билан қофия ҳисобланади. Ушбу унсурлар шеърни ифодали ўқиши чоғида таъсирлантириш кучини ҳосил қиласи. Аввало шоир туйғуларининг маҳсули сифатида китобхонда ҳам маълум ҳис-кечинмаларни қўзғатади.

## **БАДИЙ АСАР ТИЛИГА ХОС ТАСВИР ВОСИТАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Бадиий асар тилини ўрганиш асар таҳлилига қуидагича бөлгөлөн олиб борилади:

1. Аасардаги муаллиф нутқини ўрганиш.
2. Аасар қаҳрамонлари нутқини (диалоглар, коллизия, яъни рухий ҳолатлар тасвири, монологлар) ўрганиш.
3. Ёзувчи услубининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш.

Академик лицейлар ва касб-хунар колледжлари талабалари ҳар қандай аасарга хос бадиий тил хусусиятлари айнан ёзувчи маҳорати орқали намоён бўлишини бевосита аасарларни таҳлил қилиш жараёнида тушуниб олишлари учун қуидаги масалалар ўқитувчи диққат марказида туриши зарур:

1. Аасарни ўқиш жараёнида ўқувчини ҳаяжонга солган, уни таъсирантирган манзаралар, тасвиirlар, ҳолатлар ва образларни матндан аниклаб таҳлил қилиш.
2. Тасвиirlинг жозибадорлигини таъминлаган бадиий тил воситаларини белгилаш.
3. Бадиий тил имкониятлари ва тасвирий воситалардан ҳаётий ва таъсиранчан образлар, тасвиirlар яратишдаги ёзувчи маҳоратини ўрганиш.
4. Бадиий тил хусусиятлари ўрганилаётган аасарнинг бадиийлигини ҳар бир талаба ўз қалби ва тафаккуридан мустақил равишда ўтказиши, ўзича таъсиранниши ўз хулосасига келиши учун талабаларнинг эркин фикр юритишлари, мустақил таҳлил қилишлари, ўз мулоҳазаларини баён этишлари учун имкон яратиш.
5. Аасарда илгари сурилган Фоялар ҳақида ҳар бир ўқувчининг ўз тасаввури ва фикрлари бўлиши табиий, ўқитувчи шу ҳолатни эътибордан четда қолдирмай, аасар таҳлилига оид фикрлар хилма-хиллигига, хулосалар турфалига эришишга интилмоғи; ўқитувчилар дарслиқдаги ёки ўқитувчи билдирган хулосаларгагина таяниб, ўзи фикрламайдиган, ҳис-туйғуларни кечиришга лоқайд, маъновий танбалларга айланиб қолмасликлари учун уларни муңтазам фаолликка, аасар қаҳрамонлари тимсолида жонли инсонни тасаввур этишга образ кечинмаларига ҳамдардлик орқали ўзга инсонларни

хис қилиб, англашга кўмаклашиши, шу орқали ўзлигини англашга ўқувчини даъват қилиб бориш адабий таълимнинг бош вазифаларидан бири эканини унутмаслик лозим.

Шоир Усмон Носир услугига хос жозибадорлик, жўшқинлик, бадиј рангларнинг қуюклиги, нафис чизгилар бадиј тил имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиши натижасида юзага келган. “Тифлис оқшоми”, “Хайр Севан”, “Кораб” сингари каби шеърларида шоир гўзал табиат манзараларини, денгиз соҳилларини, бепоён уфқ рангларини, “сувларга туш кўйган” кенг осмонни, “мармар сув”ларни марварид донасида оппоқ томчиларни, шўх, эркин тўлқинларни ҳаяжон билан тасвирлайди. Шоир чизгилари поэтик бўёқлар воситасида гоҳ нафис, гоҳ қуюқ рангларга чўлғаниб, унинг ўй-хаёллари, хис-туйғулари билан уйғунлик ҳосил қиласди. “Кораб” шеърига эътиборни қаратсак, оқшом чоғидаги туманли тоғлар кўз ўнгимизда жонланади:

Оқшом тушди, тоғни туман босди,

Юлдуз билан тўлди денгиз ости.

Ўйнайди шамол

Ухлайди шамол...

Денгиз остининг юлдуз билан тўлишини тасаввур қила оласизми? Шоир кўкда порлаган юлдузлар аксини, юлдузлар ёғусининг денгиз сиртидаги чайқалиб товланишини “юлдуз билан тўлди денгиз ости” дея тасвирлайти; агар шамол уйғонса сокин денгиз ҳаракатга келиб, даҳшатли тус олиши мумкин, ўкириб қирғокларни ўпириб, буронга айланиши ҳеч гап эмас.

Шоир ана шундай бўрону давулларни енгиб, ҳамиша олға интилиб келаётган тоғдай буюк Корабга тикилиб, унинг тимсолида чақмок, бўронлардан тап тортмайдиган, максад сари интилевчи, ўлим, кўркув, йўқлик қўрқитолмайдиган, тилаклари қўлда байроқ мисол қадду тик, иродали, мард. Инсонни тасаввур қиласди. Ана шундай инсонлар бор экан эзгу тилаклар

“кўздаги чирок”дай, яъни қалбни ёритиб турувчи маёқ каби курашларга, улкан зафарларга олиб бориши аниқ!

Шеърнинг охирги банди қуйидагича якунланади:

“Оқшом тушган, тоғни туман босган,  
тиниқ сувда чўкиб ётар осмон...

Мен қараб қолдим,  
кенг нафас олдим.”

Агар дикқат қилсангиз шеърнинг илк бандида шоир айнан шу манзарани ўзгача тасвирилаган эди:

Оқшом тушди, тоғни туман босди...

Нима учун охирги бандда ўтган замон феъл шакли: тушган босган тарзида қўлланган, нима учун шоир бу манзарага қараб қолди ва кенг нафас олди? Бу ҳолат қандай поэтик маъноларни ифода этмоқда?

Гап шундаки, сувларни қалқитиб, олға қараб келаётган буюк Кораб бўрону чақмоқлар, қорангалик, кўз илғамас туманли тунларни ёриб, тап тортмай келаётган экан, унга оқшом чоғидаги Гира-шира тоғ туманлари ҳеч гап эмас, ахир унинг эзгу тилаклари, мақсадлари сувдай тиниқ, осмондай улкан аниқ ва ёрқин! Шу боис “сувда чўкиб ётар осмон...”. яъни унинг денгиздаги йўллари билан осмон мисол мақсадлари бирлашиб кетган. Буни хис этган шоир Корабнинг буюклигига ичдан тан бериб, ҳавас билан тикилиб қолди, шундай инсонлар борлигидан қаноат ҳосил қилиб, кенг нафас олди.

Энди шеърнинг бадиий хусусиятларига яна бир карра назар ташлайлик: ўхшатиш, (тоғдай буюк кораб), жонлантириш, (ўйнайди шамол, ухлайди шамол), кўчимлардан моҳирона фойдаланиш (юлдуз билан тўлди денгиз ости... ёки тилак байроқ, тилак кўзда чирок...). Поэтик тил воситасида образли ифодалар аниқ, лўнда, ихчам тарзда берилганлиги:

Париллаб ёнур,

Недан тап тортур.

Нафис чизгилар китобхон қалбини ҳаяжонлантиради:

Сувлар чайқалди,

Ой қалқиб қолди.

Шеър оҳангининг гоҳ сокин, гоҳ шиддатли тарзда ўзгариб туриши дengизнинг ҳолатини ёрқин ифода этишга мослаштирилган. Манзара тасвиридан образга кўчиш, образдан унинг ички ҳаракат-ҳолатига ўтишда ранг рамзлардан, образ-рамздан санъаткорона фойдаланилган.

Усмон Носирнинг “Кораб” шеъри бадиий баркамоллиги жиҳатидан бугунги кун китобхонлари қалбига ҳам илиқ туйғуларни жойлаяпти. Миллий истиқтол даврида халқимиз бир тан, бир жон бўлиб юрт тинчлиги, эл фарованлиги, Ватан равнақи йўлида курашишдай улкан мақсад билан ҳаракат қилса, сиз каби ёшлар тоғдай буюк Кораб сингари ҳаёт синовларига чидамли, мард, иродали Инсон бўлиб вояга етсангиз ислоҳатлар даврининг барча муаммолари ўз ечимини топади. Энг муҳими эзгу тилаклар шоир айтганидай париллаб ёнсин, қўлда компас мисол маёққа айлансин, шунда ҳеч шубҳасиз “Бўйсунар зафар!”

Академик лицейларнинг II босқичи учун адабий таълим дастуридан ўрин олган Чўлпоннинг 1923 йилда ёзилган “Хазон” шеърида ўрта Осиё, хусусан Туркистоннинг руслар томонидан босиб олиниши оқибатида ўлкани талаш, халқни мустамлака истибодига солиш, билан боғлик аччик ҳаёт ҳақиқати лирик кечинмалар, манзаралар орқали тасвирланган. Шоир поэтик бўёқлар воситасида куз тасвирини чизади.

«Куз чоғи тупроқлар гезариб қолдилар» мисраси кутилмаганда бошига фалокатлар ёғилган замин ҳолатини қўз ўнгимизда жонлантиради: Гезарган тупроқлар, қизариб ёнган япроқлар, боғларда қоғлашиб қолган қарғалар, кимларнингдир узилган умидлари, “бир чангол солишда” узилган қисматлар бир-бир кўз олдимиздан ўтади. Бу манзарани шунчаки кузатиш мумкин эмас!

Эй совуқ эллардан муз кийиб

келғонлар,  
У қўпол тушингиз қорларда йўқ  
бўлсин!  
Эй, менинг боғимдан мевамни  
терғонлар,  
У қора бошингиз ерларга кўмилсин! –

дека хайқиради шоир қалблари ҳам муз, истаклари ҳам муздай “муз кийиб келғонлар”га қарата. Шу тариқа ранг-рамздан образ-рамзга кўчиш юз беради. Иссик жонларни музлатгувчи совук истак ва тилаклар ёндириган япроқлар қизилга бўялди, сулим боғлардаги меваларга чанг солинди, элнинг ризқи тортиб олинди, эрки бўғилди.

Билмадим, кимларнинг умиди  
йўқ бўлур,  
Сўнг дамда япроқдар қизариб  
ёндила?

Риторик сўров, мурожаат орқали мисра такори янги маъноларни ифода этади, яъни бу ҳолга дараҳт-миллат, япроқлар – шу миллатнинг ўғил-қизлари “қизориб ёндила”- маъюс кўниб, қўяқолмадилар, балки қизориб ёндила-исён қилдилар, хўрликларга қарши қизариб ёндила, энди “кимларнингдир” умиди йўқ бўлур, қисмати узилур, у “қора бошлар”и ерларга кўмилур! Босқинчиларни тутиб турган замин ҳам бир тебраниб қўйди, куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар. Ўзига ҳос ўхшатишлар, рамзлар бадиий сўзнинг кўпоҳанглилик хусусиятидан санъаткорона фойдаланиш, образлилик шеърнинг бадиий фазилатлариидир. Шеър сарлавҳасиёқ Чўлпоннинг хазон бўлган ўлка қисмати ҳақидаги ўй кечинмаларини ифода этади. Аммо, шеърни

ўқиб бўлгач, бу кечинмалар шунчаки фарёд, оху нолалардан иборат бўлмай, ёмон ниятлар билан ўзгалар ерига оёқ босган босқинчиларнинг истаклари хазон янглиғ оппоқ қорлар билан ерларга кўмилишга ишонч билдираётган шоир эътиқоднинг кичик парчаси эканлигини англаб етамиз. Чўлпон сингари юрт озодлиги, миллат эркини интиқиб кутган, орзу қилган қатағонлар даври қурбонларининг тилаклари биз яшаётган даврда амалга ошиди. Шу сабабли миллий мустақилликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлаш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини яна бир карра ҳис этамиз.

Демак, шеър таҳлили давомида унинг бадиий ўзига хослигини ёркин намоён қилувчи образли тил хусусиятларига талабалар эътибори қаратилади.

1. Матнни ифодали ўқиши.
  2. Шеър мазмунини ифода қилувчи поэтик Гояни ёритиши.
  3. Матн асосида унинг бадиий хусусиятларини аниклашга эришилади.

# **ШЕЪР ВАЗНИНИ ВА БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ**

Академик лицейларнинг таълим йўналишига кўра бадиий-эстетик қонуниятларни адабий таҳлил жараёнида ўрганишга эътибор қаратилади. Қандай ҳолда ҳам бадиий таҳлил усулларидан кўпроқ фойдаланиш яхши самара беради. Бадиий асардаги асосий унсур ва воситалар, ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида чуқур тушунчага эга бўлган ҳолдагина ўқувчилар адабий таҳлилга киришсалар кўзланган натижага эришилади. Академик лицейлар учун тузилган адабиётдан ўқув дастурида<sup>3</sup> алоҳида назарий тушунчаларни ўрганиш ва ўзлаштириш учун маҳсус соатлар ажратилмаган. Аммо, қатор

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. Ўрта маҳсус, касб-□ унар таълими Маркази Академик лицейлар учун ўқув дастури. Тошкент., 2000.

Тузувчилар: проф. Б. Тұхлиев  
проф. Б. Саримсоков.

назарий билимларни бевосита белгиланган мавзулар ичида, ижодкорлар яратган асарлар хусусиятига уйГунликда ёритиш талаби маҳсус изоҳларсиз англашилиб турибди. Хусусан, ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш таълимнинг I ва II босқичларида амалга оширилади, шу даврлар адабий таълимида классик шеърий жанрлар, бадиий санъатлар ҳақидаги ўзлаштирилган билимларни эслашга, янада чуқурлаштиришга эҳтиёжнинг катталиги ўз-ўзидан тушунарли. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср боши ўзбек адабиёти намоёндалари ижодини ўрганишда сатира ва ҳажвиёт ҳақидаги ўқувчиларнинг назарий билимлари янади тўлдирилиши лозим. “Қаҳатчилик” (Завқий) достони таҳлили жараёнида бу давр адабиётига хос ўзбек халқ оғзаки ижоди анъаналарининг давом эттирилиши, достонларнинг мазмун кўламидаги ўзгаришлар, ҳажвий ё сатирик унсурларнинг давр воқелигини ҳаққоний тасвирлашдаги аҳамияти ҳақида ўқитувчи маҳсус тўхталиб ўтиши жоиз. XX аср адабиёти ва унинг ўзига хос усусиятларини ўрганишда ҳам реалистик прозанинг шаклланиш босқичлари, ўзбек тарихий романларининг яратилиши, бу давр қисса ва ҳикоячилигининг жанрий хусусичтлари ҳақидаги назарий тушунчаларни ўқитувчи янада чуқурлаштириш учун роман жанри ҳамда унинг талаблари, романларнинг ҳаётий материал характеристири ва ҳажмига кўра турлари тўғрисида назарий тушунчалар бериб ўтиш лозим. Романга хос эпик тафаккурнинг шеърий тафаккур тарзидан фарқи нимада?

Шеърий тафаккур ҳам, эпик тафаккур ҳам муайян асар композициясига сингдирилган салмоқли, кўламли бадиий фикр тарзидир. Улар узоқ асрлар давомида, ижодий жараён тараққиётига уйГун ҳолда ривожланиб, сўз санъаткорлари томонидан ранг-баранг шакл ва мазмун тавланишларини, маъно кўламини ҳосил қилиб, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос тафаккур тарзи сифатида намоён бўлиб келмоқда. Поэтик ёки эпик тафаккурнинг бетакрорлиги, салмоғи ижодкор томонидан яратилган Ғоянинг аниқлиги, (инсон концепциясининг) ҳаққонийлиги, таъсирчанлигига, образларнинг ва барча бадиий воситаларнинг композицион яхлитликда жойланиш

мутаносибилигига, тасвир меъёрига боғлиқ тарзда кўзга ташланади. ҳар қандай асарнинг бош Гоя ифодаланган нуқтаси композицион марказ дейилади. Эпик ё поэтик асарларда лирик талқин қахрамон рухиятига йўналтирилади. Бошқа барча композицион бўлаклар шу марказ атрофида уюшиб, етакчи Фояни ёрқин ифодалашга хизмат қиласди. Академик лицейлар талабалари асар қурилишини шу тарзда тўла тасаввур этган ҳолда ўрганиб, таҳлил қилсалар, аниқ ва тўғри хулоса чиқаришга эришадилар. Адабиёт дастуридан жой олган ижодкорлар яратган асарлар таҳлили давомида шоир қўллаган шеърий санъатлар ҳақидаги назарий билимлар ўрни билан тўлдириб борилади. Чунончи: тажнис – шаклдош сўзларнинг маъновий хилма-хиллигига асосланиши, айниқса, туюқ жанрида бу санъат тури тўла намоён бўлиши эслатилиши лозим. Ҳозирги замон ўзбек шеъриятида ҳам тажнис санъати кенг қўлланилишига А.Орипов, Э.Воҳидов ижодидан ҳам талайгина мисоллар келтириш мумкин:

“Жуда ажойибdir инсон удуми,

У сувни жуда ҳам, жуда ҳам суяр.

Дейлик, бирор жойда ниҳол кўрдими,

Албатта тагига сув қуяр...

Инсон сувдан яна қандай завқ туяр?

Бекор қолганида, баъзида, секин

Бир-бирин тагига сув қуяр”

(А.Орипов)

**ТААЖЖУБ САНЪАТИ.** Шоир бирор нарса ёки ҳолатдан хайратга тушади ва ўз таажжубини таъкид йўсинида ифода этади. Ойбекнинг “Пушкин” номли шеърини ёки Усмон Азимнинг “Дераза ҳақида баллада”, “Хиёнат” шеърларини мустақил ўқиб чиқсангиз ана шу шеърий санъат

воситасида шоирлар ҳаёт ҳақиқатидан нечөГли таажжубга тушиб унинг мохиятини ёритишга, ҳукм-хулосалардан яна ҳайрону лол қолганликларига ишонч ҳосил қиласиз. Мана, эътиборни қаратинг-чи:

“Хиёнатнинг юзи чиройли,  
Лабларида майин табассум,  
Сўзлари ҳам самимий –  
Айни  
Садоқатдай камтар, камсуқум.  
ўларимда  
Келар хиёнат,  
Мехр каби қийнар ўзини.  
Хўрсинганча –  
Дўстдай беминнат –  
Юмиб қўяр очиқ кўзимни”.  
(Усмон Азим)

**ТАШХИС САНЬАТИ** – жонлантириш усулидир. Шоир жонсиз табиатга гўё тил ва дил бағишлайди, инсонга хос хусусиятларни нарсаларга кўчиради, таъсирчанликка эришади, натижада сувлар йиғлаган каби “инграйлар” (Чўлпон), “Кўк билан сўзлашар кўчалар” (Э.Воҳидов), “Ҳансираган афтоб”, “Увиллаган шамол” (И.Отамуродов), “Кўзимга йиқилди қоп-қора булут” (У.Азимов), “Ой секин орқамдан юрар изма-из” (Ойбек).

**НИДО САНЬАТИ** – Шоир жунбушга тушган туйғуларини ифодалашда нидо, хитобга (тез-тез такрорланувчи ундалмалар, оҳанг воситасида) мурожаат қиласи. Э. Воҳидов “Бонг уринг” шеърида поэтик фикрни ҳаяжонли нидога қориштириб хитоб тарзида ифода этган:

“Шошилинг,  
Қидиринг тез нажот.  
Жон қўйсин,

Қалб ёнсин,  
Сиз ёнинг  
То ёниб кетмасин  
бу хаёт”.

Шоир Усмон Азим эса қуидагича хитоб қилади:

“Сиз – қимматбаҳосиз,  
Мен – арzon, арzon.  
Сизга балки фақат юрагим арзир.  
Сиздан сўрамайман ҳаққига осмон  
Фақат осмон каби юксалинг, ахир!”.

**САВОЛУ-ЖАВОБ** – шеъриятдаги энг нозик санъат турларидан бири ҳисобланади. Бу усул ёрдамида шоир шеърга эҳтирос, табиийлик, жонлилик бағишлади. Шоир Э.Воҳидовнинг “Қумирсқалар жанги”, Абдулҳамид Чўлпоннинг “Бузилган ўлкага” шеърларини ўқиб чиқсангиз айнан шу санъат туридан шоирлар маҳорат билан фойдаланганини кузатишингиз мумкин. Абдулла Орипов ҳам “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” шеърида ана шу усулни санъаткорона қўлланганлигининг гувоҳи бўласиз.

**ТАЛМЕХ** санъатидан шоир бирор тарихий воқеа – ҳодиса, ҳайротомуз афсона ёки ривоятга ишора қилиб, унинг замиридаги яширин маъноларни янги қирраларини очиб беришда фойдаланади. Масалан, Э.Воҳидов “Рухлар исёни”, “Кўхинор” достонларида “Ўзбегим” номли шеърида ана шу санъат турини маҳорат билан қўллаган.

“Йиғлади Фурқатда Фурқат,  
ҳам муқимлиқда Муқимий,  
Нолишингдан ҳиндуда Ағғон  
Қилди ағғон Ўзбегим”.

Шеърий санъатлар – бадиийликнинг муҳим ва таъсирчан воситалари, усуллари ҳисобланади. Улар сўзининг маъно сиғимини оширишга, қирраларини ялтиратишга, ифодани жўшқинлаштиришга хизмат қиладилар. Маълум бўлдики, шоир лирик ифоданинг таъсирчанлигини таъминлашда бир қатор шеърий санъатларидан алоҳида ҳолда ёки бир нечтасидан фойдаланиб, эҳтирослиликка эришади.

Ўқувчидан лирик асарни тушуниб ўқиши талаб қилинар экан, аввало ўқувчига лирик шеъриятга хос энг асосий хусусиятлар ҳақида назарий билим бериш лозим. Агар боладан бадиий асарда тасвирланган асосий воқеани аниқлай олиш ва воқеалар ичидаги қаҳрамонлар муносабатини белгилай билиши талаб қилинса, унга 5-синф ўқув материаллари асосида насрый асарларга хос нутқ қурилиши, сюжет ва композиция унсурларининг бадиий хусусиятлари билан вазифаси ҳақида билим бериш жоиз. Айтмоқчимизки, 5-синфдан бошлаб ўқувчида шакллантирилиши лозим бўлган назарий тушунчалар маълум тартиб, меъёр ва изчилликда бериб борилиши зарур. Бунда ўқувчи унга дастурнинг уқдириш хатида айтиб ўтилган имкониятдан фойдаланиб, масалани ижодий тарзда ҳал этмоғи лозим, деб ўйлаймиз. 5-синф ўқувчиси лирик шеъриятга хос шеърий композиция ҳақида бадиий тасвир воситалари тўғрисида илк назарий маълумотларни ўзлаштирган бўлсагина дастурда белгиланган ва дарслиқда берилган Усмон Носирнинг "Юр, тоғларга чиқайлик", "Юрганмисан бирга ой билан", "Гулзор - чаман...", Миртемирнинг "Балиқ ови", "Булут", "Тўрғай" сингари шеърларининг жозибасини ҳис қиласи, шоирлар яратган она юрт табиатининг тенгсиз гўзал тасвирини, гўзаллик туйғусининг бадиий ифодасини тушуна оладилар. Шоир Азим Суюннинг «Баҳодирсиз келар арғумоқ» шеърида фожиали манзара тасвирланганлигини ёш олима У.Марасулова «Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари» номли методик қўлланмасида чуқур таҳлил қилган. Дарҳақиқат, шоир тасвирлаётган манзара фожиали. Сабаби, баҳодирсиз келар арғумоқ. Эътибор қаратилса, шоир борлиқнинг бир дафъада ҳаракатсиз, дардли

ҳолатга тушганини, ҳатто латиф шабада ҳам тиниб, тоғлар беҳол, чашмалар бемажол ҳолда қолганини мажозий ва ҳаётий маъноларни ифодалашга йўналтирган: агар эл-юрт ўз баҳодирларидан айрилиб қолса, Ғаним билан юзма-юз, мардларча олишиб, халқ шаънини ҳимоя қила оладиган ўғлонлари қолмаса, бу заминнинг мангу мотам либосига ўралиши тайин, бу юртнинг ўзгалар томонидан топталиши аниқ. Шу боис:

Тоғлар боқар Ғамгин, тунд, беҳол,  
Оқ наъматак тебранмас хушҳол,  
Бемажолдир чашмаи зилол,  
Баҳодирсиз келар арғумоқ.

Мисралар охиридаги бошини, ёшини, қуёшини, беҳол, хушҳол, зилол сўзлари ўзаро қофияланиб, маъно қирраларининг «ярқ» этиб товланишига, китобхонга эстетик таъсир кўрсатишга хизмат қилган, яхлит ҳолда эса шеърий нутқ услуби Ғоя кўламига мос оҳангдор зарблар воситасида инсоний дардни, тасвирланаётган манзара даҳшатини ҳис қилдиради, китобхон қалбига юқади. Хўш, зарб нима? Зарб - бу ҳаётда мавжуд ҳодиса. Дейлик, мушт тушиши - зарбни ҳосил қилади. Зарб бир марта содир бўлса, шеърдаги зарб - ритм такрорийлик туфайли юз беради. Оҳанг зарбларининг бир текисда қайтарилишидан шеърий ритм ҳосил бўлади. Натижада, шеърий асарда зарб айрим сўзларга, мисраларга ёки бандларга тушади, шу мисра маъносини ёйиброк ифодалашга, ёхуд алоҳида зарб билан таъкидлашга хизмат қилади, мантиқан кучли зарбни ҳосил қилади:

- ритмик зарб - оҳангнинг муҳим унсури ва у шеърий нутқ ҳаракатини таъминлайди;
- ритмик зарб- кучли ҳис-туйғу ва кўтаринкиликини шеър вазни ва ритмига мувофиқлаштирувчи восита ҳисобланади;
- ритмик зарб воситасида мантиқий урғу ифодаланади, оҳангдорлик юзага чиқади. Ритмик зарбни эса қофия, банд, бўғин, туроқ, вазн сингари унсурлар юзага келтиради.

Шеърда ҳар қандай образлар Ғоя ва ритм билан ўзаро ягона яхлитликни

ташкил этади ва тимсолнинг бадий образ сифатида идрок этилишида рамзий-мажозий қирраларини очилишида ритмик ҳаракат асосий унсур бўлиб, образ тимсолидаги Фоянинг ифодаси бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, Азим Суюн, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи сингари шоирлар ижодидан намуналар ўрганиш чоғида турли характердаги нотекис ҳаракатли ритм ҳақида назарий тушунча бериш ва бундай шеърларнинг пайдо бўлиш омилларини айтиб ўтиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- айрим шеърий санъатлар воситасида шоирлар ўткир, зиддиятли, фалсафий маъноларни акс эттиришни бош мақсад қилиб белгилаганликлари;
- давр ва замондаги кучли драматик ҳолатнинг шеъриятга олиб кирилганлиги ҳамда замон воқеаларининг ўта кескин, шиддатли, нотекис ривожланиш ҳолати шеърга кўчирилганлиги;
- шеърларда бадий «мен» кечинмаларнинг қаҳрамон руҳий-маънавий оламида ўзгариш ясашга қаратилганлиги;
- анъанавий бадий образ тимсолларнинг кашф этилмаган қирраларининг зарблар воситасида очилганлиги сабабли;
- бир лирик матнда маъно ва мазмун доирасининг турфа жилолантиришга интилиш туфайли нотекс ҳаракатли ритм ўзбек шеъриятида юзага келган.<sup>4</sup>

Шоир Азим Суюннинг «Дарада» шеърига хос нутқий оҳанг табиатини ўрганишда, шубҳасиз ана шу назарий билимларга таянилади. Бу шеърнинг нутқий оҳангиги табиатнинг сирли-сехри манзарасини китобхон кўз ўнгидаги жонлантиришга йўналтирилганлиги матнни ўқиш орқали англашилади. Шоир тонг манзарасини кузатар экан, анъанавий тимсоллар: тун, бургут, қоя, туман, қуёш, осмон қиёсида янги маъноларни кашф этишга эришади, баҳорий уйғониш аломатлари орқали образнинг кашф этилмаган қирраларига диққатимизни қаратади:

Кўринмас оловдан эриб борар тун,

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: Ражабов Д. «Бадий образ ва ритмнинг □ заромуносабати» (70-80 йиллар □ збекшеърияти мисолида), номли илмий тадқиқот иши автореферати. 1998 йил.

Бургутлар қояда потирлашмоқда.

Она қорнидаги гўдакдай **бейн**

Туман Ғимирламоқда...

Кумуш чўққилардан оҳиста **ошиб**,

Куёш сим-сим қўшиқ қуйлаб келмокда.

Осмон қозонида сут каби **тошиб**,

Туман тарқалмоқда.

Шеър бармоқ вазнида ёзилган бўлиб, ажратиб кўрсатилган сўзлар ўзаро қофиядошликни ҳосил қилган. қофия – арабча сўздан олинган бўлиб, тузилиш деган маънони билдиради. У шеър мисраларини боғлайдиган оҳангдош сўзлар бирикмаси. Қофия барча шеър мисраларини жипслаштириб, ҳамоҳангликни таъминлайди, шеър унсурларини бошқаришга хизмат қиласи. Шеър мисраларида қофиядан сўнг айнан такрорланиб келадиган сўз ё сўзлар бирикмаси радиф дейилади. Қофия радифли бўлганда радиф у билан мазмунан алоқадор бўлади. Азим Суюннинг «Дарада» шеърида қофиядош сўзлар бор, аммо радиф кўлланмаган. У классик Ғазал ва мухаммасларда кенг қўлланилади. Турли мисраларда сўз ёки сўзлар бирикмасининг айнан такрорланиши – радифдан XX аср ўзбек шеъриятида Ҳамза, Ҳ.Олимжон, Ойбек, Миртемир сингари шоирлар кенг фойдаланганлар.

Банд - шеърнинг алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган ритмик бўлаги. Банд - қофия ва оҳанг бирикувидан юзага келиб, тугал фикр ё хиссиётни ифодалайди. Фикр ва туйғу банддан бандга кўчади, мантиқан ўзаро боғланишни ҳосил қиласи. Демак, шоир ритм, вазн, қофия ва бандлар воситасида бадиий фикрни ифода қиласи. Хўш, «Дарада» шеърида қандай поэтик Ғоя ёритилган? Шеърнинг биринчи мисрасидаги «кўринмас олов» ташбеҳини изоҳланг. Уйқу нега «қудратли паҳловон»га ўхшатилган? Қуёш куйлаётган сим-сим қўшиқ нима деб ўйлайсиз? Туманнинг «қимирилаши», «кўтарилиши» ва «тарқалиши» қандай маъноларни ифода этади? Ана шундай

таҳлилга йўлловчи саволлардан сўнг ўқувчилар лирик турга мансуб асарларда шахснинг ички туйғулари, ҳиссиёти, руҳий кечинмалари асосий ўринда бўлиши ҳақида тушунчага эга бўладилар. Энди лирик адабий турга хос умумий тушунчалардан табиат лирикасига мансуб асарларга хос хусусиятларни ўрганишга ўтиб, бундай асарларда инсоннинг табиат гўзалиги таъсирида уйғонган ҳиссиёти ифодаси етакчилик қилишини тушуниб оладилар. Бундай асарларда табиат тасвири нечоғлик кенг қамраб олинмасин, у ҳамиша тасвир марказидаги қаҳрамон (ёки шоир) руҳиятини очиш воситаси бўлиб қолади. Чунки, бадиий ижод талабига кўра табиат тасвири воситасида ифодаланган руҳий ҳолат инсон маънавиятининг янги бир жиҳатини намоён қилгандагина эстетик қиммат касб этади. Шу жиҳатдан 7-синфда Шавкат Раҳмоннинг «Ой синиғи», «ҳамал» шеърларини ўрганиш мумкин. Адабий таҳлил жараёнида эса зарур назарий тушунчаларни шакллантиришга қуидаги тартибда эришишни лойихалаштириш лозим:

### III. Раҳмон ижоди ҳақида умумий тушунча бериш.

Шоир услугига хос хусусиятларни «Тунги манзара», «Ой синиғи», «ҳамал» шеърлари таҳлили жараёнида белгилашга эришиш.

Табиат тасвири орқали инсон шахсини тадқиқ этишда шоир қандай эстетик мақсадни кўзлаганлигини таҳлил орқали ёритиши.

Ўқувчиларга шуни алоҳида уқдириш лозимки, ҳақиқий истеъдод эгаси табиат тасвири орқали инсон шахсини бадиий тадқиқ этади. Шунинг учун ҳам сувлоқда чанқоғи қондирилган «отлар», севинчдан йиғлаётган қиёқлар, овозини қайраётган чигиртка ва бош кўтармай меҳнат қилаётгани билан дунёни масхаралаётгандай тасаввур уйғотувчи чумоли тимсоллари аслида инсоннинг тушунтириб бериш қийин бўлган ҳолатлари, руҳий-маънавий дунёси манзараларини тасвирлаш воситаларидир. Табиатнинг сирли-сехрли, ғоят гўзал кўринишларини жонлантириш орқали шоирлар инсон дунёсининг ҳам сирли кўринишларини, ҳолатларини ёритиши имконига эга бўладилар. Таҳлилга йўналтирувчи саволлар воситасида ўқитувчи табиат тасвири орқали шоир инсон шахсини тадқиқ қилиб, баҳор унинг руҳиятида

ҳам ўзгаришлар ясаганига, ҳисларнинг уйғониб, кенгликлар ахтараётганига, тунлардан ҳам кунлардан ҳам баҳор нафасини туйиб, эзгу тилаклар ила ҳаётга самимий назар ташлаётганлигига ишора қилмоқда. Зоро, табиатга хос табиий гўзаллик инсон маънавиятига кириб борса, «мўъжизалар содир бўлади», инсон қалби ҳам, орзу-тилаклари, туйғулари ҳам оқликка йўғрилади!

## ШЕЪРИЙ АСАР ВАЗНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Атоқли сўз устаси Абдулла Қаҳҳор «Поэзия юксак санъатдир» номли мақоласида шеърга шундай таъриф берган: «Шеър – фикр абстракти бўлиши жиҳатидан ҳикмат; кўнгилга йўл топиши, ундан ўзига ҳамоҳанг садо чиқариши жиҳатидан мусиқа»<sup>1</sup>.

Адиб ва олим Абдурауф Фитрат 1926 йилда яратган «Адабиёт қоидалари» номли ўқув қўлланмасида ўзбек шеърияти поэтикаси масалаларини «Шеър», «Бармоқ вазни», «Аруз, аruz усуллари», «Арузнинг бизнинг тилга ярамоғанлиги», «Қофия», «Форс, араб арузида тизим шакллари» сарлавҳалари остида шарҳлаган. «Услубнинг хусусий ҳоллари» бобида эса сифатлаш, ўхшатиш, истиора, киноя, мажоз, жонлантириш, сўраш, муболаға, ундаш, қаршулик, қайтиш, сўз ўйинлари ва бошқалар

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Асарлар. (6 томлик) 6-том. –Т.: 1971. 253-бет.

ҳақида маълумотлар берган. Олим 1936 йилда эълон қилингандеги «Аруз ҳақида» номли қўлланмасида эса аруз поэтикасини кенгроқ ва чуқурроқ тадқиқ этган.

Ўзбек шеърияти поэтикаси масалаларини ёритишида Иззат Султоннинг 1939 йилда чоп қилингандеги «Адабиёт назарияси» дарслиги ўша давр адабиётшунослигининг жиддий ютуқларидан бири эди.

XX асрнинг 70-80-йилларида олим бу дарсликни (1980 йилда) қайта ишлаб, тўлдириб, нашр қилдирди. Айни пайтда, А.Зуннуновнинг Н.ҳотамов билан ҳамкорликда яратган «Адабиёт назариясидан қўлланма»си (1978 йилда) чоп этилди. Муаллифлар қўлланмада шеър тузилиши мезонларини ёритиб берганлар; бадиий асар тили масалаларини ҳам шарҳлаганлар.

Истиқлол даврида педагогика фанлари доктори, профессор Т.Бобоевнинг «Шеър илми таълими» (Ўзбек шеърияти поэтикасидан сабоқлар) номли ўқув қўлланмаси<sup>1</sup>; У. Тўйчиевнинг «Ўзбек шеър системалари», Д.Куроновнинг «Адабиётшунослик асослари» каби ўқув қўлланмалари; Д.Ражабовнинг «Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати» масаласини тадқиқ этувчи илмий тадқиқоти яратилди.

Шеърий асар вазнини таҳлил қилишда шеър тузилиши мезонларини эътиборга олиш муҳим масала ҳисобланади. Яхши биламизки, шеър тузилиши – шеърий нутқ мусиқийлиги ва ритмини уюштирувчи усул, адабий-бадиий восита. Шеърий нутқ насрый нутқдан шеър тузилиши қоидаларига амал қилиниб яратилганлиги билан фарқланади. Шеър тўқимасида бир қатор унсурлар: мавзу, Фоя, нақорот, банд, ритм, вазн, қофия, интонация, пауза, урғу, поэтик фигуralар, фонетик усуслар, бадиий санъатлар, образ, сюжет, композиция, конфликт, бадиий тил унсурлари ва бошқаларнинг муайян бир тизимга уюшвидан шеър пайдо бўлади. Шеър тузилишида иштирок этувчи унсурларни профессор Т.Бобоев шартли равишда икки гуруҳга ажратиб ўрганишни тавсия қилган: Фоя, мавзу, образ, сюжет кабиларни мазмунга оид унсурлар; мусиқийлик, ритм, вазн, қофия,

<sup>1</sup> Т.Бобоев. Шеър илми таълими. –Т.: Үқитувчи. 1996й. (Мазкур мавзуни ёритишида ана шу қўлланмага таянилди).

банд, конфликт, композиция, бадий тил сингариларни шаклга оид унсурлар сифатида ўрганиш мумкин. Бироқ шеър тўқимасидаги барча унсурлар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Шеърда мазмун ва шакл яхлит ҳолда воқе бўлади.

Шеършунос олим У Тўйчиев ўз тадқиқотларида ўзбек шеърияти беш шеър тизими асосида яратилганлигини таъкидлайди<sup>2</sup>. Булар – бармоқ тизими, аruz тизими, бўғин-урғу тизими, миқдор-урғу тизими ва қоришиқ тизим. Шулардан фақат иккитаси: бармоқ ва аruz тизимлари ўзбек шеър тузилишининг асосини ташкил қиласи. Шеърда мусиқийликни вужудга келтирувчи бир қанча унсурлардан асосийлари қуидагилар: а) ритм (зарб), вазн, қофия, банд. б) интонация, поэтик синтаксис, шеър санъатларини ёрдамчи унсурлар дейиш мумкин.

Ритм шеър мисраларидаги бир-бирига teng нутқ бўлакларининг бир текисда изчил такрорланиб келишидан пайдо бўладиган оҳангдошлиқ (зарб). Бу оҳангдошлиқни шеър ўқилаётган пайтдагина ҳис қила оламиз. Ритм шеър мусиқийлигини таъминлайди. Шу сабабли ритмсиз шеърни тасаввур қилиб бўлмайди. Шеър «ритми» атамаси амалда «зарб» ҳам деб юритилади.

Шеър ритми, одатда, вазн, бўғин, турок, туркум, пауза, банд, қофия, интонация, поэтик фигуралар, поэтик фонетика, шеър санъатлари билан узвий боғлиқ бўлади. Бармоқ вазнидаги шеърда зарб мисралардаги бўғинларнинг миқдор жиҳатидан муайян такоридан, турокларнинг миқдори ва тартибидан, бандларнинг бир хилда такрорланишидан, қофия, радиф, рефрен, нақоратлардан келиб чиқади. Аruz вазнидаги шеърда эса ритм мисралардаги хижоларнинг миқдори ва сифати («-», «V»), шунингдек, руқнларнинг миқдори ва тартиби бир текисда такрорланишидан, вазндан, банд тартибидан, қофия, радиф ва бошқалардан юзага келади.

Бўғин мумтоз шеъриятимизда хижо деб юритилган; арузда ёзилган шеърда қисқа ва чўзиқ хижолар тартибидан ташкил топади.

Бармоқ тизимида бўғинлар турокларни, туроклар туркумни, туркум

---

<sup>2</sup> У.Т. йчиевЎзбек шеър системалари. –Т.: Фан. 1981й.

вазнни, вазн ритмни, ритм мусиқийликни, мусиқийлик поэтик Ғояни вужудга келтиради. Шеър унсурлари бир-бири билан узвий бөғлиқликда, бир-бири билан мустаҳкам алоқага киришгандагина ўз вазифасини ўтай олади.

**ТУРОҚ.** Бармоқ тизимида бўғинларнинг муайян гурухларга ажралиши оқибатида пайдо бўладиган ритмик бўлак туроқ деб юритилади. Ўз вазифасига кўра бармоқдаги туроқ (стопа) аruzдаги рукнга яқин туради. Туроқлар шеърда туркумни вужудга келтиради. Юзакироқ қараганда, туроқ ва туркум бир-бирига ўхшаб кетади, аммо улар айнан бир унсур эмас. Агар мисрадаги бўғинларнинг гурухланишидан туроқлар пайдо бўлса, мисра ёхуд байтда туроқларнинг миқдори ва уюшув тартибидан туркум яратилади.

Мисол:

6	5
қах – ра – мон	бў – либ қайт, / қу – чоқ о – чай мен, / қ 11
6	5
A – зиз	бош – ги – нанг – дан/ гул – лар со – чай мен,/қ 11

(Миртемир)

Демак, ҳар бир мисрада ўн биттадан бўғин бўлиб, улар иккитадан гурухга ажралади: биринчи гуруҳ 6 бўғин ва иккинчи гуруҳ 5 бўғиндан таркиб топган. Булар туроқлардир. Мисралардаги туроқларнинг миқдори (иккита) ва уюшув тартиби ( $6+5=11$ ) – туркумдир. Шеър ўн бирлик туркумда ёзилган.

Бармоқ вазnidаги шеър туроқлари бўғинларнинг миқдорига, аruzдаги шеър рукнлари эса ҳижоларнинг ҳам миқдорига, ҳам сифатига қараб фарқланади. ҳозирги ўзбек шеъриятида (бармоқда) бир бўғиндан тортиб саккиз ва ҳатто ундан ортиқ бўғиндан таркиб топган туроқлар учрайди.

**ВАЗН.** Вазн шеърий нутқни насрый нутқдан ажратиб турувчи асосий унсурлардан ҳисобланади. Одатда, бир туркумдаги шеър мисралари, байтлари ва бандларида туроқлар ва бош туроқларнинг муайян қонуният асосида ишлатилишидан келиб чиқадиган ритмик ҳодиса – оҳанг вазн деб

юритилади<sup>1</sup>. Шу важдан, юқорида таъкидланганидек, бўғинларнинг (чунончи, тўққиз бўғинли мисра тўққизлик туркум деб юритилса), туркумдаги туроқлар ва бош туроқларнинг сони вазнни, уларнинг жойлашиш тартиби ритмни вужудга келтиради. Масалан:

6                    5

Сенга мафтун бўлиб, / севиб қолганим, // =11

6                    5

Ишқинг оловида / ўртанганим рост // = 11

6                    5

Сенинг ёдинг билан / нафас олганим, // = 11

6                    5

Исминг такрорлашга / ўрганганим рост // = 11

(Зулфия)

Мисолимиз бир туркум – ўн бирлик туркумда ёзилган шеърдан олинган.

Шеър мусиқийлигини вужудга келтиришда ритм қанчалик ҳал қилувчи роль ўйнаса, вазн эса ритмни яратишда шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Вазн, ритм, банд каби унсурлар билан узвийлиқда ўз вазифасини ўтайди.

Турли шеър тизимларида вазн турлари турли йўллар билан пайдо бўлади: бармоқ тизимида кўпинча шеърнинг биринчи мисрасидаги бўғинларнинг миқдори, туроқларнинг сони ва жойлашиши бошқа мисраларда ҳам муайян тартибда такрорланиб келишидан вазн ҳосил бўлса, аруз тизимида шеърнинг биринчи мисрасидаги ҳижоларнинг миқдори ва сифати, руқнларнинг сони ва тартибининг бошқа мисраларда айнан такрорланишидан вазн пайдо бўлади.

**СОДДА ВАЗН.** Бу вазнда ёзилган шеърдаги мисралар бўғинларнинг умумий миқдори жиҳатидан бир-бирига teng бўлади. Содда вазн туроқланиш тартибидан қатъи назар, бир туркум доирасидан четга чиқмайди. Муайян бир

---

<sup>1</sup> Қаранг: Иzzat Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1980, 307-бет; Тўйчиев У.Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. –Т.: Фан нашриёти, 1966, 65-бет.

туркумгагина асосланган туроқлар тартиби содда вазн деб юритилади.

4

5

Чиройлидир / гўё ёш келин, // = 9 бўғин

4

5

Икки дарё / ювар кокилин // = 9 бўғин

(Ҳамид Олимжон)

**ҚЎШМА ВАЗН.** Шеър икки туркумда ёзилган бўлса, унинг бир мисраси бўғинлари сони бир хил ва бошқа мисрасидаги бўғинлар сони бошқа хил бўлади; улар муайян қонуният (тартиб) асосида бутун шеър давомида такрорланиб туради. Шеър тузилишининг бу усули қўшма вазни вужудга келтиради.

Масалан:

Боқмам ерлик наволарга, = 8

Билмам, қачон қайтаман. = 7

Мен дардимни ҳаволарга, = 8

Шамолларга айтаман. = 7

(Рауф Парфи)

**МУРАККАБ ВАЗН.** Шеър уч ва ундан ортиқ туркумда ёзилган бўлиши мумкин, бундан қўшма вазннинг мураккаб тури пайдо бўлади. Агар қўшма вазндаги икки туркумнинг тартибли такоридан ҳосил бўлса, мураккаб вазндаги шеър эса уч ва ундан ортиқ туркумлар заминига таянадиган туроқлар тартиби асосида яратилади. Шоир Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» лирик достони, шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, саккиз вазнда ёзилган. Бу асар - мураккаб вазннинг мумтоз намунасидир.

**ЭРКИН ВАЗН.** Эркин шеърнинг асосий шарти шаклнинг мундарижага мувофиқ бўлишидир. Эркин шеърда сатрлар шундай тартибда бўлиши керакки, бунинг натижасида шеърдаги интонация шоирнинг фикрларини, руҳий ҳолатини, ҳис-туйғуларини, кайфиятини тўла ифода этсин. Эркин вазннинг муҳим хусусиятларидан бири – айрим мисралардаги бўғин

(сўз)ларни (маъно ва интонацияни кучайтириш мақсадида) бир неча қаторга зинапоя тартибида жойлаштириш (градация усули)дир. Эркин шеърда мусиқийлик ўзгариб, тобланиб туриши мумкин. Бир шеърда шоир бир нечта ритмик ўлчовлардан фойдаланади, бир туроқ тартибидан иккинчи туроқ тартибига кўчаверади...

Эркин шеърда интонацияга катта аҳамият берилади. Эркин вазннинг яна бир хусусияти шундаки, унда вазн, қофия, банд қурилишида анча эркинлик, қадимий қоидалардан бирмунча четга чиқиш юз беради. Мисралар ва зинопоялардаги бўғинлар сони ҳам teng бўлавермайди. Бу эркинликнинг асосида ҳам маълум бир қонуният ётади, албатта. Бу қонуният - мантиқий босим қонуниятидир, яъни қайси сўзни ажратиб, алоҳида таъкидлаб айтиш зарур бўлса, шу сўз алоҳида сатрга тизилади, қайси тартиб шоирнинг ҳисхаяжонини ва шоирона фикрини тўла ифода этса, сўзлар шу тартибда сатрларга тизилади. Масалан: ғафур ғулом «Сен етим эмассан» шеърида худди шу усулни қўллаган:

Чўчима жигарим,

Ўз уйингдасан.

Бу ерда

на Ғурбат,

на оғат,

на Ғам.

Бунда бор:

ҳарорат,

муҳаббат,

шафқат.

Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.

**БАНД.** Банд – шеърнинг алоҳида қофияланиш тартибига эга бўлган иирик ритмик бўлагидир. У нисбий тугал фикр ёки ҳиссиётни ифодалайди. Банд - қофия ва интонация билан бириккан (уюшган) мисраларнинг муайян

тартиб асосида такрорланиши. Банд йирик шеърий асар мазмунини пешмапеш (босқичма-босқич), изчил очиб боришда восита бўлади. Негаки, бандда асар мазмунига тааллуқли Фоя ва ҳиссиёт бутунлай тугалланмасдан, ўзидан кейинги ёки олдинги банднинг боши ёки давоми сифатида ҳам майдонга чиқади – фикр ва туйғу бир банддан иккинчи бандга кўчади. Шу тариқа, шеърда мавзу, Фоя ва руҳий ҳолат бирлигидан ташқарии, мантиқий ва синтактик бирлик ҳам пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Шеърда ритм, вазн, қофия ва бандлар воситасида фикр юритилади, ҳаёт бадиий ифодаланади. «Шеърда бандсиз мусиқийликни ва унинг биринчи унсури бўлган ритмни тасаввур қилиш қийин. Бандни шеър мусиқийлиги шаклланадиган ва рўёбга чиқадиган асосий майдон деб аташ мумкин, чунки муайян туроқ ва вазн орқали шаклана бошлаган шеър ритми банд орқалигина ўз такомилига эришади; вазн банд мисраларида такрорланади, мисралар эса маъно ва интонация жиҳатидан бир бутун ҳолда гурух-гуруҳ бўлиб келади. Мисралар гуруҳи мисраларнинг бошқа гуруҳлари орқали вазн ва қофияланиш жиҳатидан маълум қонун асосида такрорланади, натижада маълум бир шеър ритми вужудга келади. Шеър ритми бандлардаги қофиялар асосида келиб чиқадиган оҳангдошлиқ билан қўшилиб, мусиқийликни вужудга келтиради»<sup>2</sup>.

**БАНД ТУЗИЛИШИ.** Умуман айтганда, ўзбек шеъри бандида икки мисрадан тортиб йигирма тўрт мисрагача бўлиши мумкин. Ўзбек мумтоз шеъриятида (таркиббанд ва таржиъбандларни мустасно қилганда) иккисаккиз мисрали бандлар кўп учрайди. Ҳозирги ўзбек шеъриятида эса учлик, еттилик, тўққизлик, ўнлик, ўн бирлик, ўн учлик, ўн бешлик ва ўн олтилик сингари ўнга яқин янги шеърий бандлар пайдо бўлган. Адабиётшуносликда шартли равишда иккилиқдан олтиликкача бўлган бандлар – содда бандлар; еттилиқдан ўн олтиликкача бўлган бандлар – мураккаб бандлар деб

<sup>1</sup> Бу ўринда шаклан банд билан шеър teng бўлган рубоий ва туоқ каби кичик лирик жанрлар мустаснодир. Банд ва унинг вазифаси ҳақида яна қаранг: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. –Т.: Ўқитувчи, 1980, 343-353-бетлар.

<sup>2</sup> Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. –Т.: Фан, 1966, 131-132-бетлар.

юритилади. «Шу нарсани ёдда тутиш керакка, - деб ёзади профессор Т.Бобоев, - мумтоз адабиётимизда шеър қайси банд усулида ёзилган бўлса, кўпинча, шу усул муайян шеър жанрига ҳам нисбат берилган. Шу маънода маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусамман каби истилоҳлар, биринчидан, банд номларини ифодалаган бўлса, иккинчидан, муайян банд усулида ёзилган шеър жанрини ҳам белгилаб берган<sup>1</sup>. Чунончи, мухаммас, биринчидан, банд номи, иккинчидан, шеър жанри каби.

Ўзбек мумтоз адабиётида «таржиъбанд», «таркибанд» ва «соқийнома» каби жанрларда ёзилган шеърларнинг банд тузилиши ҳам ўзига хосдир. ҳозирги замон ўзбек шеъриятидаги эркин шеър, хусусан, сарбаст шеърнинг ҳам бандлари бошқача – улар мумтоз шеърият анъаналари қолипига сиғмайди. ҳозирги адабиётимиз – (эркин шеърни мустасно қилган)да шеър, асосан, бир хил банд усули (яъни шеърнинг биринчи банди қандай шаклда бўлса, бошқалари ҳам шу усулда)да ёзилади. Масалан, Абдулла Ориповнинг «Аёл» шеъри тўрт мисрали банд усулида ёзилган. Шеърда ўнта банд бўлиб, уларнинг ҳар бири тўрт мисрадан тузилган. ҳатто банднинг ички қофия тартиби (а+б+а+б) ҳам, мисралардаги бўғинлар сони ҳам (11 бўғин), туроқлар тартиби ҳам (6+5) бир хил эканлигини олим тўғри таърифлаган. Масалан:

Биринчи банд

Йигитлар мактубин битганда қондан,

$$- a - 6 + 5 = 11$$

Келинлар фироқдан чекканда ёху.

$$- b - 6 + 5 = 11$$

Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,

$$- a - 6 + 5 = 11$$

Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

$$- b - 6 + 5 = 11$$

---

<sup>1</sup> Қаранг: Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. –Т.: Фан, 1966, 130-162-бетлар.

## Ўнинчи (сўнгги) банд

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,

$$- \text{а} - 6+5 = 11$$

Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли ҳаёл.

$$- \text{б} - 6+5 = 11$$

Шундайлар бўлмаса агар дунёда,

$$- \text{а} - 6+5 = 11$$

Бу қадар мухтарам бўлмасди аёл.

$$- \text{б} - 6+5 = 11$$

А) Маснавий (иккилик - қофияланиш тартиби: а+а, б+б, в+в, г+г...) икки мисрадан иборат бўлган шеър банди. ўазалларнинг бандлари: а+а, б+а, в+а, д+а, е+а... ва фард (икки мисрали) шеърлар: а+а (ва, ҳатто, баъзан а+б, яъни қофиясиз) схемасида қофияланади.

Мумтоз адабиётимизда воқебанд (кичик) лирик шеърлар ҳам, йирик ҳажмли достонлар ҳам маснавий деб юритилаверган (агар улар икки мисрали банд усулида ёзилган бўлса). Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Муқимиининг «Танобчилар»и маснавий усулида ёзилган.

Ҳозирги замон ўзбек шоирлари ҳам маснавийга тез-тез мурожаат қиласидилар. Масалан:

Бахт нима? ҳаётми ёким ҳаёл?	- а
У недур? Мулкми ё умр безавол?	- а
Менинг назаримда буларнинг бари	- б
Бахт деган дарахтнинг шохобчалари.	- б
Бахтга ўша чой ҳам дахлдор эрур,	- в
Ақл ҳам, чирой ҳам дахлдор эрур.	- в
Ҳаётнинг Ғалваси гулдуросидан,	- г
Қувончи, ташвиши, хуш садосидан	- г
Йироққа тушмасак, бахтдир мана шу,	- д
Қандайдир муаллақ манзил эмас у.	- д
Бахт тенгдир шоиру бастакорга ҳам,	- е

Абдурайим деган пахтакорга ҳам - е

(Абдулла Орипов)

Б) Мусаллас (учлик) – уч мисрали банд усулида ёзилган шеър.

Бу усул ўзбек мумтоз адабиётида кенг тарқалмаган, аммо ҳозирги шеъриятимизда сийракроқ бўлса-да, ишлатилиб турибди.

Усмон Носирнинг «Балиқчи» шеъридаги учлик бандлар бошқача тартибда учрайди:

Оқ булултар қўзҒалди,

Тоғдан нари йўл олди.

Очилди кўм-кўк осмон...

Узокда юлдуз кўрдим,

Соҳилда бир қиз кўрдим

Боққан билан тўймасман...

В) Мураббаъ (тўртлик) – ўзаро қофияланган тўрт мисрали банд усулида ёзилган шеър. Мураббаънинг қофияланиш тартиби: биринчи банд мисралари ўзаро бир текисда қофияланади (а+а+а+а), кейинги бандларнинг дастлабки уч мисраси ўзаро қофияланади ва тўртинчи мисраларигана биринчи банднинг тўртинчи мисрасига қофиядош (б+б+б+а) бўлиб келади. Масалан:

Қўйма жоно, Сурма, шаҳло қўзларинг, - а

Охуларни қили шайдо қўзларинг, - а

Мардум ичра солди Ғавғо қўзларинг, - а

Мардумлари, магар, тарсо қўзларинг. – б

Эй париваш гулпираҳан суманбар, - б

Назокатда қаддинг сарву синовбар, - б

Буқун боқмай ошиқларга баробаро, - б

Қилмас андишай фардо қўзларинг - а

(Муқимий)

Г) Мухаммас (бешлик) – мумтоз адабиётимизда ўзига хос қофияланиш тартибига эга бўлган бешлик банд усулида ёзилган шеър.

Қофияланиш тартиби: биринчи банд мисралари ўзаро бир хилда

қофияланади (схемаси: а+а+а+а+а), кейинги бандлардаги дастлабки түрт мисра ўзаро қофияланиб, сўнгги бешинчи мисралар биринчи банднинг бешинчи мисраси билан оҳангдош (схемаси: б+б+б+б+а) бўлади. Масалан:

Сояедурменки, боқмас офтобим ким десун? - а

Бора-бора кетди қадрим, интихобим ким десун? - а

Бир ўқутмайдур битиб берган китобим ким десун? - а

Ул тағофул пешага ҳоли харобим ким десун? - а

ҳажрида мундоғ мени кўрган азобим ким десун? - а

Ошносидин кечиб, бегоналарга ёр-ёр, - б

Бу аламларга чидолмай, кўз ёшимдур шашқатор, - б

Ҳеч душман бўлмасун кўйида мендек хору зор - б

Кундузи бир ерда олмай орому қарор, - б

Лаҳзае йўқ кечалар кўзларда хобим ким десун? - а

(Муқимий)

Е) Мусамман (саккизлик) – саккиз мисрали банд усулида ёзилган шеър.

Мусамманнинг биринчи мисралари ўзаро бир хилда қофияланади (схемаси: а+а+а+а+а+а+а+а), қолган барча бандлардаги дастлабки ҳар етти мисра алохида бир хилда қофияланиб, саккизинчи мисраларигина биринчи банднинг саккизинчи мисрасига оҳангдош бўлади (схемаси: б+б+б+б+б+б+а, в+в+в+в+в+в+а каби).

Эркин Воҳидовнинг «Фироқ ҳақида» шеърида қўлланилган бир саккизлик бандга эътиборингизни тортмоқчимиз:

Севганингни ёки билмайди, - а

Ё билса ҳам кўзга илмайди. - а

Айрилиқда ёнасан бироқ - б

Сен буни ҳам атама фироқ. - б

Чунки севгинг бўлса чин - в

Хижронларни қиласр чилпарчин. - в

Ишон фақат, ҳеч толмай ишон, - г

**ОҚ ШЕЪР.** Шеършуносликда вазни аниқ, туроғи аниқ, лекин қофиясиз шеър оқ шеър деб юритилади. Вазн, мисралардаги ранг-баранг ритмик қурилиш оқ шеърнинг оҳангдорлигини, мусиқийлигини таъминлайди. Шайх Аҳмад Тарозий «Фунун ул балоға» асарида таъкидлаганидек, ўрта асрлар ўзбек мумтоз адабиётида ҳам «ҳарора» деб ном олган қофиясиз шеър нави бўлган. Шоира Увайсий «қўнгул доғ ўлди, доғ ўлдим» радифли Ғазалида тизимли ва изчил қофия ишлатмаганини эслаш кифоядир. Ҳозирги ўзбек шеъриятида оқ шеър – ҳарора анча қулоч ёзган. Файласуф шоир Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиасини оқ шеърда ёзганлиги ҳам бежиз эмас. Шоир Усмон Носирнинг «Луғатимда сўзим анча кўп», Шуҳратнинг «Оқ шеър», М.Шайхзоданинг «Уруғ сочарлар» каби асарлари оқ шеърнинг яхши намуналариидир.

**СОЧМА (НАСРИЙ) ШЕЪР.** Лирик кечинмалар сочма (насрий) нутқ шаклида ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай нутқ таъсирчанлиги ва жўшқин ритми билан шеърга монанд бўлади. Сочма бадиий нутқнинг шундай тури насрий шеър ёки сочма шеър деб юритилади<sup>1</sup>. Сочма шеърларни проф. Абдурауф Фитрат «Мансур шеърлар» деб атайди. Алломанинг уқтиришича, «сочим шеърлар (мансур шеърлар) учун «вазн» ва «қофия»нинг тегишлиги бўлмас ҳам, сўзларнинг ҳунарлича (санъаткорона) бўлиши тейишидир» («ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995 йил 16 июнь). Шоир Миртемир сочма шеърнинг хусусиятларини қуидагича таърифлайди: «Сочма аниқ ва қатъий вазндан холи, қора сўзда ёзиладиган, лекин таъсир кучи баланд бўлган (наср) шеър. Сочманинг ўз қоидалари, ўз «вазнлари», хеч ким томонидан ёзилмаган қонунлари бор. Ундагши образлар, катта вазифалар юклатилган поэтик қочириқлар шоирдан катта меҳнат талаб қиласи. Хуллас, қофиядош шеърларга хос бўлган талабларнинг деярли ҳаммаси унда бор. Бўлмаса, картина, мавж, манзара бўлмас эди. Сочма шундай вақтда ёзиладики, туйғу ва фикрлар тўлқинланиб тошиб кетади. Уни

<sup>1</sup> Қаранг: Хамраев М. Пламя жизни, -Т.: изд-во Литературы и искусства им. Г.Гуляма. 1988, 85-101 бетлар.

бирон тўсиқ билан тўхтатиб бўлмай қолади. У вазн, ритмнинг биз тушунган маънодаги қолипига сифтмай қолади ҳам. Шундай пайтларда фикрлар сочма тарзда қоғозга тушади...

Сочманинг қофиядош шакли ҳам бор. Унинг ўзида ички ритм, ички бир мусиқа, жаранг бор. ҳозир шундай хулосага келдимки, фикрлару образлар, туйғуларнинг жуда тиқилиб келганида сочма туғилар экан. Унинг таъсирчанлиги ҳам шу билан изоҳланса керак<sup>1</sup>. Ойбекнинг «Мансур шеърлар», «Юлдуз қиз ҳақида эртак» каби асарлари сочма шеърнинг яхши намуналаридир.

**АРУЗ ВАЗНЛАРИ.** Аруз (арз қилмоқ) – деганда биз Шарқ халқлари адабиётида, жумладан ўзбек адабиётида кенг қўлланилган ўзига хос мураккаб вазнлар тизимини назарда тутамиз.

Аруз вазни ҳижоларнинг талаффузидаги узун-қисқалигига асосланган бўлиб, мусиқа билан чамбарчас боғлиқдир.

Аруз вазни – араб назмининг қадимий шеърий тизими. Аруз ҳақидаги илм – арузшунослик VIII асрда вужудга келган. Бу илмнинг асосчиси машҳур араб адаби ва олими Халил ибн Аҳмад (719-791)дир.

Шарқ олимлари арузшунослик равнақига муносиб ҳисса қўшганлар. Чунончи, X асрда Абу Наср Фаробий («Шеър ва қофиялар ҳақида сўз»), «Шеърий санъат», «Шоирлар санъати қонунлари ҳақида», XI асрда Абу Али ибн Сино («Поэтика», «Аруз тўғрисида рисола») XII асрда Абу Яъкуб Юсуф Саккокий («Илмлар калити»), Маҳмуд Замахшарий («Аруз ўлчовлари») каби олимлар аруз ҳақида рисолалар яратганлар. Шунингдек, Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ул-балоға», Атоуллоҳ Маҳмуд ҳусайнининг «Бадойиъу-с-санойиъ», Рашидиддин Ватвотнинг «ҳадойик-ус-сехр», Хожа Насриддин Муҳаммад Тусийнинг «Меъёр-ул ашъор», Абдурахмон Жомийнинг «Аруз», Шамсиддин Муҳаммад бин Қайси Розийнинг «Алмўжам фи меъёр ашъор ал-Ажам», Воҳид Табризийнинг «Жамъ-и муҳтасар» каби илмий асарларида араб, форс ва турк арузининг умумназарий

<sup>1</sup> «Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1974 йил, 4 январь.

масалалари тадқиқ қилинган. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий «Мезон-ул авзон» асарида арузшунослик ютуқларига таяниб, ўзбек арузини илк дафъа чуқур тадқиқ қилди, ўзбек арузининг араб ва форс арузлари билан муштарак жиҳатларини ҳам, ўзига хослигини ҳам асослаб берди. Заҳириддин Мұхаммад Бобур «Мухтасар» асарида устози Алишер Навоийнинг турк арузи ҳақидаги қарашларини такомиллаштириди ва бойитди.

Аruz тизимида шеърнинг биринчи мисрадаги ҳижо (жузв)ларнинг миқдори ва сифати (қисқа-чўзиқлиги), руқнларнинг сони ва тартибининг бошқа мисраларда муайян қонуният асосида тақрорланишидан вазн пайдо бўлади. «Аruz рисоласи» («Мухтасар»)да Бобур шундай дейди: «Билмак кераким, ажzonинг таълифидин аркон қўяр ва арконнинг тақроридин вазн мисраи ҳосил бўлур. Бу шарт билаким, бу тақрор мўътадил бўлғай... ва тақрорнинг камроқ адади иккидур ва кўпраки тўрт ва мисра мукаррар бўлса, байт бўлур. Бас байте тўрт руқндин, ё олти руқндин, ё секкиз руқндин бўлғай... ва байттин Ғазал ҳосил бўлур, ё қитъа, ё рубоий, ёқасида, ё Ғайри ул»<sup>1</sup>.

Англашилдики, ҳижолар гурухланиб, руқнларни вужудга келтирса, руқнлар уюшувидан вазн мисраси келиб чиқади. Руқнлар тақрори қатъий қонуният асосида бўлади. Бир мисрада камида икки руқн, кўпи билан тўрт руқн бўлади ва икки мисра бирикиб, бир байт ҳосил қиласи. Байтда тўрт руқн, олти руқн, саккиз руқн бўлиши мумкин... Байт – шеър уяси экан, байт тузилишига асосланиб, шеър вазни аниқланади. Шеърнинг биринчи мисрасида ҳижолар миқдори ва сифати, руқнлар сони, таркиби ва тартиби қандай бўлса, иккинчи мисрада ҳам шу схема айнан тақрорланса – бу шеър содда вазн типида ёзилган бўлади. Аксарият шеърлар содда вазнда ёзилган. Бироқ арузшуносларимизнинг уқтиришича, ҳамма шеърлар ҳам шу тарзда бўлавермайди. Айрим шеърлар «қўшма вазн»да ҳам ёзилган бўлиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Заҳириддин Мұхаммад Бобур. Мухтасар (нашрга тайёрловчи: Сайдбек Ҳасан), -Т.: Фан. 1971. 23-24-бетлар.

Агар шеърнинг биринчи мисраси бир вазнда ва иккинчи мисраси бошқа вазнда бўлса – «қўшма вазн» деб юритилади.

Шеърий нутқ бадииятини ўрганишда шеърий асар тилининг хусусиятлари албатта эътиборга олиниши лозим. Хусусан, бадиий асарда сўз ёки сўзлар бирикмасининг ўз маъносига эмас, кўчма маънода қўлланилиши фанда мажоз (троплар) деб юритилади. Мажоз шеърий нутқни бойитади, шоирнинг тасвир объектига муносабатини ифодалашга имкон беради. Ўхшатиш, сифатлаш, метафара (истиора), жонлантириш ҳам мажоз турларига кирса, метонимия, муболаға, синекдоха, перифраз, киноя, антифраз, сарказм кабилар қоришик мажозлар деб юритилади. Шеърий асар вазнини таҳлил қилишда шеърий нутқ бадиияти ҳам ўқитувчи дикқатидан четда қолмаслиги зарур.

## **ТАВСИЯ ҚИЛИНУВЧИ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Тошкент.: Ўзбекистон. 2000.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. 10-том. Тошкент: «Ўзбекистон», 2002.
3. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. I Жилд. Тошкент: «Ўзбекистон», 1996.
4. Баркамол авлод орзуси. Тошкент:, Шарқ нашриёт-матбаа концерни, 1998.
5. Узлуксиз адабий таълим йўриги. (Концепция) Тошкент:, ўз ПФИТИ, 1995.,
6. Умумий ўрта таълимининг давлат таълим стандарти ва дастури. Адабиёт 164 - 244 -бетлар. //Таълим тараққиёти. 1-максус сон. Тошкент: Шарқ матбаа концерни 199.
7. Комилов Т. Тафаккур карvonлари Тошкент:, 1999.
8. Миллий истиқлол Фояси; асосий тушунчаси ва тамойиллар.

Тошкент: 2001.

9. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент:, 1994.
10. Маънавият юлдузлари. Тошкент: Абдулла қодирий номидаги нашриёт, 1999.
11. Йўлдошев Қ. Педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишининг илмий методик асослари //Пед. фан доктори диссертацияси. Тошкент:, 1997.
12. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. –Т.: Ўқитувчи, 2005.
12. Матчонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш //Пед. фан. доктори...дисс -Тошкент:, 1998.
13. Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми? –Т.: Ўқитувчи. 1995.
13. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шаклантириш ва такомиллаштириш асослари монография.- Тошкент;, Фан. 2006.
14. Ниязметова Т.Р Методика самостоятельной работы учавдихся на уроках узбекский литературы в V-VI классах II дисс.канд. пед. наук. Тошкент:, 1978,
15. Яминова С. Ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шаклантиришда сценарийли ўқитиши усулидан фойдаланиш // Пед. фан. номзоди...дисс. -Тошкент:, 1997.
16. Келдиёров Р. Адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг илмий-методик асослари //Пед. фан. номзоди. дисс -Тошкент:, 2001.
17. Каримов Н. Норматов У. Адабиёти. 5-синф учун дарслик. Тошкент: «Ўқитувчи», 2003.
18. Йўлдошев Қ. Хусанбоев Қ. Адабиёт. 6-синф. учун дарслик -мажмуа. Тошкент: «Ўқитувчи», 2003.
19. Каттабекова А. ва бошқалар. Адабиёт.9-синф учун дарслик мажмуа. Тошкент:, 2003.
20. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том. Тошкент:, «Фан», 1979.
21. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент:, «Ўқитувчи», 1980.

22. Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. Тошкент: «Фан», 1981.
23. Рустамов А. Кофия нима? Тошкент: «Фан», 1976.
24. Шукurov Н., Хотамов Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. («Шеър тузулиши» боби) Тошкент: «Ўқитувчи», 1964.
25. Бобоев Т. «Адабиётшуносликка кириш» курси бўйича ўқув методик қўлланма. («Шеър тузилиши» боби) Тошкент: «Ўқитувчи» 1979.
26. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Тошкент: «Ўқитувчи» 1996.
27. Жамол Камол. Лирик шеърият. Тошкент, «Фан», 1970.
28. Расулов А. Танқид, таҳлил, талқин. –Т.: Фан. 2006.
29. Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм //Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент., 1999.
30. Ҳусанбоева Қ. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. Тошкент:, 2004.
31. Эгамбердиева Ф. Адабий таълимда илғор педагогик технологияларни қўллаш. Методик қўлланма. Тошкент., 2005.
32. У. Тўйчиев. Ўзбек шеър системалари. Т., «Фан», 1981.
31. У.Тўйчиев Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. –Т.: Фан, 1966.
32. Н. Шукурев, Н. Хотамов ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш. («Шеър тузилиши» боби) Т., «Ўқитувчи нашриёти», 1964.
- 33.Жамол Камол. Лирик шеърият. Т., «Фан», 1970.
- 34.Ражабов Д. Бадиий образ ва ритмнинг ўзаро муносабати. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертациянинг автореферати. Т., 1998.
35. Қуронов Д. Адабиётшунослик асослари. –Андижон: 2005.

## М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....	3-6		
МАТНДАГИ	АСОСИЙ	ФИКРНИ	АНИҚЛАШ
ЙҮЛЛАРИ.....			6-19
БАДИЙ АСАР ҚАХРАМОНИ ҲАЁТИДАГИ ҲОДИСАЛАРНИ АСАР СЮЖЕТИ	ВА	КОМПОЗИЦИЯСИГА	БОҒЛАБ
ЙҮРГАНИШ.....			20-30
ҚАХРАМОНГА ТАВСИФ БЕРИШ ЙҮЛЛАРИ.....	31-41		
ВОҚЕАЛАР РИВОЖИДА САБАБ, ОҚИБАТ АЛОҚАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ЙҮЛЛАРИ.....	42-44		
БАДИЙ АСАРДА МУАЛЛИФ НУҚТАИ НАЗАРИНИ АНИҚЛАШ.....	45-54		
БАДИЙ АСАР ТАҲЛИЛИДА ЁЗУВЧИ УСЛУБИ ВА МАҲОРАТИНИ ЎРГАНИШ ЙҮЛЛАРИ.....	55-64		
БАДИЙ АСАР ТИЛИГА ХОС ТАСВИР ВОСИТАЛАРИНИ ЎРГАНИШ.....	65-71		
ШЕЪР ВАЗНИНИ ВА БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙҮЛЛАРИ.....	72-81		
ШЕЪРИЙ АСАР ВАЗНИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ЙҮЛЛАРИ.....	82-98		
ТАВСИЯ ҚИЛИНУВЧИ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	98-100		



